

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ


ИНСТИТУТ ОЛИМЛАРИ

«ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА
АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ
БОШ ТАҲРИРИЯТИ
ТОШКЕНТ — 2004

Институт ректори, профессор
Т. ЭРГАШЕВНИНГ УМУМИЙ ТАХРИРИ ОСТИДА

Нашрға тайёрловчи: Турсунпўлат МИРЗАМАҲМУДОВ,
маънавият ва маърифат масалалари бўйича 1-проректор, профессор

Муҳаррир: Ўринбой МЎМИНОВ, институттинг маънавий ва маърифий ишлар бўлими бошлиғи



Институт олимлари/Т.Эргашев ум. таҳ. остида.—Т.:
«Шарқ», 2004. — 176 б.

Ушбу тўплам Наманган муҳандислик-педагогика институтининг ташкил топганига 25 йил тулиши муносабати билан чоп этилди. Унда институттада олим сифатида камол топиб, шу ерда илмий-педагогик фаолият олиб бораётган ҳамда халқ хўжалигининг бошқа тармоқларида меҳнат қилаётган профессор-ўқитувчиларнинг таржи-маи ҳоли, илм-фан соҳасида босиб ўтган йўли ва уларнинг ижодий ютуқлари қисқача ўз баёнини топган.

ББК.74.04(5y)

МУҲАНДИС-ПЕДАГОГЛАР МАСКАНИ

Илм ва тафаккур одамлар қалбига нур,
онгига зиё, хонадонига файз-барака
келтирадиган буюк мўъжизадир.

И. Каримов

Азалий кўркам ва гўзал, гуллар шаҳри Наманганд Истиқлол йилларида янада обод ва файзли бўлиб бормоқда. Айниқса, мамлакатимиз ва ҳалқимизни нурафшон келажакка элтувчи «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини ҳаётга тадбиқ этиш борасида амалга оширилётган эзгу ишларда вилоятдаги олий таълим муассасаларининг алоҳида ўрни ва ҳиссаси бор.

Истиқлолгача фақат битта педагогика институти бўлган вилоятда бугун битта университет ва иккита институт фаолият кўрсатмоқда.

Шулардан бири Наманганд мұҳандислик-педагогика институтидир. Бу даргоҳнинг тамал тоши асли 1979 йил қўйилган. У 12 йил давомида, гарчи минтақанинг малакали мұҳандис кадрларга эҳтиёжи катта бўлса-да, тоталитар тузум сиёсати туфайли марказий институтлар, хусусан Тошкент политехника ва Тошкент машинасозлик институтларининг филиали бўлиб келди ва жуда оз миқдорда кадрлар тайёрлади.

Шунга қарамай, бу ерда меҳнат қилган педагогик жамоа аъзоларининг фидокорона меҳнатлари ва самарали илмий изланишлар олиб борганлари боис ёшлиарга илм-фан асослари ҳамда мутахассисликлар сирлари пухта сингдирилди, ҳар

томонлама етук кадрлар тарбиялаб етиштирилди. Бунинг исботини айни чоғда вилоят ва минтақада ишилаётган 10 мингдан зиёд раҳбар ва мутахассис кадрлар шу филиалнинг собиқ талабалари эканлигида кўриш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1991 йил 29 мартағи 75-сонли Қарорига асосан ушбу филиал негизида Наманган саноат-технология институти ташкил топди.

Институтни ташкил этишдан кўзланган мақсад, биринчидан, Фарғона водийси, хусусан Наманган вилояти халқ хўжалигининг юқори малакали мутахассис кадрларга бўлган эҳтиёжини тўлароқ қондириш бўлса, иккинчидан, ушбу минтақанинг илмий-техникавий салоҳиятини ошириш эди. Институт жамоаси ҳар икки вазифани ҳал қилишга ва мамлакат олий таълим муассасалари орасида ўзининг ўрни ва мавқеини топишга қаратилган саъй-ҳаракатларни амалга оширди. Қисқа давр ичидаги институт нафақат ўз қаддини ростлай олди, балки таълим сифатини белгиловчи бир қатор кўрсаткичлар бўйича республика олий таълим муассасалари орасида юқори ўринга кўтарилиди.

1998 йил институт жамоаси ҳаётида муҳим воқеа содир бўлди, деб айтиш мумкин. Шу йил 24 февраль куни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Академик лицейлар ва касб-хунар коллажларини ташкил қилиш ва улар фаолиятини бошқариш тўғрисида»ги 77-сонли Қарори қабул қилинди. Қарорга биноан институт Фарғона минтақасининг касб-хунар коллажлари учун зарур бўлган муҳандис-педагоглар тайёрлашга ихтисослаштирилган муҳандислик-педагогика институтига айлантирилди. Бу ҳол ўз навбатида институт профессор-ўқитувчилари жамоаси зиммасига катта масъулият юклади. Биринчи навбатда институтнинг илмий-педагогик салоҳиятини янада ошириш ва айни вақтда минтақа учун зарур бўлган янги таълим йўналишларидан ташкил этилди.

ри бўйича кадрлар тайёрлашга киришиш тақозо этилар эди.

Интилганга толе ёр, дейишади. Шу боис институт раҳбарияти, жамоат ташкилотлари, барча профессор-ўқитувчилар жамоаси томонидан бу йўналишда амалга оширилган чора-тадбирлар ўзининг ижобий натижаларини берди.

Халқ хўжалиги учун зарур бўлган янги-янги ихтисосликлар очилиши билан институт тобора кенгайиб, талабалар ва профессор-ўқитувчилар сони ҳам ортиб борди. Айни чоғда институт профессор-ўқитувчиларининг сони 250 нафардан зиёд бўлиб, уларнинг 11 нафари фан докторлари, профессорлар, деярли 100 нафари фан номзодлари ва доцентлардир.

Ҳар бир муаллим ўз фани асослари бўйича талабаларга билим беришда илғор, замонавий педагогик технологиялар ва техник воситаларни самарали қўллашлари натижасида институт талабаларининг билим сифати кўрсаткичи республика олий таълим муассасалари ўртасида 4-ўринни эгаллаб турибди.

Институт олимлари томонидан ишлаб чиқаришга жорий этилаётган янгиликлар ва ихтиrolар, жумладан, «Қизил равот» сув тозалаш иншооти, «Наманганвино» акционерлик жамияти, консерва заводи ва кўплаб қурилиш ташкилотлари фаолиятига тадбиқ этилиши туфайли катта са-марадорликка эришилмоқда.

Институт жамоаси заҳматли меҳнатлари туфайли катта обрў-эътибор топган профессорлар Э. Ботиров, Қ. Фофуров, М. Исмоилов, Ш. Йўлдошев, F. Фуломов, доцентлар Ж. Муҳамедов, А. Отабоеva, Р. Исматов, А. Насриддинов, А. Раҳимов, С. Раззоқов кабилар билан ҳақли равишда фахрланиди.

Институтда таълим ва тарбия жараёнларини узий боғлиқ равишда ташкил этиш учун барча имкониятлар ишга солинмоқда.

Институт илм аҳли замон талаблари асосида

иш кўриб, таълим-тарбия жараёнини энг ривожланган давлатлар тажрибаси билан бойитиш мақсадида Англия, АҚШ, Швеция, Канада, Жанубий Корея каби давлатлардаги ўндан ортиқ нуфузли университетлар билан илмий-педагогик ҳамкорлик қилиб келмоқда.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг иккинчи сифат босқичи вазифаларини давр талаблари асосида мувваффақиятли ижро этиш ва истиқболдаги бошқа эзгу ва хайрли ишларда фаол иштирок этувчи институт олимлари фаолияти билан танишиш имконини берувчи ушбу тўплам талабаларда, ўқувчиларда ва китобхонларда яхши таассурот қолдиради, деган умиддамиз.

**Т. ЭРГАШЕВ,
институт ректори, иқтисод
фанлари доктори, профессор.**

Институт
РАҲБАРЛАРИ

ТОШТУРГУН ЭРГАШЕВ



Тоштургун Эргашев 1937 йил 15 майда Наманган вилояти Янгиқўрғон туманининг Калишоҳ қишлоғида хизматчи оиласида туғилган.

1944—1954 йилларда Чортот туманининг Короскон қишлоғидаги бўйта мактабда ўқиган. 1954—1959 йиллари Ўрта Осиё политехника институтининг кончилик факультетида, 1961—1964 йилларда эса Москва кончилик институти аспирантурасида таҳсил олган.

У ўзининг меҳнат фаолиятини 1959 йилда Ўзбекистон Фанлар академиясининг кончилик бўлимида кичик илмий ходим сифатида бошлаган.

У 1965 йил Москва кончилик институтининг илмий кенгашида ўзининг номзодлик диссертациясини ҳимоя қилгач, илмий изланишларини Ўзбекистон Фанлар академиясининг Иқтисодиёт институтида давом эттириди. Институтгуда ўз фаолиятини катта илмий ходим лавозимида бошлаб, сектор мудири ва бўлим бошлиғи сифатида халқ хўжалигини бошқариш, режалаштириш ва ишлаб чиқаришни иқтисодий рафбатлантириш муаммолари бўйича бир қатор илмий-тадқиқот ишларига раҳбарлик қилди.

1981 йилда иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун диссертация ҳимоя қилди ва 1982 йилда профессорлик илмий унвонига сазовор бўлди.

1982 йил профессор Т.Эргашев Тошкент халқ хўжалик институтининг (ҳозирги ТошДИУ) сиёсий иқтисод кафедраси мудирилигига таклиф этилди. 1984—1985 йиллари эса у Ўзбекистон Фанлар академияси Президиумининг Илмий-тадқиқот муассасалари фаолиятини мувофиқлаштириш кенгашининг раис ўринbosари сифатида фаолият кўрсатди.

1985 йилда Т.Эргашев Тошкент политехника институтининг Наманган филиали (ҳозирги НамМПИ) директори этиб тайинланган. Шундан буён Наманган вилоятида олий таълимни ривожлантириш ва такомил-

лаштиришга ҳамда илм-фан тараққиётига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келмоқда.

Унинг бевосита саъй-ҳаракатлари туфайли 1991 йилда Тошкент политехника институтининг Наманган филиали базасида Наманган саноат-технология институти ташкил этилди ва у 1998 йилдан Наманган муҳандислик-педагогика институтига айлантирилиб, касб-хунар колледжлари учун муҳандис-педагоглар тайёрлаш бўйича таянч олий ўқув юрти этиб белгиланди.

Т.Эргашевнинг ташкилотчилик қобилияти ва фидоийлиги туфайли ўтган қисқа давр ичida ўқув-лаборатория бинолари, талабалар уйи, дам олиш масканлари, «Олтин давр» мажмуаси ва спорт иншоотлари қуриб ишга туширилди. Институтнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, илмий-тадқиқот ишларини ривожлантириш, илмий-педагогик кадрлар салоҳиятини юксалтириш ва уларнинг малакасини ошириш, тадбиркорликни ривожлантириш ва бюджетдан ташқари маблағларни ташкил қилиш, халқаро алоқаларни йўлга кўйиш ҳамда республикамиз миллий иқтисодиёти учун юқори малакали, маънавий етук мутахассислар тайёрлаш соҳаларида жиддий ютуқларга эришилди. Наманган муҳандислик-педагогика институти бугунги кунда мамлакатнинг нуфузли олий ўқув юртларидан бирига айланди.

Профессор Т.Эргашев мамлакатимизда иқтисодиёт илмини ривожлантиришга салмоқли ҳисса қўшган, саноат ишлаб чиқаришини иқтисодий рағбатлантиришнинг минтақавий муаммолари бўйича ўзининг илмий мактабига эта бўлган таникли олим бўлиб, унинг кўпгина илмий гоялари ва тавсиялари амалиётга тадбиқ этилган. У 100 дан ортиқ илмий ишлар, шу жумладан, 5 та монография, битта дарслик, битта ўқув қўлланма ҳамда иқтисодиёт атамаларининг ўзбекча-инглизча-русча луғати муаллифидир. Унинг раҳбарлигига 20 нафардан зиёд фан докторлари ва фан номзодлари тайёрланган, ҳозирги кунда 5 нафар аспирантга илмий раҳбарлик қилмоқда.

Унинг бевосита раҳбарлигига «Қизил равот» сув тозалаш иншоотида янги фильтрловчи материалларни жорий қилиш, «Наманганвино» ҳиссадорлик жамиятида спирт олиш технологиясини ишлаб чиқиш ва бошқа кўплаб илмий-техникавий ишланмалар амалиётга тадбиқ этилган бўлиб, катта иқтисодий самара бер-

моқда. Шунингдек, профессор Т.Эргашевнинг илмий раҳбарлиги остида институт иқтисодчи олимлари томонидан АҚШ Халқаро Тараққиёт Агентлиги «Евразия» фонди гранти асосида «Менежмент» мутахассислиги магистрантлари учун 5 та намунавий ўқув дастурлари ва ўқув қўлланмалари тайёрланиб, чоп этилди ва республика олий ўқув юртларига фойдаланиш учун тарқатилди.

Т.Эргашев Фарғона водийси олий ўқув юртлари ректорларининг Минтақавий кенгаши раиси сифатида олий таълимни ислоҳ қилиш ва ривожлантириш, минтақавий илмий-техник муаммоларни ҳал этиш, водий ва вилоятдаги университетлар ва институтларнинг илмий-педагогик салоҳиятини ошириш соҳаларида алоҳида жонбозлик кўрсатиб келмоқда. У Ўзбекистон Республикаси Ўрта-маҳсус ва қасб-хунар таълими маркази ҳузуридаги Илмий-услубий кенгаш аъзосидир.

Т.Эргашевнинг номи Буюк Британия Халқаро биография маркази томонидан чоп этилган «ХХ асрнинг 2000 нафар атоқли интеллектуаллари» китобига кирилган.

Илм-фан тараққиётига қўшган ҳиссаси ва юқори малакали кадрлар тайёрлаш соҳасидаги хизматлари учун профессор Т. Эргашев ҳукуматимиз томонидан муносаб тақдирланган.

ҒУЛОМҚОДИР ДАДАМИРЗАЕВ



Ғуломқодир Дадамирзаев 1945 йил 4 апрелда Наманган тумани Хонобод қишлоғида дехқон оиласида туғилган. 1962 йил ўрта мактабни тугатиб, Наманган давлат педагогика институтининг физика-техника факультетига ўқишга кирган. Бу ерда 2-курсни битиргач, ўқишни давом эттириш учун Тошкент давлат университетига таклиф этилган. 3-курсдан кейин эса Москва давлат университетининг физика факультетида ўқиган.

Ўқишни тугатгач, 1968 йилда ТошДУнинг физика факультетига асистент лавозимига ишга қабул қилин-

ган, 1970—1973 йилларда ТошДУ аспирантурасида ўқиган ва 1975 йилда физика-математика фанлари номзоди илмий даражасига эга бўлган. Унинг илмий ишлари иссиқ электрон шароитида электрофизик ҳодисаларга бағишланган бўлиб, яrimўтказгичлар физикасида муҳим аҳамият касб этади.

1974—1980 йилларда Наманган давлат педагогика институтида методист, ўқитувчи ва катта ўқитувчи лавозимларида ишлаган ва 1978—1980 йилларда бир вақтнинг ўзида жамоатчилик асосида илмий ишлар бўйича проректор вазифасини бажарган. 1980 йилнинг сентябридан янги ташкил қилинган Тошкент политехника институтининг Наманган филиалига таклиф этилган. 1980—1991 йилларда катта ўқитувчи, доцент, тайёрлов бўлими мудири лавозимларида ишлаган. 1991 йилдан эса филиал негизида ташкил қилинган Саноат-технология институтининг (1998 йилда муҳандислик-педагогика институтига айлантирилган) физика кафедрасида мудирик қилган. 1995 йилдан ҳозиргача ўқув ишлари бўйича проректор вазифасида ишлаб келмоқда.

Ғ. Дадамирзаевнинг 70 дан ортиқ илмий ва илмий-услубий мақола ва рисолалари чоп этилган бўлиб, улардан 20 дан ортиғи олий таълим муаммоларига бағишланган.

Унинг Россия Федерацияси етакчи журналларида чоп этилган 10 дан ортиқ илмий мақолалари фундаментал характерга эга бўлиб, яrimўтказгичлар физикаси мутахассислари томонидан юқори баҳоланган ва улар асосида қатор назарий кашфиётлар яратилмоқда.

ЭРКИН ХОЖИАКБАРОВИЧ БОТИРОВ



Эркин Хожиакбарович Ботиров 1949 йил 17 декабрда Қашқадарё вилояти Шаҳрисабз туманида туғилган.

1967 йилда Наманган вилояти Тўракўрғон туманидаги 44-ўрта мактабни олтин медаль билан тугатиб, Тошкент фармацевтика институтига ўқишига кирган. 1972 йилда институтни имтиёзли диплом билан таомомлагач, ўз меҳнат фаолиятини

Ўзбекистон Фанлар академиясининг ўсимлиқ моддалари кимёси институтида кичик илмий ходим лавозимида бошлаган. У алкалоидлар кимёси бўйича олиб борган илмий ишларини якунлаб, 1977 йилда номзодлик диссертациясини ёқлаган.

Э. Х. Ботиров 1978 йилдан бошлаб ўсимликлар таркибидаги биологик фаол flavonoidлар, кумаринлар ва лигнанларни ажратиб олиш, кимёвий тузилиши ва физиологик хусусиятларини ўрганишга киришган ҳамда 1993 йилда «Рутадошлар ва дуккакдошлар оиласларига мансуб ўсимликларнинг flavonoidлари, кумаринлари ва лигнанлари» мавзусида докторлик диссертациясини муваффақиятли ёқлаган. У ўсимликлар фенол моддалари кимёси бўйича республикада таниқли олимлардан бўлиб, хорижий ва МДҲ мамлакатлари ҳамда республиканинг нуфузли даврий, илмий журналларида 140 дан ортиқ илмий мақолалар эълон қилган, илмий ихтиrolари учун 8 та патент олган. Э.Х.Ботировнинг илмий маслаҳатлари ва раҳбарлигида 2 нафар фан доктори ва 5 нафар фан номзодлари тайёрланган.

Э. Х. Ботиров ўсимлиқ моддаларидан олинган флавосан, нефроцизин ва пиноцембрин доривор препаратларининг кимёвий таркибини ўрганиб, ишлаб чиқариш технологияларини яратган.

У 1993 йилдан бошлаб Наманган саноат-технология институтида (хозирги НамМПИ) профессор вазифасини бажарувчи, 1994 йилдан илмий ишлар, 2003 йилдан эса илмий ишлар, ахборот технологиялари, иқтисолидёт ва тадбиркорлик бўйича проректор лавозимида ишлаб келмоқда.

Э. Х. Ботировнинг раҳбарлиги ва бевосита иштирокида институтда илмий-тадқиқот ишларини ривожлантириш, уларнинг натижаларини ишлаб чиқаришга жорий этиш, юқори малакали илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш ва малакасини ошириш, илмий анжуманлар ўтказиш, ахборот технологияларини ривожлантириш, бюджетдан ташқари маблағларни ташкил қилиш каби соҳаларда салмоқли ютуқларга эришилди. «Дон маҳсулотларидан спирт олиш технологиясини яратиш», «Сув тозалаш иншоотларида маҳаллий фільтрловчи материаллардан фойдаланиш», «Наманган вилояти шароитида хантал ўстириш агротехнологиясини ишлаб чиқиши» мавзусидаги ишларини якунлаб, ишлаб чиқаришга жорий этган.

2002 йилда Э. Х. Ботировга профессор илмий унвони берилган.

Самарали илмий-педагогик ва ташкилотчилик фаолияти учун у «Устоз» фахрий унвони, «Олий таълим аълочиси» нишони билан тақдирланган ва АҚШнинг Нью-Йорк миллий академияси аъзолигига қабул қилинган.

ТУРСУНПҮЛАТ МИРЗАМАҲМУДОВ



Турсунпұлат Мирзамахмудов 1950 йыл 25 сентябрда Наманган вилояти Уйчи қишлоғида туғилған. 1969 йили Уйчи туманиндағы 26-үрта мактабни битириб, меңнат фаолиятини 1969—1970 йилларда Уйчи туман ўсимликларни ҳимоя қилиш станциясыда текширувчи сифатида бошлаган. 1970—1975 йилларда Тошкент қишлоқ хўжалик институти-нинг иқтисодиёт факультетида ўқиди. 1975—1978 йилларда Ўрта Осиё

қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти илмий-текшириш институтида кичик, катта илмий ходим бўлиб ишлади. 1978—1981 йилларда шу институт аспирантурасида ўқиб, диссертация ҳимоя қилди ва иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олди.

1982—1988 йилларда Тошкент политехника институти Наманган филиалида (ҳозирги НамМПИ) ассистент, катта ўқитувчи, доцент лавозимларида ишлади. 1988—1990 йилларда Ўзбекистон Компартияси Наманган вилоят партия қўмитаси сиёсий маориф уйи консультанти ва мудири бўлиб ишлади. 1991—1992 йиллари Ўзбекистон халқ демократик партияси Уйчи туман кенгашининг иккинчи котиби этиб сайланди. 1992 йилда Уйчи туман ҳокими ўринбосари этиб тайинланди. 1992—1994 йилларда Ўзбекистон Республикаси Президенти девонида ташкилий-кадрлар сиёсати масалалари бўйича масъул ходим бўлиб ишлади. 1994—1999 йилларда Наманган вилояти Уйчи тумани ҳокими сифатида фаолият кўрсатди, кейин 2000 йилгача Наманган вилояти «Маҳаллий саноат» ишлаб чиқариш савдо-акцио-

нерлик компанияси бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари лавозимида ишлади.

1998 йилда иқтисодиёт доктори илмий даражасини ва профессор унвонини олди.

2000 йилдан Наманган мұхандислик-педагогика институтида макроіқтисодиёт кафедраси профессори ва мудири, маънавият-маърифат масалалари бўйича биринчи проректори лавозимида ишлаб келмоқда.

2000 йилда Иқтисодиёт ва бизнес халқаро академиясининг ҳақиқий аъзоси этиб сайланди. 2002 йилда «Устоз» жамғармаси гранти совриндори сифатида Хитой Ҳалқ Республикасида илмий сафарда бўлди. Т.Мирзамахмудов бир қанча халқаро илмий-амалий анжуманларда (АҚШ, Россия) иштирок этган, 50 дан ортиқ илмий, ўқув-услубий мақолалар муаллифи.

1992 йил «Мустақиллик» нишони билан мукофотланган.

ФАН ДОКТОРЛАРИ, ПРОФЕССОРЛАР

КОМИЛ ХОЛИҚОВИЧ РОЗИҚОВ



Комил Холиқовиң 1936 йилнинг 27 апрелида Самарқанд шаҳрида хизматчи оиласида таваллуд топган. Унинг болалиги Наманган вилоятининг Куюкмозор қишлоғида ўтган ва шу қишлоқдаги мактабда ўқиган.

1952 йили мактабни аўло баҳоларга тутатган К. Х. Розиқов Ўрта Осиё давлат университетининг (ҳозирги ЎзМУ) кимё факультетига ўқишга қабул қилинди.

1957 йили университетни имтиёзли диплом билан битириб, Москвадаги Л. Я. Карпов номли физик-кимёвий илмий-тадқиқот институти аспирантурасига ўқишига кирди ва академик В. А. Каргин раҳбарлигига полимерлар физик кимёси бўйича илмий-тадқиқот олиб борди.

К. Х. Розиқов меҳнат фаолиятини 1960 йилда Тошкент полимерлар кимёси институтида кичик илмий ходимликдан бошлади. 1964 йили Бутуниттифоқ пахта целлюлозаси кимёси ва технологияси институтига айлантирилган мазкур даргоҳда катта илмий ходим, илмий котиб, лаборатория мудири бўлиб ишлади. 1962 йилда фан номзодлиги учун, 1973 йилда эса фан докторлиги учун диссертациялар ёқлади.

1981 йилда у физик кимёси ихтисослиги бўйича профессор илмий узвонига сазовор бўлди.

1978—1989 йилларда Ўрта Осиё нефтни қайта ишлаш (ҳозирги Кимё-технология ва органик катализ) институти директори лавозимида фаолият кўрсатди. 1989 йили К. Х. Розиқов Наманганга келди ва меҳнат фаолиятини Тошкент политехника институтининг Наманган филиалида (ҳозирги НамМПИ) давом эттириди. Да-стлаб кимё кафедрасини бошқарди, сўнгра экология кафедрасини ташкил этиб, кимёгар-эколог кадрлар тайёрлашга муносаб ҳисса қўшиди. Институтда бир неча йил илмий ишлар бўйича проректор лавозимида фаолият кўрсатиб, кўплаб фан докторлари ва номзодлари

етишиб чиқишига бош-қош бўлди. У шахсан 5 нафар фан доктори ва 15 нафар фан номзодига илмий раҳбарлик қилди.

Олим 1999 йилдан яна Тошкентта қайтиб, ҳозирда Тошкент давлат аграр университетида профессор лавозимида ишлайди.

К. Х. Розиқовнинг 300 дан зиёд илмий ишлари бор. 30 га яқин илмий ихтиро-кашфиёт гувоҳномаси, 10 га яқин ўқув қўлланмаси, 2 та илмий монография шулар жумласидандир. У 2003 йили нашр этилган «Моддалар таҳлили ва тадқиқининг физик-кимёвий усуслари» номли ўқув қўлланмасининг муаллифларидан биридир.

ҚАҲРАМОН ФАФУРОВ



ҚаҳрамонFaфуров 1940 йил 11 февралда Наманган вилояти Уйчи тумани Бирлашган қишлоғида хизматчи оиласида туғилган.

1957 йил тумандаги 7-ўрта мактабни тамомлагач, киномеханиклар ва шоғёрлар курсида ўқиган.

K. Faфуров меҳнат фаолиятини 1959 йил Чирчиқ электрокимё заводида компрессорлар машинисти сифатида бошлаган.

1959—1965 йилларда ТошПИнинг кимё-технология факультетида таҳсил олган. 1965—1966 йилларда Фарғона азотли ўғитлар заводида смена бошлиғи, 1966—1968 йилларда Тожикистон ФА Кимё институтида кичик илмий ходим, 1968—1971 йилларда Ўзбекистон ФА Кимё институтида аспирант, 1973—1975 йилларда катта илмий ходим, 1976—1980 йилларда Олмалиқ кимё заводида марказий лаборатория бошлиғи лавозимларида ишлаган.

1972 йилда «Пестицид рогорнинг макро ва микро ўғитлар билан ўзаро таъсири» мавзусида номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилиб, кимё фанлари номзоди илмий даражасига эга бўлган.

1980—1998 йилларда Тошкент политехника институти Наманган филиалида (ҳозирги НамМПИ) умумий кимё кафедраси мудири лавозимида ишлаб, 1983

йилда умумий кимё кафедрасига асос солган, сўнгра шу кафедра негизида бир неча кафедра ва технология факультети барпо этилди. У 1998 йилдан бошлаб Наманган муҳандислик-педагогика институти кимёвий технология кафедрасининг профессори лавозимида ишлаб келмоқда.

1990 йилда «Қоратоғ фосфоритини кислотали ишлаш маҳсулотларининг экологик тозалигини ошириш ва ресурсларини тежаш» мавзусида докторлик диссертациясини ёқлаган ва техника фанлари доктори илмий даражасига сазовор бўлган. 1993 йилда унга кимё фанлари профессори илмий унвони берилган.

У «Қоратоғ фосфоритидан фторсизланган ўғитлар» монографияси, олий таълим учун «Кимёвий технологиянинг назарий асослари», «Минерал ўғитлар ва тузлар технологияси» ва «Мураккаб реакция механизми ва катализ» ўқув дарслекларининг муаллифидир. Шунингдек, олим 150 дан ортиқ илмий ва ўқув-услубий ишлар чоп этирган, 20 дан ортиқ ихтироси бор.

Аммофос-К, Супераммофос-К, Монааммонийфосфат (Аммофос-1) каби технологиялари амалда жорий этилган.

Қ.Фафуров тарих ва шеърият билан қизғин шуғулланади, бир неча шеърий тўгламлари чоп этилган.

ҒАФУРЖОН ГУЛОМОВ



Ғафуржон Гуломов 1949 йилнинг 18 июляда Наманган вилояти Норин тумани Ҳаққулобод шаҳрида туғилган.

1966 йили Наманган туманинг 18-ўрта мактабни тугатгач, Тошкент давлат университетига ўқишига кирди. 1970 йили Тошкент давлат университети физика факультетини тамомлаб, назариячи-физик мутахассислигига эга бўлди. Шу йили республика Фанлар академиясининг

Физика-техника институтида илмий ходим, аспирант, 1979—1983 йилларда ЎзФА Ядро физикаси институтида мұхандис-конструктор лавозимларида ишлаган.

1982 йили «Электрон ва ковакларнинг қизишини бир жинслик бўлмаган яримўтказгичларнинг характеристикаларига таъсири» мавзусида ЎзФА Физика-техника институтида физика-математика фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун диссертация ҳимоя қилган.

1983 йилдан Тошкент политехника институтининг Наманган филиалида (ҳозирги НамМПИ) ассистент, доцент лавозимларида ишлади. 1999 йил физика-математика фанлари доктори илмий даражасига эга бўлди.

1989 йилдан ҳозирги кунгача Наманган саноат-технология институти (ҳозирги НамМПИ) доцент, ке-йинчалик профессор, 2002 йилдан физика кафедраси мудири лавозимларида ишлаб келмоқда.

F. Фуломов жамоатчилик асосида НамМПИ эксперт комиссияси раиси, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси эксперт кенгашининг аъзоси сифатида фаолият кўрсатмоқда.

Профессор F. Фуломов раҳбарлигида 4 нафар фан номзодлиги диссертацияси ҳимоя қилинди. У 100 дан ортиқ илмий ва ўқув-услубий ишларнинг муаллифи-дир.

Олим республика фан ва технологиялар маркази-нинг «Яримўтказгичларда электр юритувчи кучлар пайдо бўлишининг янги механизмлари» мавзуси бўйича давлат грантига илмий раҳбарлик қилмоқда.

Ҳозирги даврда «Яримўтказгичларда фотоэлектрик ҳодисалар», «Кучли электромагнит майдондаги яримўтказгичлар», «Қуёш энергиясидан электр энергияси олиш усуллари» йўналишлари бўйича илмий ишлар олиб бормоқда.

F. Фуломов вилоят ҳокимининг қатор «Фахрий ёр-лиқлари билан тақдирланган.

АҲМАДЖОН СОЛИЕВ



Аҳмаджон Солиев 1940 йил 5 майда Наманган вилояти Уйчи туманининг Хизиробод қишлоғида туғилган.

1957 йили қишлоқдаги 5-урта мактабни битирди. 1958—1962 йилларда Самарқанд кооператив институтининг товаршунослик факультетини имтиёзли диплом билан битириб, Учқўргон шаҳрида матлубот жамияти бош товаршуноси ҳамда бошқарув раиси ўринбосари лавозимларида ишлади. Уни 1964 йили Самарқанд кооператив институтининг савдони ташкил этиш ва техникаси кафедрасига асистент лавозимига ишга таклиф қилинди. А. Солиев 1966 йили Москва кооператив институти аспирантурасига кириб, 1970 йили «Аҳолига савдо хизмати кўрсатишнинг прогрессив усуллари» мавзусидаги диссертацияни муваффақиятли ёқлади ва иқтисод фанлари номзоди илмий даражасига эришди.

Самарқанд кооператив институтига қайтиб келиб катта ўқитувчи, доцент, профессор ҳамда товаршунослик факультети декани, илмий ишлар бўйича проректор ва ректор лавозимларида 1992 йилгача фаолият кўрсатди. У 1986 йилда М.В. Ломоносов номли Москва давлат университетида «Марказий Осиё давлатлари қишлоқ жойларида истеъмол товарлари бозори инфратузилмасининг мутаносиб ривожланиши» мавзусида докторлик диссертациясини ёқлади.

А. Солиев 150 дан ортиқ илмий-услубий ишлар муаллифи, уларнинг 8 таси рисола бўлиб, 2 тасидан АҚШ университетларида фойдаланилмоқда. 1993 йилдан бошлаб аввал Наманган муҳандислик-иқтисодиёт институтида, сўнгра Наманган муҳандислик-педагогика институтида кафедра мудири ва профессор лавозимларида ишлаб келмоқда. Наманганда молия ва кредит, бухгалтерия ҳисоби ва аудит, маркетинг мутахассисликлари бўйича олий маълумотли кадрлар тайёрлаш ишига ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда.

1997 йилда А. Солиевнинг Ўзбекистонда биринчилардан бўлиб маркетинг фани бўйича ўқув қўлланмаси «Ўқитувчи» нашриётида чоп этилди ва Олий ва ўрта-

махсус таълими вазирлиги тавсияси билан барча университет ва институт ҳамда колледжларда фойдаланилмоқда.

А. Солиев 1996 йилдан бери Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясининг махсус илмий кенгаши аъзосидир. Унинг илмий раҳбарлигига З нафар фан номзоди тайёрланди ва 4 та фан докторлиги учун тайёрланган диссертацияларга илмий маслаҳатчи бўлди.

Аҳмаджон Солиевга 2000 йилда таълим соҳасидаги кенг қамровли фидокорона меҳнатлари учун «Устоз» фахрий унвони берилди.

АҲАДЖОН ВАЛИЕВ



Аҳаджон Валиев 1937 йил 9 майда Наманган вилояти Чуст тумани Чуст қишлоғида туғилган. 1955 йил тумандаги 15-ўрта мактабни битирган.

1956 йили Тожикистон қишлоқ хўжалиги институтининг агрономия факультетига ўқишига кириб, 1961 йили тугатган ва агроном-олим мутахассислиги дипломини олган. 1961—1971 йиллари Тожикистон чорвачилик илмий-тадқиқот институтида кичик илмий ходим лавозимида ишлаган.

1971—1993 йиллари Тожикистон қишлоқ хўжалиги илмий-тадқиқот институтида «Яйловларда озуқа экинларини етиштириш» лабораторияси мудири ва бўлим бошлиғи лавозимларида ишлаган.

1969 йили номзодлик диссертациясини ҳимоя қилиб, қишлоқ хўжалик фанлари номзоди илмий даражасини олган.

1989 йили докторлик ишини муваффақиятли ҳимоя қилди.

1994—1997 йиллари Наманган давлат университетининг умумий биология кафедраси мудири лавозимида ишлаган.

1997—1998 йиллари Наманган вилоят қишлоқ хўжалик илмий-ишлаб чиқариш марказининг бош мутахас-

сиси лавозимида, 1998—2000 йиллари Андикон ғалла ва дүккәкли ўсимликлар илмий-тадқиқот институти-нинг Наманган филиалида директор лавозимида ишлаган. 2001 йилдан бошлаб Наманган мұхандислик-педагогика институтининг зироат мұхандислиги кафедрасы профессори лавозимида ишлаб келмоқда.

Профессор А. Валиев ўзининг илмий-педагогик фолияти давомида илмий-тадқиқот ишлари натижалари бүйича 100 дан ортиқ илмий мақолалар, 20 дан ортиқ қишлоқ хўжалиги учун тавсияномалар, 10 дан ортиқ рисолалар ва 2 та монография чоп эттирган.

У қишлоқ хўжалик экин навларини яратиш ва селекция соҳаси бўйича 2 та ихтириолик гувоҳномаси соҳибидир.

1987 йили «Хизмат кўрсатган ихтирочи» унвонига сазовор бўлган.

Илмий-тадқиқот ишлари учун Бутуниттифоқ ҳалқ хўжалик ютуқлари кўргазмасининг бронза ва кумуш медаллари билан тақдирланган.

МАДАМИН ЖЎРАБОЕВ



Мадамин Жўрабоев 1945 йили 2 майда Наманган шаҳрида туғилган. 1964 йилда Тошкент темир йўл транспорти техникумини ва 1971 йилда Тошкент темир йўл транспорти мұхандислари институтини тутатган. «Автоматика, телемеханика ва алоқа» бўйича мұхандис-электрик ихтисослигини эгаллаган. 1965 йилдан 1981 йилга қадар Наманган электр тармоқлари корхонасида техник, мұхандис, катта мұхандис, диспетчерлик ва технологик бошқарув жиҳозлари хизмати бошлиғи лавозимларида ишлаган. 1982 йилдан ТошПИнинг Наманган филиалида (ҳозирги НамМПИ) асистент, катта ўқитувчи, доцент ва кафедра мудири лавозимларида ишлаб келмоқда.

1982 йилдан қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини электрлаштириш соҳасида, қишлоқ хўжалигида электр технологиялари бўйича қишлоқ хўжалик биологик

объектларини электр таъсирлар билан рағбатлантириши ни ишлаб чиқиш ва асослаш муаммоси устида илмий иш олиб борди. 1986 йилда Украина қишлоқ хўжалик академиясида техника фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун «Тут ипак қуртни боқиши вақтида қўллаш учун сувни электр билан фаоллаштирувчи қурилманинг асосий параметрларини асослаш» мавзусида диссертация ёқлади, 2003 йилда Узбекистон Фанлар академиясининг Энергетика ва автоматика институтида техника фанлари доктори илмий даражасини олиш учун «Тут ипак қурти ва тут баргларини электр билан стимуллаш» мавзусида диссертация ёқлади.

Бажарган илмий изланишлари бўйича 70 дан ортиқ илмий иш чоп эттирган, шу жумладан, Москва, Тошкент ва Фарғона даврий илмий журналларида 20 та илмий мақола; ҳалқаро ва республика илмий конференцияларида иштирок этган ва маъruzалари чоп этилган; турли илмий тўпламларга 22 та илмий мақолалари киритилган; Москва ва Тошкентда 4 та илмий ҳисобот, 9 та мақола ва монография депонирланган.

Педагогик фаолияти даврида 40 та илмий ва ўқув-услубий ишлари чоп этилган. «Электроника асослари», «Электр станция ва нимстанцияларнинг электр ускуналари», «Электротехнологик қурилмалар» фанларидан маъruzалар курсларини чоп эттирган.

М. Жўрабоев бакалавриат йўналиши тажриба ишлари учун моддий баз яратишга алоҳида эътибор бериб, электроэнергетиканинг касб таълими бўйича магистратураси учун стандартлар, ўқув режалари ва дастурларини тайёрлаган ҳамда магистратуранинг 2 фанидан маъruzалар курсини ёзган. Шунингдек, у бакалавриат учун «Электроника асослари» ўқув қўлланмасини ва касб-хунар коллажлари учун «Электроника ва микроэлектроника асослари» фанидан дарслик яратган.

МАҲАММАДИХОН ИСРОИЛОВИЧ ИСМОИЛОВ



Маҳмадиҳон Исроилович Исмоилов 1949 йилнинг 17 марта Наманган вилояти Косонсой тумани Чиндовул қишлоғида хизматчи оиласида таваллуд топди.

1966 йили тумандаги 60-ўрта мактабни кумуш медаль билан битирди. Шу йили Тошкент давлат университети биология ва тупроқшунослик факультетига «Агрокимё» ихтинослиги бўйича ўқишига кириб, 1971 йили ўқишини тамомлади. Мехнат фаолиятини Ўзбекистон Фанлар академияси Ўсимликлар экспериментал биологияси институтидан лаборантликдан бошлади.

1973 йил 1 сентябрдан Тошкент давлат университети табиий факультетлар фалсафа кафедрасига танлов асосида ўқитувчиликка қабул қилинди, айни пайтда аспирантуранинг сиртқи бўлимига кирди.

1978 йилда Тошкент давлат университети ихтинослашган илмий кенгашида «Ҳозирги замон фалсафаси ва табиатшунослигида оламнинг моддий бирлиги муаммоси» мавзусида фалсафа фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун диссертация ёқлади. 1979 йилдан ишлаётган кафедрасида катта ўқитувчиликка ўтказилди. ТошДУдаги фаолиятини Олий ва ўрта-маҳсус таълим вазирлиги қошидаги Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш илмий кенгашининг шўъба аъзоси сифатида қўшиб олиб борди.

1980 йил 1 сентябрдан Тошкент политехника институти Наманган филиалига (ҳозирги НамМПИ) ижтимоий фанлар кафедраси катта ўқитувчилигига ўтказилди.

1985 йилда М. И. Исмоилов доцент илмий унвонига сазовор бўлди.

1994—1996 йилларда докторлик диссертациясини ниҳоясига етказиш мақсадида катта илмий ходимликка ўтказилди. 1996 йилда «Фан» нашриётида «Ҳозирги замон экологиясининг методологик асосланганлиги» номли монографияси рус тилида чоп этилди.

1998 йил Ўзбекистон ФА Фалсафа ва ҳукуқ институтида «Ҳозирги замон экологиясининг фалсафий-ме-

тодолик негизлари» мавзусида докторлик диссертациясини мұваффақиятли ёқлади.

М. И. Исмоилов 1998—2003 йиллар орасыда институт фалсафа кафедраси мудири, маңнавият ва маърифат масалалари бўйича биринчи проректор лавозимларида ишлади. Айни чоғда у фалсафа кафедраси профессори лавозимида фаолиятини давом эттирмоқда.

У 10 га яқин илмий-услубий, 40 га яқин илмий мақолалар, муаллифи бўлиши билан бирга Ўзбекистонда яратилган «Фалсафа лугати»ни яратилишига муносиб ҳисса кўшиди.

Олим бир қатор халқаро, республика ва минтақа миқёсидаги илмий анжуманларнинг фаол иштирокчидир.

ШАРОФИДДИН САЙФИДДИНОВИЧ ЙЎЛДОШЕВ



Шарофиддин Сайфиддинович Йўлдошев 1953 йил 5 январда Намангандекан вилояти Янгиқўргон тумани Бекобод қишлоғида туғилган.

1970 йилда Чорток шаҳридаги 1-урта мактабни олтин медаль билан битирган.

1975 йилда Тошкент давлат университети (ҳозирги ЎзМУ) амалий математика ва механика факультетининг механика мутахассислигини «Эластиклик назарияси» ихтисослиги бўйича тамомлаган.

1975—1984 йилларда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Механика ва иншоатларнинг сейсмик мустаҳкамлиги институтида катта лаборант, кичик илмий ходим, аспирант ва катта илмий ходим лавозимларида ишлаган. У 1982 йилда «Деформацияланувчи қаттиқ жисмлар механикаси» мутахассислиги бўйича номзодлик диссертациясини ҳимоя қилиб, техника фанлари номзоди илмий даражасига эга бўлди.

1984 йилдан бошлаб Тошкент политехника институтининг Намангандекан филиалида (ҳозирги НамМПИ) материаллар қаршилиги кафедрасида катта ўқитувчи, қурилиш механикаси кафедрасининг мудири, қурилиш

факультетида декан мувини, материаллар қаршилиги ва қурилиш механикаси кафедраси мудири, қурилиш факультети деканы лавозимларида ишлади.

Ш. С. Йўлдошев 70 дан ортиқ илмий ва ўкув-услубий ишлар муаллифи.

У 1999 йил 30 июнда «Транспорт воситаларидан ҳосил бўлган тебранишларнинг грунтда тарқалиши ва вибрациядан ҳимоя қилиш системалари» мавзусида докторлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди, 2000 йилда унга профессор илмий унвони берилди.

Унинг раҳбарлигига 3 та номзодлик ва 1 та докторлик диссертацияси ҳимоя қилиш учун маҳсус кенгашга топширилган.

Ш. С. Йўлдошев 1999 йилдан материаллар қаршилиги ва қурилиш механикаси кафедраси мудири лавозимида ишлаб келмоқда.

НАБИЖОН ГУЛОМОВИЧ БОЙБОБОЕВ



Набижон Гуломович Бойбобоев 1957 йил 1 январда Намангандаги вилояти Поп туманининг Уйғур қишлоғида туғилган.

1974 йилда тумандаги 4-ўрта мактабни олтин медаль билан тамомлаб, Тошкент политехника институти меҳаника факультетининг қишлоқ хўжалиги машинасозлиги мутахассислиги бўйича ўқишига кирди ва 1979 йилда тамомлади.

Меҳнат фаолиятини шу йили ЎзФА Механика ва иншиоатлар зилзилабардошлилиги илмий-тадқиқот институтининг машина ва механизмлар назарияси лабораториясида илмий-ходим сифатида бошлади.

1982—1985 йилларда Москвада Бутунrossия қишлоқ хўжалик машинасозлиги илмий-тадқиқот институти аспирантурасида таҳсил олиб, 1985 йил «Картошка териш машиналарининг сараловчи ишчи қисмларини такомиллаштириш» мавзусида номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди.

1985—1988 йилларда Тошкент темир йўллар инженерлари институтидаги доцент бўлиб ишлади.

1988 йилдан Тошкент политехника институтининг Наманган филиалига (ҳозирги НамМПИ) ишга келди. Аввал машина механизмлари назарияси кафедрасида доцент, сўнгра сиртқи бўлим декан мувонини, декани, катта илмий ходим ва агромуҳандислик кафедраси мудири бўлиб ишлади.

1994 йилда Москвада «Тупроқ намлиги етарли бўлмаган шароитларда картошка етиштиришнинг самарали технологияси ва уни амалга ошириш учун техника яратиш муаммолари» мавзусида докторлик диссертациясини ёқлади.

Н. Ф. Бойбобоев илмий-педагогик фаолияти давомида кўплаб илмий мақолалар, ихтиrolар, 2 та монография, 20 дан зиёд ўқув-услубий қўлланмалар яратди. Нуфузли илмий конференцияларда маъruzалар қилди.

Олим 2000 йилдан бошлаб Тўракўрғон қишлоқ хўжалик касб-хунар коллежига раҳбарлик қилмоқда. Шунингдек, у институтдаги илмий-педагогик жараёнда ҳам фаол иштирок этмоқда.

Самарали меҳнатлари учун унга 2003 йилда «Касб-хунар таълими аълочиси» унвони берилди.

ОЛИМЖОН КАРИМОВ



Олимжон Иминжон ўғли Каримов 1925 йил 6 июнда Наманган шаҳрида ўқимишли уста-меъмор оиласида таваллуд топган. Оталари Иминжон, амакилари Мадраҳим ва Убайдуллолар турли касб-хунар эгалари бўлиш билан бирга рус, немис, араб, турк, форс, француз тилларини билганлар. Шу боис Намангандаги тилмочлик билан ҳам шугулланганлар. Оналари Ҳамроҳон ая ўқимишли, шеърият ихлосманди, илғор фикрли аёллардан эди.

О. Каримов 1943 йилда Наманган шаҳридаги 3-ўрта мактабни имтиёзли аттестат билан тамомлаган. 1944 йилда Тошкентдаги Ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш муҳандислари институтига ўқишга имтиҳонсиз қабул қилинди. 1949 йилда инсти-

тутни аъло баҳоларга тамомлаб, қишлоқ хўжалиги муҳандис-механиги мутахассислигини эгаллади.

О. Каримов 1953 йилда Москвада номзодлик диссертациясини, 1967 йилда Тбилисида докторлик диссертациясини ёқлаган. 1970 йилда унга профессор илмий унвони берилган.

Иш фаолияти давомида О. Каримов кўплаб давлат ва хўжалик идораларида турли лавозимларда ишлади. Жумладан, 1953—1958 йилларда САИМЭда муҳандис, бош муҳандис, директор мувонини, 1958—1963 йилларда Фанлар академияси Механика институти директори мувонини бўлиб ишлаган.

1963 йилдан 1981 йилгача Тошкент политехника институтида, Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш инженерлари институтида кафедра мудири ва пахтачилик бўйича давлат маҳсус конструкторлик бюросида бўлим мудири бўлган.

1981—1984 йилларда Тошкент политехника институтининг Наманган филиали (ҳозирги НамМПИ)да директор бўлиб ишлаган.

1985 йилдан 1990 йилгача Тошкентда «Архитекнаучмаш» ширкатини бошқарди.

О. Каримов айни чоғда кексалик гаштини сурмоқда.

ФАХРИДДИН ЖЎРАЕВИЧ МАТКАРИМОВ



1965 йил 3 июнда Наманган вилояти Косонсой тумани Кўқимбой қишлоғида ишчи оиласида туғилди.

1982 йилда Косонсой туманидағи 31-ўрта мактабни олтин медаль билан тамомлаб, шу йили Тошкент политехника институтининг Наманган филиалига (ҳозирги НамМПИ) ўқишга кирган ва 1989 йилда «Гидроиншоотлар» мутахассислигини имтиёзли диплом билан тамомлаган.

1983—1985 йилларда ҳарбий хизматда бўлган.

1989 йилнинг август ойидан бошлаб ўзи ўқиган институтининг материаллар қаршилиги ва қурилиш механикаси кафедрасида ассистент лавозимида иш бошлаган.

1990 йилда ЎзФА Механика ва иншоотлар сейсмик

мустаҳкамлиги институти аспирантурасининг кундузги бўлимига ўқишга кирди ва 1993 йилда диссертация ёқлаб, техника фанлари номзоди илмий даражасини олишга эришди.

1993 йилдан бошлаб Наманган саноат-технология институтида (ҳозирги НамМПИ) катта ўқитувчи, ички назорат бўлимида гурӯҳ бошлиғи, ўкув бўлимининг амалиёт бошлиғи, ички назорат инспекцияси 1-тоифали инспектор-методисти, ўкув бўлими бошлиғи вазифаларида ишлади.

1999—2002 йилларда Тошкент архитектура-курилиш институти докторантурасида таҳсил олди.

2003 йилдан институтганинг материаллар қаршилиги ва қурилиш механикаси кафедрасида доцент лавозимида ишлади.

2004 йилнинг 16 июнида «Деформацияланувчи қаттиқ жисм механикаси» ихтисослиги бўйича «Грунтли тўғонларнинг статик ва динамик ҳолатини, уларнинг конструктив ҳусусиятлари ва ишлаш шароитларини ҳисобга олган ҳолда баҳолаш» мавзусидаги докторлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди.

2004—2005 ўкув йилидан бошлаб қурилиш факультети декани лавозимига тайинланди.

У илмий-педагогик фаолияти мобайнида 50 дан зиёд илмий мақола ва услубий кўрсатмалар ёзган, жумладан 8 та ихтиро учун Ўзбекистон Республикаси патенти муаллифидир.

ТУРСУНБОЙ МАЪМУРОВ

Турсунбой Маъмурев 1932 йил 2 апрелда Наманган вилояти Янгиқўрғон (ҳозирги Чорток) тумани Короскон қишлоғида дехқон оиласида таваллуд топган.

1950 йили Чорток туманидаги 8-урта мактабни битиргач, Самарқанд давлат университетига ўқишга кириб, 1955 йилда тамомлади ва тарихчи мутахассислигини эгаллади. 1955 йилда Фарғона давлат университетига ишга келиб, у ерда ўқитув-



чи, кафедра мудири, факультет декани, институт ка-
саба уюшмаси қўмитаси раиси ва бошқа вазифаларда
самарали фаолият кўрсатди.

Т. Маъмуроров 1961—1963 йилларда Тошкент халқ
хўжалиги институти қошидаги аспирантурада ўқиб,
номзодлик диссертациясини ёқлади ва 1964 йили та-
рих фанлари номзоди илмий даражасини олди. 1980—
1982 йиллари катта илмий ҳодим вазифасини бажа-
риб, «Ўзбекистонда қишлоқ хўжалиги кадрларини тай-
ёрлаш, тарбиялаш ва жой-жойига қўйиш» мавзусидаги
докторлик диссертацияси устида ишлади ва 1983 йили
тарих фанлари доктори илмий даражасига эришди, 1984
йилда эса профессор унвонига сазовор бўлди.

Т. Маъмуроров 1994 йилдан бошлаб Наманган муҳан-
дислик-педагогика институтида ишлаб келмоқда. Бир
неча йил Узбекистон тарихи кафедрасини бошқарди.
Эндиликда Ўзбекистонда демократик жамият қуриш
назарияси ва амалиёти кафедрасининг профессори ла-
возимида ишлаб келмоқда.

Профессор Т. Маъмуроров 130 га яқин илмий, ўкув-
услубий қўлланмалар ва 7 та йирик монография муал-
лифиидир.

Ўкув-услубий қўлланмалар орасида Президентимиз
И. А. Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида:
хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тарақ-
қиёт кафолотлари» асарини ўрганиш бўйича услубий
қўлланма, «Ўзбекистон тарихи фанидан муаммоли маъ-
рузалар курси», «Ўзбекистон тарихи фанидан семинар
ўтиш методикаси», «Семинар ўтиш жараёнида талаба-
ларни фаоллаштириш масалалари» кабилар алоҳида аж-
ралиб туради.

Кейинги йилларда Т. Маъмуроров турли илмий-ама-
лий анжуманларда «Темур ва темурийлар даврида та-
рих фани равнақи», «Мустақиллик ва мафкуравий му-
аммолар: ғоявий бўшлиқ ва зарарли ғояларнинг маъ-
навиятимизга таъсири», И. А. Каримовнинг «Тарихий
хотирасиз келажак йўқ» асарида олға сурилган тари-
хий-илмий муаммолар» каби мавзулардаги рисолалари
кўп нусхада чоп этилган.

Олимнинг серқирра илмий ва педагогик фаолияти
хўкуматимиз томонидан муносиб тақдирланган. У «Ўзбе-

кистонда хизмат кўрсатган ҳалқ таълими ходими», Ўзбекистон Республикаси ҳалқ таълими аълочиси» унвонларига сазовор бўлган.

ВАЛИЖОН РАҲИМЖОНОВИЧ ҲОЖИБОЕВ



Валижон Раҳимжонович Ҳожибоев 1956 йил Наманган шаҳрида туғилган. 1970 йили Наманган шаҳридаги 15-ўрта мактабнинг 7-синфини битириб, 1970—1973 йилларда Тошкент шаҳридаги республика ёш физик-математиклар мактаб-интернатида (ҳозирги С.Х.Сирохиддинов номидаги академик лицей), 1973—1976 йилларда ТошДУ математика факультетида (I-III курслар), 1976—1978 йилларда Новосибирск давлат университети механика-математика факультетида (IV-V курслар) ўқиган.

Илмий фаолиятини 1978 йил ЎзФА В.И.Романовский номидаги математика илмий-текшириш институтининг стажёр-тадқиқотчиси сифатида бошлаган. 1980—1983 йилларда Новосибирск давлат университети аспирантурасида таҳсил олган. Илмий изланишларини математиканинг эҳтимоллар назарияси ва математик статистика соҳаси бўйича академик А.А.Боровков ва профессор В.И.Лотов раҳбарлигига олиб борган.

Фан номзодлиги диссертациясини 1983 йил собиқ Иттифоқ ФА Сибирь бўлими Математика институтида «Бир жинсли боғлиқсиз орттирмали тасодифий жараёнлар учун икки чегарали масалаларда функционаллар тақсимотининг асимптотик таҳлили» мавзусида ҳимоя қўлган. 1987 йили олий математика кафедраси доценти илмий унвонини олган. 1996—1998 йилларда илмий изланишларини Новосибирск давлат университетида давом эттирган.

Докторлик диссертациясини 1999 йил ЎзФА Математика институтининг Ихтисослаштирилган илмий кенгашида «Боғлиқсиз орттирмали тасодифий жараёнлар учун чегаравий масалаларда лимит теоремалар» мавзу-

сида ҳимоя қилган ва физика-математика фанлари доктори илмий даражасини олган.

Педагогик фаолиятини 1983 йил Тошкент политехника институти Наманган филиалида (ҳозирги Нам-МПИ) бошлаб, олий математика кафедраси асистенти, доценти, декан мувонини, кафедра мудири, факультет декани, илмий ишлар бўйича проректор лавозимларида ишлаган. Ҳозирги пайтда институт қошидаги «Дўстлик» академик лицейи директоридир.

В. Ҳожибоев 1997—2000 йилларда эҳтимоллар назариясининг чегаравий масалалари бўйича халқаро илмий изланишларда («Intas» 1625-сонли грант) иштирок этган.

Олим 25 та илмий мақола, 1 та монография ва 10 дан ортиқ услубий ишлар муаллифидир.

ШЕРМИРЗА ДОДҲОҲМИРЗАЕВИЧ САИДБОЕВ



Шермирза Додҳоҳмирзаевич Сайдбоев 1956 йил 19 декабря Тўракўргон туманидаги Сайрам қишлоғида таваллуд топган. 1964 йили шу тумандаги 3-ўрта мактабга ўқишга кириб, уни 1974 йилда аъло баҳоларга тамомлаган.

1974 йилдан Ибрат номли жамоа хўжалигининг оддий аъзоси сифатида меҳнат фаолиятини бошлаган.

1975—1977 йилларда ҳарбий хизматда бўлган.

1978—1982 йилларда Тошкент халқ хўжалиги институтида «Банк бухгалтерияси» мутахассислиги бўйича ўқиб, олий маълумот олган. 1982 йилдан мазкур институтнинг пул муомаласи ва кредит кафедрасида асистент лавозимида ишлаган.

1985—1987 йилларда Ленинград (ҳозирги Санкт-Петербург) молия-иқтисод институтининг пул муомаласи ва кредит кафедраси аспирантурасида илмий изланишлар олиб борди. 1988 йилда «Пахтачилик ва узумчиликка ихтисослашган совхоз-заводларнинг оборот воситалари манбаларини шакллантиришда агросаноат-

банк билан муносабатини такомиллаштириш» мавзусида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган.

1988—1992 йилларда Наманган саноат-технология институтида (ҳозирги НамМПИ) доцент лавозимида ишлаган.

1992—1994 йилларда Санкт-Петербург молия-иқтисод университети докторантурасида таҳсил олиб, «Тадбиркорлар капиталларининг манбасини шакллантириш» мавзусида докторлик диссертациясини муваффақиятли ёқлаган.

Олим З та монография ва 150 га яқин илмий мақалалар муаллифидир. У «Банк менежменти», «Иқтисодиёт назарияси» ва «Банк хабарлари» номли ўкув қўлланмаларини чоп эттирган.

Ш.Д.Сайдбоев 2000 йилдан ҳозиргача Наманган мұхандислик-иқтисодиёт институтида ўкув ишлари бўйича проректор лавозимида ишлаб келмоқда.

МУҲАММАДЖОН ЖАКБАРОВ

Муҳаммаджон Жакбаров 1953 йил 15 майда Наманган вилояти Уйчи тумани Уйчи қишлоғида хизматчи оиласида туғилган.

1960 йили тумандаги I-ўрта мактабга ўқишга кириб, 1970 йили аъло баҳоларга тамомлади. Шу йили Тошкент давлат университети тарих факультетига ўқишта кириб, 1975 йилда уни имтиёзли тамомлади ва тарихчи-жамиятшунос мутахассислигини эгаллади.

1975—1979 йилларда Наманган давлат педагогика институтининг (ҳозирги НамДУ) фалсафа кафедрасида ассистент лавозимида ишлади. 1979—1982 йилларда ТошДУнинг мақсадли аспирантурасида таҳсил олди ва 1983 йилда «Ўзбекистон қишлоқ ёшларини ватанпарварлик ва байнамилаллик руҳида тарбиялашда маданий-маърифий муассасаларнинг роли» мавзусидаги номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди ҳамда фалсафа фанлари номзоди илмий даражасига эришиди.

1982—1985 йилларда Тошкент ҳалқ ҳўжалиги институтининг фалсафа кафедрасида катта ўқитувчи бўлиб ишлади.

1985 йилдан Тошкент политехника институтининг

Наманган филиалига (ҳозирги НамМПИ) ишга келди. Бу ерда у катта ўқитувчи, доцент, механика факультети деканининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари, Ўзбекистон тарихи кафедраси мудири лавозимларида ишлади.

1996 йилдан катта илмий ходимликка ўтказилди. У «IX-XII аср Мовароуннаҳр фалсафий фикрида ижтиёмий идеал ва комил инсон муаммоси» мавзусидаги докторлик диссертацияси устида илмий изланишлар олиб борди ва 2001 йил ЎзФА Фалсафа ва ҳукуқ институтининг Ихтисослашган кенгашида уни муваффақиятли ҳимоя қилди ҳамда фалсафа фанлари доктори илмий даражасига эга бўлди.

М.Жакбаровнинг «Ўзбекистоннинг миллий истиқлол мағкураси», «Ватан маданияти тарихи», «Комил инсон ғояси», «Жамиятни эркинлаштириш ва маънавият» каби 60 дан ортиқ илмий ишлари чоп этилган.

М.Жакбаров айни чоғда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясининг илмий грантлар бўлимида бош мутахассис лавозимида фаолият олиб боряпти.

**ФАН
НОМЗОДЛАРИ,
ДОЦЕНТЛАР**

ЗОҲИДЖОН АБДУҚАҲХОРОВ



Зоҳиджон Абдуқаҳхоров 1955 йил 11 октябрда Наманган вилояти Ўичи тумани Қизил равот қишлоғида зиёли оиласида туғилган.

1972 йил Ўичи туманидаги 8-ўрта мактабни тутатган. 1983 йили Тошкент политехника институтини тамомлаган. Меҳнат фаолиятини 1983 йилда Тошкент политехника институтининг Наманган филиалида (ҳозирги НамМПИ) металлар технологияси кафедраси асистенти сифатида бошлаган.

1988—1991 йилларда Тошкент давлат техника университети аспиранти, 1991—1993 йиллари шу университетнинг материалшунослик кафедрасида катта ўқитувчи лавозимида ишлаган.

1993—1995 йиллари Намангандаги «Электротерм» ишлаб чиқариш бирлашмаси конструкторлик бюросида конструктор бўлиб ишлаган.

1995 йил Тошкент давлат техника университети қошидаги Ихтисослашган илмий кенгашда «Термик ишлов бериш тарихининг иссиқ ҳолда деформацияловчи асбобсозлик пўлатларининг хоссаларига таъсiri» мавзусидаги номзодлик диссертациясини ёқлаган ва техника фанлари номзоди илмий даражасини олган.

2001 йил январь ойидан бошлаб Наманган муҳандислик-педагогика институти умумтехника фанлари кафедрасида катта ўқитувчи, 2003 йилдан доцент вазифасини бажарувчи лавозимида ишлаб келмоқда.

2003 йилда касб-хунар коллежи ўқувчилари учун металлар технологияси фанидан ўкув қўлланмасини чоп этишга топширган. 2001—2004 ўкув йилларида «Машина қисмлари» фанидан амалий ва тажриба ишлари учун 10 дан ортиқ услубий кўрсатмалар чоп этирирган. Унинг ҳозиргача 35 та илмий-услубий мақолалари республика илмий нашрларида чоп этилган. Ҳозирда «Ғўза қатор оралиғига буғдой экиш технологияси ва аппаратини яратиш» мавзусида зироат муҳандислиги кафедраси билан ҳамкорликда умумтехника фанлари кафедраси муз-

дири доцент Ж. Мұхамедов раҳбарлигига олиб борила-
ёттан илмий-тадқиқот ишларида фаол иштирок этмоқ-
да.

МУРОДЖОН ТУРСУНОВИЧ АБДУЛЛАЕВ



Муроджон Турсунович Абдуллаев 1960 йил 3 сентябрда Наманган вилояти Тўракўрғон тумани Катта Кўргонча қишлоғида хизматчи оиласида туғилган.

1977 йилда шу қишлоқдаги 14-ўрта мактабни тамомлаган. Кимё фанига бўлган қизиқиши туфайли у Тошкент давлат университетининг (ҳозирги ЎзМУ) кимё факультетига ўқишига кириб, 1986 йилда мазкур университетнинг кимёгар-ўқитувчи мутахассислигини тутатган.

1981—1983 йилларда Самарқанд шаҳрида ҳарбий хизматни ўтаган.

М. Т. Абдуллаев меҳнат фаолиятини 1986 йил Наманган вилояти Тўракўрғон тумани агросаноат бирлашмасига қарашли агрокимё лабораториясида агрокимёгар-муҳандис сифатида бошлаган.

1987—1992 йилларда Тўракўрғон туманлараро қишлоқ хўжалигини кимёлаштириш бирлашмасида аэродром бошлиғи ва ўсимликларни ҳимоя қилиш станциясида кузатув пункти мудири лавозимларида ишлаган.

1992 йилдан ҳозирга қадар Наманган муҳандислик педагогика институтининг умумий кимё (ҳозирда кимёвий технология) кафедрасида илмий ходим, асистент, катта ўқитувчи ва доцент лавозимларида илмий-педагогик фаолият кўрсатиб келмоқда. У иш фаолияти давомида ҳам, аспирант сифатида ҳам янги мураккаб фосфорли ўғитларнинг агрокимёвий хусусиятларини ўрганиш бўйича илмий-тадқиқот ишларини олиб борди.

2003 йилда илмий изланишларини муваффақиятли якунлаб, Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари давлат қўмитаси ҳузуридаги Тупроқшунослик ва агрокимё илмий тадқиқот институти Ихтисослашган кенгашида

«Янги мураккаб ўғитлар, уларнинг микроэлементли композицияларининг тупроқ унумдорлиги ва ғўза ҳосилдорлигига тасъири» мавзусида номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилиб, қишлоқ хўжалик фанлари номзоди илмий даражасини олган.

М. Т. Абдуллаев ҳозирги кунда ЎзФАНИНГ Қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва электрлаштириш илмий-тадқиқот институти олимлари билан ҳамкорликда уруғлик чигитни қобиқлаш технологиясини такомиллаштириш ва амалиётга жорий этиш бўйича ишлар олиб бормоқда.

Олим 25 та илмий ва ўқув-услубий ишлар ва 1 та ихтиро учун патент муаллифидир.

СУЛТОНБОЙ ЭРГАШЕВИЧ АБДУРАҲМОНОВ



Султонбой Абдураҳмонов 1959 йил 19 октябрда Наманган вилояти Тўракўргон тумани Калвак қишлоғида таваллуд топган.

1966—1976 йилларда Тўракўргон туманидаги Й. Охунбобоев номли 26-ўрта мактабни туттаган.

1977—1982 йилларда Самарқанд давлат архитектура-курилиш институтининг қурилиш факультетини «Саноат ва фуқаро қурилиши» мутахассислиги бўйича имтиёзли таомлаб, институтнинг металл, ёғоч ва пластмасса конструкциялари кафедрасида мұҳандис, ассистент лавозимларида ишлаган.

1982—1984 йилларда ҳарбий хизматни ўтаган.

1984 йилдан бошлаб Тошкент политехника институти Наманган филиалининг (ҳозирги НамМПИ) бино ва саноат иншоатлари қурилиши кафедрасида ассистент, 1990 йилдан эса доцент лавозимида ишлаб келмоқда.

1986—1989 йилларда Тошкент архитектура ва қурилиш институти ҳамда Москвадаги Бетон ва темир-бетон илмий-тадқиқот институтининг аспирантурасида таҳсил олиш билан бирга «Темир-бетон конструкцияларга температура, совуқ ва иссиқ сувнинг номарка-

зий чўзувчи куч билан биргаликдаги таъсири» мавзусида номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди. Педагогик фаолияти даврида С. Абдураҳмонов 40 дан ортиқ мақола, 20 дан ортиқ услубий қўлланмалар ҳамда 2004 йилда касб-хунар коллежлари учун «Металларни пайвандлаш» номли дарслик чоп эттирган.

1998 йилдан институтнинг ички назорат бўлими, 2001 йилдан ўқув бўлими бошлиғи лавозимларида ишлаб келмоқда. Шу билан бирга «Темир-бетон конструкцияларнинг ностационар шароитлардаги иши» мавзусида илмий-тадқиқот ишларини олиб бормоқда. Бу изланишлар натижасида маҳаллий саноат чиқиндилиридан тайёрланган 1200°C ҳароратга чидамли темирбетон конструкциялари 1991 йилдан буён Ўзбекистон ва Қирғизистон республикаларининг ғишт ишлаб чиқариш корхоналарида муваффақиятли ишлатилмоқда.

ШЕРЗОД АБДУРАҲМОНОВ



Шерзод Абдураҳмонов 1947 йил 13 апрелда Наманган вилояти Поптумани Чодак қишлоғида туғилган. Ўн бир йиллик ўрта умумий таълим таҳсилини у 1963—1964 йилларда Поптуманинг Чоркесар қишлоғидаги 3-, Чодак қишлоғидаги 20-, Поп шаҳридаги 23- ва 1-мактабларда олган. 1964—1968 йилларда Низомий номли Тошкент давлат педагогика институтининг бадиий графика факультетида таҳсил олиб, уни имтиёзли диплом билан тугатган.

Илмий-педагогик фаолиятини 1968 йилда Низомий номли педагогика институтида чизма геометрия ва чизмачилик кафедраси ўқитувчиси лавозимидан бошлаган.

1968—1969 йилларда ҳарбий хизматни ўтаб қайтгач, 1974 йилга қадар олдинги иш жойида фаолиятини давом эттирган.

1974—1979 йилларда Наманган педагогика институтида (ҳозирг НамДУ) чизма геометрия ва чизмачилик фанлари ўқитувчиси бўлиб ишлаган. Наманган муҳан-

дислик-педагогика институтида 1979 йилдан буён фаолият юргизиб келмоқда.

1980—1995 йилларда шу институтнинг чизма геометрия ва муҳандислик графикаси кафедрасида мудирик қилган.

1988 йилда «Кўринишларини тарихий материаллар воситасида амалга оширишнинг дидактик асослари» мавзусида педагогика фанлари номзоди илмий даражаси учун диссертация ёқлаган.

1979 йилда доцентлик илмий унвонини олган. Педагогика фанлари доктори илмий даражаси учун тайёрланаётган «Чизма геометрия фанининг талабалар томонидан ижодий даражада ўзлаштирилишининг маҳсулдор технологияси» мавзусидаги диссертацион ишини якунига етказган.

70 дан зиёд номдаги илмий ва услубий ишлари нашр этилган. Уларнинг асосий қисми чизма геометрия ва муҳандислик графикаси фанларини ўқитишининг долзарб масалаларига бағишлиланган. Нашр этилган ишлар мазмунини «Чизма геометрия» дарслиги (2004), «Урта Осиёда чизма тарихи» ўқув диафильми (1982), «Кўп ўлчовли фазо симплексининг оғирлик марказини топиб берувчи асбоб» ихтироси учун гувоҳномаси (1981), фан бўйича маъruzалар матнлари, масалалар тўпламлари, илмий мақолалар ва методик кўрсатмалар ташкил этади.

ХОРИСБОЙ ЛАТИФОВИЧ АЛИМОВ



Хорисбой Латифович Алимов 1958 йил 17 сентябрда Намангандеги Чортотоқ шаҳрида туғилган.

1975 йили 60-ўрта мактабни битирган.

Х. Л. Алимов 1984 йили Абу Райхон Беруний номидаги Тошкент политехника институти Намангандеги филиалининг (ҳозирги НамМПИ) қурилиш факультетини битириб, филиалнинг материаллар қаршилиги кафедрасида ўз фаолиятини ўқитувчи сифатида бошлади. 1987 йилгача асистент

лавозимида ишлади. 1987—1990 йилларда ТошПИ аспирантурасининг кундузги бўлимида илмий-тадқиқот ишлари билан шуғулланиб, 1992 йилда «Қозиқ пойдеворли иншоотларни динамик характеристикаларини аниқлаш» мавзусида номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди. 1990 йилдан бошлаб материаллар қаршилиги ва қурилиш механикаси кафедрасида катта ўқитувчи ва доцент, 1993—1998 йиллар мобайнида илмий тадқиқотлар бўлими бошлиғи, илмий ишлар бўйича проректор мувонини, 1998—2000 йилларда эса илмий ишлар бўйича проректор вазифасини бажарувчи лавозимларида ишлади.

Х.Л.Алимов институтда корхона ва ташкилотлар билан хўжалик шартномалари асосида ҳамда давлат гранти бўйича илмий-тадқиқот ишларини ташкил этишда салмоқли ҳисса қўшиб келмоқда.

2000 йилдан бошлаб 2004 йил 1 июлга қадар қурилиш факультети декани лавозимида факультетдаги илмий, маънавий-маърифий ва оммавий-ташкилий ишларга раҳбарлик қилди.

Олим илмий-педагогик фаолияти давомида битта монография ёзган ва касб-хунар коллежлари учун битта дарсликнинг ҳаммуалифидир. Шунингдек, илмий-тадқиқот ишлари натижалари бўйича 30 дан ортиқ илмий ва ўкув-услубий ишлари республика ва МДҲ мамлакатларининг илмий журналларида чоп этилган.

Кўп йиллик самарали илмий-педагогик фаолияти ва ўз вазифасига садоқати учун 1998 йилда Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг «Фахрий ёрлиги» билан мукофотланган.

АБДУЛХАЙ АКБАРОВИЧ АКБАРОВ



Абдулхай Акбаровиҷ Акбаров 1938 йилнинг 3 январида Наманган вилояти Косонсой тумани Кўқимбой қишлоғида колхозчи оиласида туғилган. Шу қишлоқдаги Маяковский номли 22-ўрта мактабда ўқиган.

1957 йили Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институти қишлоқ хўжалигини механизациялаш

факультетига ўқишига кириб, 1962 йили «муҳандис-механик» мутахассислиги бўйича муваффақиятли тамомлаган.

Меҳнат фаолиятини 1962—1966 йилларда «Қўқимбой» давлат хўжалигига техника ҳисобчиси, техник нормаловчи, муҳандис-назоратчи, кейинчалик қишлоқ хўжалиги машиналари бўйича муҳандис лавозимларида ишлаган.

1966—1969 йиллар давомида Ўрта Осиё қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва электрлаштириш илмий-тадқиқот институтида аспирант, 1969—1973 йилларда мазкур институтда илмий тадқиқотчи бўлиб ишлаган.

1973 йили «Ўрта Осиё чўл шароити учун трактор турини асослаш» мавзусида номзодлик диссертацияси ни ёқулав, техника фанлари номзоди илмий даражасига эришган. 1973—1974 йиллар давомида яна «Қўқимбой» давлат хўжалигига бош муҳандис лавозимида ишлаган.

А. Акбаров 1974—1977 йиллар давомида Наманган вилоят қўмитаси қишлоқ хўжалик бўлими мудири ўринбосари лавозимида фаолият кўрсатди ва вилоят қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга ўзининг муносаб ҳиссасини қўшди. 1977 йилдан бошлаб Наманган давлат педагогика институти (ҳозирги НамДУ) умумтехника фанлари кафедраси мудирлиги лавозимида танлов асосида ўтган.

1979 йил Тошкент политехника институтининг Наманган филиалини ташкил этиш ҳақида қарор қабул қилиниб, у мазкур филиалнинг шаклланишида фаол иштирок этган. Шу йилдан бошлаб А. А. Акбаров умумтехника фанлари, курилиш машиналари, двигателлар, зироат муҳандислиги каби кафедраларга мудир, муҳандислик-педагогика факультетига декан лавозимларида ишлаган ва агромуҳандислик ҳамда транспорт факультетлари мутахассисларига асос солган. Ҳозирги кунда зироат муҳандислиги кафедрасида доцент лавозимида ишлаб келмоқда.

А. А. Акбаров илмий педагогик фаолияти давомида 150 дан ортиқ мақола ва илмий-услубий рисолалар ҳамда 2 та ўқув қўлланмаси ва «Курилиш учун янги техника» номли монография яратган. Унинг маслаҳати ва раҳбарлигига 5 та номзодлик ва 2 та докторлик диссертациялари ёқланган. Самарали меҳнатлари учун

унга 1998 йили институт илмий кенгаши томонидан «Хизмат кўрсатган доцент» унвони берилган.

АЛИШЕР ҲАЙДАРАЛИЕВИЧ АЛИНАЗАРОВ



Алишер Ҳайдаралиевич Алиназаров 1958 йил 14 апрелда Андижон вилояти Асака шаҳрида туғилган.

1965—1975 йилларда Чуст шаҳридаги 1-ўрта мактабда таҳсил олган.

1975—1980 йилларда Беруний номли Тошкент политехника институтида ўқиган.

1980—1992 йилларда Фарғона политехника институтида асистент, катта ўқитувчи, бўлиб ишлаган.

1985—1988 йилларда Новосибирск мұҳандислик-курилиш институти аспирантурасида таҳсил олиб, «Юқори даражада тўлдирилган кулцементли композицияларнинг тадқиқи» мавзусида номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилиб, техника фанлари номзоди илмий даражасига эга бўлди.

1992—95 йилларда Наманган саноат-технология институтида (ҳозирги НамМПИ) мұҳандислик коммуникациялари кафедраси доценти, сўнгра мудири лавозимларида ишлаган.

1996—1999 йилларда Тошкент давлат техника университети докторантурасида ўқиди.

1999 йилдан ҳозирга қадар Наманган мұҳандислик педагогика институти мұҳандислик коммуникациялари курилиши кафедраси мудири лавозимида ишлаб келмоқда.

А. Алиназаров 120 та илмий-услубий ишлар, шу жумладан, 2 та монография, 2 та рисола, 10 та ихтиро учун патент, 50 дан ортиқ хорижда (АҚШ, Россия) чоп этилган илмий мақолалар музалифидир. А. Алиназаров касб таълими «Мұҳандислик коммуникациялари курилиши» йўналиши бўйича Республика таҳририй кенгаши раиси сифатида ҳам самарали фаолият кўрсатмоқда.

Олим айни кунларда «Кулцементли композицияларга қўёш иссиқлик кимёвий ишлов бериш» мавзуси-

даги давлат гранти ишлари бўйича раҳбар, шунингдек, «Куёш энергиясидан фойдаланишнинг экологик мақбул технологиялари» йўналишида илмий изланишлар олиб бормоқда.

БУРҲОНИДДИН ПАСИҲИДДИНОВИЧ АҲМАДОВ



Бурҳониддин Пасиҳиддиновиҷ Аҳмадов 1954 йил 15 июнда Наманган вилояти Янгиқўрғон туманидаги Калишоҳ қишлоғида туғилган.

1961—1971 йилларда шу қишлоқдаги 21-ўрта мактабда ўқиб, аъло баҳоларга тамомлаган.

1972—1977 йилларда Тошкент давлат университетида (ҳозирги ЎзМУ) тупроқшунос-агрокимёгар мутахассислиги бўйича олий таълим олиб, уни имтиёзли диплом билан тамомлаган.

1977—1987 йилларда Ўзбекистон Фанлар академиясининг Тупроқшунослик ва агрокимё илмий-тадқиқот институтида илмий ходим сифатида фаолият кўрсатган. Шу йилларда у Ўзбекистон тупроқларининг эрозияланнишини ўрганиш бўйича илмий тадқиқотларда фаол иштирок этган. Жумладан, эрозияланган тупроқларни аэрокосмик маълумотлардан фойдаланиб хариталаштириш борасида катта муваффақиятларга эришган.

1986 йили собиқ Бутуниттифоқ пахтачилик илмий-тадқиқот институтида «Эрозияга учраган суформа бўз тупроқларнинг унумдорлигини ошириш йўллари» мавзусида номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилиб, қишлоқ ҳўжалиги фанлари номзоди илмий даражасига сазовор бўлган.

1987—1988 йилларда Бутуниттифоқ илмий-тадқиқот маркази «АИУС-Агроресурс»нинг Тошкент филиалида агроресурсларни аэродиагностикалаш бўйича иш олиб борган.

1988—1993 йилларда Наманган вилоят агрокимё станциясида бўлим бошлиғи сифатида суформа ерлар токсикологияси ва радиологиясига доир агроэкологик ишларни бошқарган.

1993 йилдан шу кунгача Наманган мұхандислик-педагогика институтыда экология бүйіча ёшларға би-лим бериш билан бирға уларда экологик маданиятни шакллантиришга муносиб ҳисса құшиб келмокта.

Б. Ахмадов «Экология ва атроф-мухит муҳофазаси асослари» номли дарслик ҳаммуаллифи ва тупроқшу-нослик, агрокимё, картография ва экология соҳалари-га оид 35 дан зиёд илмий-оммабоп, ўкув-услубий ма-қолалар муддифидир.

РАҲМОНЖОН МАМАЖОНОВИЧ АҲМЕДОВ



Раҳмонжон Мамажонович Аҳме-
дов 1957 йил 4 мартда Наманган
вилояти Чуст шаҳрида туғилган.

1964—1974 йилларда Чуст шаҳ-
ридаги Нодирағим номли 2-ўрта
мактабда ўқиган.

1975—1980 йилларда Тоҷикистон
политехника институтыда ўқиб, ав-
томобиль транспорти ва йўллари фа-
культетини имтиёзли диплом билан
тамомлаган.

Меҳнат фаолиятини 1980 йил
сентябрь ойидан шу институтнинг
ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқариш кафед-
раси асистенти лавозимидан бошлаб, 1988 йилда кат-
та ўқитувчи, 1991 йилдан 1992 йил декабрь ойигача
автомобиль транспорти иқтисодиёти кафедрасида до-
цент вазифасида ишлаган.

Р. М. Аҳмедов 1984—1987 йилларда Москва автомо-
биль транспорти ва йўллари институтининг автомо-
биль транспорти иқтисодиёти ва уни бошқариш ка-
федраси қошидаги аспирантурада ўқиди ва 1987 йилда
«Автотранспорт мажмую сунъий иншоатларини таъмир-
лашни режалаштиришнинг меъёрий базасини тузиш
усуллари» мавзусида номзодлик диссертациясини мұ-
ваффақиятлы ҳимоя қилди.

1992 йил декабрь ойидан 1999 йил сентябрь ойи-
гача Наманган йўлчилар малакасини ошириш ўкув
маркази директорининг ўкув ишлари бүйіча ўринбо-
сари вазифасида ишлаган. 1999 йил сентябрь ойидан
2004 йил 1 марта Наманган мұхандислик-педаго-

тика институти микроиқтисодиёт ва менежмент кафедралари мудири ловозимларида фаолият кўрсатди. Ҳозирги кунда иқтисодиёт кафедраси мудири вазифасида ишламоқда.

Олим 40 дан ортиқ илмий мақолалар, ўқув-услубий қўлланмалар, шу жумладан, «Микроиқтисодиёт» (Наманган-2002), «Микроиқтисодиёт» (Наманган-2003) ва «Автотранспортда менежмент» (Наманган-2001) ўқув қўлланмалари муаллифидир.

Р. М. Аҳмедов айни кунларда «Минтақа автотранспорт инфратузилмасини самарали ривожлантириш истиқболларини белгилаш усувлари» мавзусидаги докторлик диссертацияси устида илмий изланишлар олиб бормоқда.

НУРИДДИН САДРИДДИНОВИЧ БАҲРИДДИНОВ



Нуриддин Садриддинович Баҳридинов 1957 йил 24 июлда Наманган вилояти Наманган тумани Фалча қишлоғида зиёли оиласида туғилган.

1974 йилда тумандаги 30-ўрта мактабни олтин медаль билан тамомлаган. Шу йили Наманган давлат педагогика институтининг (ҳозирги НамДУ) физика-техника факультетига ўқишга кириб, 1978 йилда уни имтиёзли тамомлаган. Меҳнат фаолиятини Наманган ту-

манидаги Гулдиров қишлоғида жойлашган 16-ўрта мактабда физика ўқитувчиси сифатида бошлаган.

1979—1986 йилларда тумандаги 30-ўрта мактабда физика ва меҳнат таълимидан дарс берган.

1986 йилдан Ўзбекистон Республикаси фанлар академияси Кимё илмий-текшириш институтида дастлаб техник-лаборант, 1987 йилдан кичик илмий ходим сифатида илмий фаолиятини бошлаган. 1988—1989 йилларда Олмалиқ кимё заводида «Экстракцион фосфат кислоталар олиш қурилмаларини қаттиқ чўкиндилардан концентрланган сульфат кислотали тозалаш усу-

ли» мавзуси бўйича олиб борилган инновацион лойиҳани бажаришда масъул ижрочи сифатида фаолият кўрсатган.

1989 йили шу институтнинг кундузги аспирантура-сига ўқишга кириб, «Марказий Қизилқум фосфоритларидан олинган фосфат кислота асосида суюқ комплекс ўғит олиш» мавзусидаги номзодлик диссертациясини муддатидан илгари муваффақиятли ҳимоя қилган ва техника фанлари номзоди илмий даражасига эришган.

1991 йилдан Кимё илмий-текшириш институтида илмий ходим сифатида фаолиятини давом эттирган.

1992 йилда Наманган саноат-технология институтининг (ҳозирги НамМПИ) технология факультетига катта ўқитувчи лавозимига ишга келган.

1993 йилдан маънавий-маърифий ишлар бўйича деқан муовини бўлиб ишлаган.

2001 йилдан бошлаб экология ва меҳнат муҳофазаси кафедрасида доцент лавозимида ишлаб келмоқда. У «Марказий Қизилқум фосфоритларидан ўғитлар олиш» мавзуси бўйича докторлик диссертацияси устида ишлаш билан бирга, «Маҳаллий алюмосиликатлардан самарали фойдаланиш» мавзусида давлат гранти асосида илмий-тадқиқот олиб бормоқда.

Олим 25 та илмий-услубий мақолалар ва фосфат кислота олиш усули бўйича I та патент муаллифиdir.

СОБИРЖОН РАҲИМЖНОНОВИЧ БОЙДЕДАЕВ



Собиржон Раҳимжонович Бойдедаев 1970 йил 15 декабрда Наманган тумани Ровустон қишлоғида хизматчи оиласида туғилган. 1988 йил тумандаги 34-ўрта мактабни имтиёзли битиргач, Тошкент давлат университетининг физика факультетига ўқишга кирди. 1993 йилда университетни «Яримўтқазгичлар ва диэлектриклар физикаси» ихтисослиги бўйича имтиёзли диплом билан тутатди.

1993—1996 йилларда Наманган саноат-технология институтида (ҳозирги НамМПИ) катта лаборант, асистент, стажёр-тадқиқотчи лавозимларида фаолият кўрсатган. 1996—2000 йилларда Наманган давлат университетида аспирант, муҳандис бўлиб ишлаган. 2000 йилдан эса Наманган муҳандислик-педагогика институтида катта ўқитувчи лавозимида ишлаб келмоқда. 2003 йили «Юлқа пардаларда реактив фототоклар ва қизиган р-п-ўтиш электр юритувчи кучининг релаксацияси» мавзусида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилиб, физика-математика фанлари номзоди илмий даражасига эга бўлди.

С.Р.Бойдедаевнинг 20 дан ортиқ илмий, ўкув-услубий мақола ва рисолалари чоп этилган.

У республика Фан ва технология марказининг «Яри-мўтказгичларда электр юритувчи кучлар пайдо бўлишининг янги механизмлари» мавзуси бўйича давлат гранти ижрочилари сафиди ишламоқда.

АБДУЛҲАМИД ҚАҲХОРОВИЧ БОЛТАБОЕВ



1958 йил 8 май куни Наманган тумани Ирвадон қишлоғида зиёли оиласида туғилган. 1965 йилда Наманган туманидаги 32-ўрта мактабга ўқишга борган ва шу мактабни 1975 йили олтин медаль билан таомомланган.

1975—1976 йилларда «Ижодкор» жамоа хўжалигига агротехник вазифасида ишлаган. 1976 йилда Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш инженерлари институтига гидромелиорация мутахассислиги бўйича ўқишга кириб, 1981 йилда мазкур институтни мувваффақиятли таомомланган.

Ўз меҳнат фаолиятини 1981 йилда Тошкент политехника институти Наманган филиалида (ҳозирги НамМПИ) бошлаган. Бу ерда аспирант, доцент, декан мувовини, маъмурий-хўжалик ишлари бўйича проректор вазифасини бажарувчи, хўжалик бошқармаси бош-

лиғи, талабалар ва лицей-интернат ўқувчиласрига умумий овқатланиш ва савдо, маданий хизмат күрсатиш бўлими мудири, маъмурий-хўжалик бошқармаси бошлиғи, иқтисодиёт ва тадбиркорлик бўйича проректор мувонини, бosh муҳандис лавозимларида ишлаш билан бирга педагогик фаолиятини ҳам давом эттирган.

1986—1989 йилларда қурилиш кафедрасида илмий изланувчи сифатида илмий-тадқиқот ишлари олиб борган.

1985 йилдан бошлаб профессор О. С. Попова (Москва) ва профессор Л. М. Григорьева (Москва) раҳбарлигига «Керамзитбетон структурасининг ҳосил бўлишида қўшимчаларнинг аҳамияти» мавзусида илмий иш олиб борган. 1992 йилда Санкт-Петербург темир йўл транспорти муҳандислари институтида «Қурилиш материаллари ва буюмлари» мутахассислиги бўйича юқоридаги мавзуда номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилган ва техника фанлари номзоди илмий даражасига сазовор бўлган.

У ўзининг иш фаолиятида 35 дан ортиқ илмий-услубий қўлланмалар ёзди. Ҳозирги кунда Тошкент, Москва, Санкт-Петербург, Латвия, Литва олимлари билан ҳамкорликда илмий изланышлар олиб бормоқда.

2002 йилдан бўён янги ташкил этилган Наманган тумани Ирвадон иқтисодиёт касб-хунар коллежи директори лавозимида ишлаб келмоқда.

АБДУСАТТОР ФАФФОРОВИЧ БОТИРОВ



Абдусаттор Faffarovich Botirov 1956 йил 27 апрелда Наманган вилояти Тўракурғон тумани Аҳси қишлоғида хизматчи оиласида туғилган.

1964—1974 йилларда Тўракурғон туманидаги Ҳ.Ҳ. Ниёзий номли 24-ўрта мактабда ўқиган.

1974 йили Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент политехника институтининг механика факультетига ўқишига кириб, 1979 йили «Машинасозлик технологияси, металл қирқиши станоклари ва асбоблари» мутахассислиги бўйича тутатган.

Меңнат фаолиятини 1979 йилдан Наманган қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш техникумидаги ўқитувчиликдан бошлаган. 1982—1988 йилларда Тўракурғон туманидаги Бобур номли жамоа хўжалигига муҳандис бўлиб ишлаган.

1989—1991 йилларда Ўрта Осиё қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва электрлаштириш илмий-тадқиқот институти аспирантурасининг кундузги бўлимида таҳсил олган. Шу йиллар давомимда «Чигит экиш сеялкаси аппаратини такомиллаштириш мавзусида илмий-тадқиқот ишларини олиб борди. Илмий изланишлари натижалари модулли чигит экиш сеялкасини яратишда самарали қўлланилди.

1992 йил НамМПИда асистентлик лавозимида илмий педагогик фаолиятини бошлаган.

Илмий ишларини муваффақиятли якунлагач, 1998 йили Ўзбекистон қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва электрлаштириш илмий-тадқиқот институтининг Ихтисослашган кенгашида «Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини механизациялаш» мутахассислиги бўйича номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди ва техника фанлари номзоди илмий даражасига сазовор бўлди.

А. Ф. Ботиров 25 дан ортиқ илмий ва ўкув-услубий ишлар муаллифидир.

РАҲИМА АБДУЖАББОРОВНА БОТИРОВА



Раҳима Абдужабборовна Ботирова 1957 йил 28 февралда Андижон вилояти Избоскан туманида туғилган. 1974 йил Ҳаққулобод шаҳридағи 1-ўрта мактабни тугатиб, меңнат фаолиятини Тошкент шаҳридаги «Оргтехстрой» трестида техник вазифасидан бошлади. 1975 йил Р.Ботирова Тошкент политехника институти мұхандислик-қурилиш факультетига талабаликка қабул қилинди ва 1980 йил ушбу олийгоҳни тамомлаб, мұхандис-қурувчи мутахассислигига эга бўлди. Йўлланмана билан Давлат қишлоқ-хўжалик техникаси қўмитасида мұхандис лавозимида иш бошлади. 1982—85 йилларда Самар-

қанд архитектура-қурилиш институти қошидаги экспериментал лойиҳалаш маркази мұхандиси лавозиміда ишлаб, замонавий бино ва иншоотларни лойиҳалаштириш сирларини ўрганды. 1985—88 йиллари Наманган вилояты Норин тумани капитал қурилиш бўлимнинг бош мұхандиси, 1988—93 йиллари Наманган вилояти «Сувоқава» бирлашмасида мұхандис, мутахассислар бўлими бошлиғи лавозимларида фаолият кўрсатди. 1993—2000 йилларда Наманган мұхандислик-педагогика институти иқтисодиёт назарияси кафедрасининг катта ўқитувчиси лавозиміда ишлаб, 2000 йил Тошкент иқтисодиёт университети қошидаги Ихтисослаштирилган кенгашда «Эконометрика ва статистика» мутахассислиги бўйича номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди ва унга иқтисод фанлари номзоди илмий даражаси берилди. 2001 йилдан ҳозиргача Наманган мұхандислик-иктисодиёт институти бухгалтерия ҳисоби ва аудит кафедрасининг мудири, доценти лавозимларида ишлаб, вилоятимиз иқтисодиёнинг равнақига хизмат қилувчи, жаҳон андозалари тарабларига жавоб берадиган олий маълумотли иқтисодчи, бухгалтер, молиячилар тайёрлашга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келмоқда.

Институт хотин-қизлар кенгашининг раиси, моҳир педагог ва етук мутахассис сифатида ўз ҳамкаслари ва талабалар орасида муносиб обрў-эътибор қозонди.

Р.А.Ботирова 30 дан зиёд илмий-услубий ишлар мүаллифи. Халқаро, республика миқёсидаги илмий анжуманларда ўз илмий изланишлари натижалари билан маърузалар қилиб келмоқда. «Бозор ислоҳотлари жараённида макроиктисодий барқарорликка эришиш ва макроиктисодий ўсишни таъминлаш муаммолари» мавзуусидаги докторлик диссертацияси устида ишламоқда.

ЗАКИРЁ СОТТИХҮЖАЕВИЧ БУЗРУКОВ



Закирё Соттихўжаевич Бузруков 1962 йил 27 январда Наманган вилояти Янгиқўрғон туманининг Калишоҳ қишлоғида ишчи оиласида туғилган.

1969—1979 йилларда Калишоҳ қишлоғидаги 21-ўрта мактабда ўқиган.

З. С. Бузруков 1979—1984 йилларда Тошкент политехника институтининг Наманган филиали қурилиш факультетида ўқиб, имтиёзли диплом билан тугатган. Меҳнат фаолиятини «Намангансувқурилиш» трестининг ишлаб чиқариш бўлимида муҳандис лавозимида бошлаган. 1984 йилдан 1986 йилга-ча ҳарбий хизматни ўтаган.

З. С. Бузруков 1986 йилнинг май ойидан бошлаб, ТашПИнинг Наманган филиалининг (ҳозирги Нам-МПИ) «Қишлоқ хўжалиги қурилиши» кафедрасига катта лаборант вазифасига ишга қабул қилинган ва 1988 йилдан бошлаб «Саноат ва фуқаро қурилиши» кафедрасига асистент лавозимида ишлаш учун ўтказилган.

З. С. Бузруков 1989—1992 йилларда Тошкент политехника институти аспирантурасининг кундузги бўлимида таҳсил олди. 1993 йилда «Қурилиш конструкциялари, бино ва иншоотлар» мутахассислиги бўйича «Динамик таъсир остида ишлайдиган текис рама ва устун қозиқли пойдеворларнинг биргаликдаги ҳаракатини тадқиқ қилиш» мавзусидаги номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилган.

1992 йилдан бошлаб яна Наманган муҳандислик-педагогика институти «Бинолар ва саноат иншоотлари қурилиши» кафедрасига ишга қайтиб, асистент, катта ўқитувчи ва доцент лавозимларида ишлаб келмоқда.

З. С. Бузруков 60 та илмий-услубий ишлар муаллифидир. У ўз фаолияти давомида касб-хунар коллежлари учун «Қурилиш материаллари, буюмлари ва металлар технологияси» номли дарслик ва I та ўкув қўлланма чоп эттирган.

Ҳозирги вақтда «Сейсмик таъсир остида ишлайдиган бино ва иншоотлар конструкцияларининг ҳолати-

ни ва уларга таъсир қилувчи омилларни ўрганиш» мавзусидаги докторлик диссертацияси устида илмий-тадқиқот ишлари олиб бормоқда.

У 2000 йилда республика ўқув юртлари профессор-ўқитувчилари, докторантлари ва аспирантларининг «Устоз» жамғармаси танлови гранти совриндори бўлган.

З. С. Бузруков институт ўқув-услубий бўлими бошлиғи ва факултет ўқув-услубий қенгашининг раиси-дир. У Ўзбекистон Республикаси ОУМТВнинг ва вилоят ҳокимлигининг «Фахрий ёрлиқ»лари билан тақдирланган.

САРВАРХОН МУНАВВАРХОНОВИЧ БУЗРУКХОНОВ



Сарвархон Мунаввархонович Бузрукхонов 1969 йил 29 апрелда Наманган вилоятининг Чуст шаҳрида зиёли оиласида туфилган.

1976—1986 йилларда Чуст шаҳридаги 1-ўрта мактабда ўқиган.

1986 йилда Тошкент молия институтининг «Бухгалтерия ҳисоби» мутахассислигига ўқишига кириб, уни 1993 йилда имтиёзли диплом билан тамомлаган ва иқтисодчи ихтисослигини эгаллаган.

Ўз меҳнат фаолиятини 1993 йилда Чуст тумани жамоа хўжаликлари кенгашининг раис мувонини лавозимида бошлаган.

1994—1998 йилларда Наманган саноат-технология институти (ҳозирги НамМПИ) аспирантурасида таҳсил олган.

1996 йилдан ҳозирги кунга қадар менежмент кафедрасида катта ўқитувчи, доцент лавозимларида ишлаб келмоқда.

2002 йилда институт аспирантурасини тугатган аспирантлар орасида биринчи бўлиб таниқли иқтисодчи олим, иқтисод фанлари доктори, профессор Т. Эргашев раҳбарлигига Ўзбекистон Бозор ислоҳотлари илмий текшириш институтидаги Ихтисослашган илмий кенгашда «Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида

хусусий мулкчиликка асосланган қишлоқ хўжалиги корхоналарини ривожлантириш» мавзусидаги номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилиб, иқтисадод фанлари номзоди илмий даражасини олган.

2000—2001 йилларда «Евразия» фондининг Т00-0192 «Менежмент мутахассислиги магистрлари учун ўқув дастурлари ва ўқув қўлланмалари яратиш» мавзусидаги 26954 АҚШ долларлик грант лойиҳасини бажариша қатнашган.

2003 йил июнь ойида Германиянинг Потсдам шаҳрида ўтказилган Халқаро конференцияда иштирок этган.

Европа комиссиясининг ТЕМПУС ўқув дастури бўйича Европа қўшма лойиҳасида қатнашиб, 2003 йилнинг октябрь ойида Австриянинг Вена технология университетида халқаро алоқаларни ривожлантириш ва уни молиялаштириш бўйича малака оширган.

Ҳозирги кунда «Қишлоқ хўжалигида мулкчилик муносабатларини ривожлантириш истиқболлари» мавзусидаги докторлик диссертацияси бўйича илмий тадқиқотлар олиб бормоқда.

20 дан ортиқ илмий ва услубий ишлар чоп эттирган. Шундан 2 та илмий мақоласи Россия Фанлар академиясининг Иқтисод институти илмий ишлар тўпамида чоп этилган.

АКБАРЖОН БУРХОНОВ



Акбаржон Бурхонов 1934 йил 18 апрелда Наманган шаҳрида туғилган.

1948 йилда Намангандаги 11-мактабнинг 7-синфини тутатгач, шу или Наманган педагогика билим юртига ўқишга кирган ва 1952 йилда тамомлаб, ўз иш фаолиятини Учкўрғон туманидаги 16-ўрта мактабда ўқитувчиликдан бошлаган.

1952 йилда Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтининг педагогика ва психология факультетига ўқишга кириб, 1957 йилда институтни имтиёзли диплом билан тамомлаб, Наман-

ган давлат педагогика институтида (ҳозирги НамДУ) ишлай бошлади.

1957—1997 йиллар давомида мазкур олий таълим муассасасида лаборант, ўқитувчи, катта ўқитувчи, доцент, кафедра мудири лавозимларида фаолият кўрсатди.

1979 йилда «Ўзбекистон тарихи материалларини ўрганиш жараёнида ўқувчиларни ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялаш» мавзусида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди ва педагогика фанлари номзоди илмий даражасига эришди.

1989 йилда педагогика ва психология бўйича доцент илмий унвонини олди.

1997 йилдан ҳозирга қадар Наманган мұхандислик-педагогика институтининг педагогика ва педагогик технологиялар кафедрасида доцент лавозимида ишлаб келмоқда.

А. Бурхонов ўз фаолиятида 40 дан ортиқ илмий, ўқув-услубий мақолаларни чоп эттирган.

1996 йилда профессор А. Мунавваров таҳрири остида чиқарилган «Педагогика» дарслигига ҳаммуаллифлик қилди.

2003 йилда катта ўқитувчи Р. Маманазаров билан ҳаммуаллифликда «Ўқитувчи салоҳияти—баркамоллик нетизи» номли ўқув қўлланмасини чоп эттириди. Шунингдек, у «Психология» (I, II қисм), «Касб таълими психологияси», «Мутахассислик психологияси», «Педагогик ва ижтимоий психология», «Психология», «Психология масалалари» каби маъруза матнларини тайёрлаб, ўқув жараёнига тадбиқ этган.

А. Бурхонов ўз фаолияти давомида минтаقا, республика ва хорижий давлатларда илмий-амалий анжу-манларда фаол иштирок этган.

ИЛГОР АҲМАДЖОНОВИЧ ГАФАРОВ



Илғор Аҳмаджонович Гафаров 1960 йил 20 июлда Наманган шаҳрида хизматчи оиласида туғилган.

1964—1974 йиллари Наманган шаҳридаги 5-ўрта мактабда, 1975—1977 йиллари шаҳардаги математика йўналиши бўйича ихтисослаштирилган 7-ўрта мактабда ўқиб, аъло баҳоларга тамомлаган. Ўқувчилик йилларида математика фанидан ўtkazilgan fan olimpiyadalarida shaҳar va viloyat bosqichlariда sovrinli ўrinnlarни эгаллаган. 1976

йилда республика bosqichiда iштирок этган.

1977 йил Тошкент давлат университетининг математика факультетига ўқишга кириб, 1982 йили аъло баҳолар билан тутатган.

Академик М. М. Лаврентев раҳбарлиги остида тайёрлаган битириув диплом иши 1983 йили нуфузли марказий илмий мақолалар тўпламида чоп этилган.

Меҳнат фаoliyatini 1982 йилдан ЎзФА Математика институтида стажёр-тадқиқотчи лавозимида бошланган.

1983—1984 йиллари Новосибирск давлат университетида стажёр-тадқиқотчи, 1984—1987 йилларда эса шу университетнинг кундузги аспирантурасида академик М. М. Лаврентев раҳбарлигига таҳсил олган. Аспирантурадан сўнг 1988 йил сентябрь ойига қадар Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти Наманган филиалида (ҳозирги НМИИ) муҳандис-дастурловчи сифатида фаoliyat кўrsatgan.

1988 йилда Тошкент политехника институтининг Наманган филиалига (ҳозирги НамMPI) ишга келиб, 1993 йилгacha олий математика кафедраси ассистенти бўлиб iшлади.

1989 йили Новосибирск давлат университетида «Оператор коэффициентли дифференциал тенгламаларга қўйилган ички ва ташқи масалалар» мавзусидаги номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди ва физика-математика фанлари номзоди илмий дараҷасига эришdi. 1993 йил унга доцент илмий унвони берилди.

2003 йилдан бошлаб информатика факультети декани лавозимида ишламоқда.

И. А. Гафаров айни пайтда оператор коэффициентли дифференциал тенгламалар бўйича докторлик диссертацияси устида илмий-тадқиқот олиб бормоқда.

Олимнинг 35 дан ортиқ илмий ва ўқув-услубий мақолалари чоп этилган.

МУҲАММАДЖОН ФУЛОМҚОДИРОВИЧ ДАДАМИРЗАЕВ



Муҳаммаджон Фуломқодирович Дадамирзаев 1970 йил 3 марта Наманган тумани Хонобод қишлоғида зиёли оиласида туғилган. 1977 йили Наманган туманидаги 27-ўрта мактабга ўқишга кириб, уни 1987 йилда имтиёзли битириб, шу йили Тошкент давлат университетининг физика факультетига ўқишга кирди. 1993 йили университетнинг физика факультетини яримўтказгичлар ва диэлектриклар физикаси ихтисослиги бўйича тамомлади. Ўқиши туѓатгач, Наманган давлат университетига ишга қабул қилинди. У ерда 1999 йилгача стажер-тадқиқотчи, аспирант, муҳандис бўлиб ишлади.

1999 йилдан Наманган муҳандислик-педагогика институтига ишга ўтди. 1999—2000 йилларда лаборатория мудири, 2001 йилдан эса катта ўқитувчи лавозимида ишлаб келмоқда.

2002 йил номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилиб, физика-математика фанлари номзоди илмий даражасини олди.

М. Ф. Дадамирзаевнинг илмий ишлари иссиқ электрон шароитида электрофизик ҳодисаларга, шунингдек яримўтказгичли асбобларда фотоэлектрик ҳодисаларга бағишлиланган бўлиб, кучли электромагнит майдонларда ишлайдиган яримўтказгичли асбобларнинг муқаммал назариясини яратишида, яримўтказгичлар физикаси ва микроэлектроника соҳасида муҳим илмий ва амалий аҳамиятга эгадир. У Республика фан ва технологиялар марказининг «Яримўтказгичларда электр юри-

түвчи кучлар пайдо бўлишининг янги механизмлари» мавзуси бўйича грант ижрочилари сафида ишламоқда. Чет эл ва МДҲ мамлакатларининг етук мутахассислари билан илмий алоқалар ўрнатган.

М. Ф. Дадамирзаевнинг 20 дан ортиқ илмий ва ўкув-услубий мақола ва рисолалари чоп этилган.

НУРИЛЛА КАРИМОВИЧ ДАДАХОНОВ



Нурилла Каримович Дадахонов 1962 йилда Наманган тумани Қоракўл қишлоғида туғилган.

1969—1979 йилларда тумандаги 13-ўрта мактабда ўқиб, уни кумуш медаль билан битирган.

1979 йилда Й. Охунбоев номли Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти Наманган филиалининг (ҳозирги НМИИ) кечки бўлими тўқимачилик машина ва аппаратлари мутахассислиги бўйича ўқишига кирган, шу билан бир вақтда Наманган шойи ишлаб чиқариш бирлашмасининг йигирув цехида ёғловчи бўлиб ишлаган. 1981—1983 йилларда Монголия Халқ Республикасида ҳарбий хизматни ўтаган. 1987 йилда ўқишини муваффақиятли тутгатган ва 1988 йилда филиалнинг тўқимачилик машина ва аппаратлари кафедрасида асистент лаъизимида ўзининг илмий-педагогик фаолиятини бошлаган.

1995 йилда Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти аспирантурасининг кундузги бўлимига ўқишига кирган. Доцент М. М. Шукуров раҳбарлигига «Йигирув ишлаб чиқариш машиналарининг чўзувчи асбобларидаги чўзиш жараёнида толаларни назорат қилиш қурилмаларини ишлаб чиқиш» мавзусида илмий-тадқиқот ишларини олиб борди. Бунда у Тошкент тўқимачилик машинасозлиги заводининг конструкторлик бўлими ва илмий-тадқиқот лабораторияси, Иваново шаҳридаги Давлат тўқимачилик академияси профессори Ю. В. Павлов ва Наманган шойи ишлаб чиқариш бирлашмаси мутахассислари билан ҳамкорлик қилди.

1997 йилда номзодлик диссертациясини муддати-

дан олдин муваффақиятли ҳимоя қилди. Ҳимоядан сўнг Наманган мұхандислик-иқтисодиёт институтида илмий-педагогик фаолиятини давом эттириди. У механика-технология факультетининг ўқув ишлари бўйича декан мувовини лавозимида ишлади.

Н. К. Дадаҳонов 2000 йилдан НамМПИнинг техноложик машина ва жиҳозлар кафедрасида катта ўқитувчи лавозимида иш бошлади. 2001 йилда техноложик машина ва жиҳозлар кафедраси, 2002 йилда машина-созлик технологияси кафедраси доценти вазифасида ишлаб келмоқда.

Олим 20 дан ортиқ илмий мақола ва Ўзбекистон Республикасининг 8 та патенти муаллифи. У ўқитаётган фанларидан 25 дан ортиқ услубий қўлланмалар ва маъруза матнлари яратган ҳамда «Машина деталларини ҳисоблаш ва лойиҳалаш» (мұхандислар учун), «Электр-газ пайвандлаш технологияси» (касб-хунар коллежлари учун) каби ўқув қўлланмаларни чоп эттирган.

ЖАКБАРАЛИ АБДИВАЛИЕВИЧ ДАМИНОВ



Жакбарали Абдивалиевич Даминов 1959 йил 10 августда Наманган вилояти Наманган тумани Қоратепа қишлоғида дәхқон оиласида туғилган.

1967—77 йилларда тумандаги 26-ўрта мактабда ўқиган. Шу йили Тошкент политехника институтининг қурилиш факультетига ўқишига кириб, 1982 йилда тамомлари ва мазкур институтнинг Наманган филиалига (ҳозирги НамМПИ) ишга келди. 1990 йилгача ассистент лавозимида фаолият кўрсатди.

1990—93 йилларда Ўзбекистон Фанлар академияси Механика ва иншоотлар сейсмик мустаҳкамлиги институти қошидаги аспирантуранинг кундузги бўлимida таҳсил олди.

1994 йил юқорида кўрсатилган институт қошидаги ихтисослаштирилган кенгашда номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди.

1994 йилда йўлланма билан Наманган мұхандислик-педагогика институтига ишга юборилди. Бу ерда удастлаб катта ўқитувчи, сўнгра доцент вазифасини бажарувчи ва доцент лавозимида ишлаб келмоқда. Ж. А. Даминовдаги ташкилотчилик, ёшларга ғамхўрлик фазилатларини илғаган институт раҳбарияти уни қурилиш факультети декани ўринбосарлигига тайинлади.

Ж. А. Даминов педагогик, илмий ва раҳбарлик фаолиятларини уйғун ҳолда олиб бориши натижасида кўплаб ижобий натижаларга эришмоқда. У 20 дан зиёд илмий мақола, 12 та услубий ишлар муаллифидир.

Бундан ташқари Ж.А. Даминов илмий изланишлари натижалари бўйича тайёрланган маъruzалар билан халқаро ва республика миқёсидаги ҳамда минтақавий илмий анжуманларда фаол иштирок этиб келмоқда.

Олим айни кунларда докторлик диссертацияси устида изланишлар олиб бормоқда.

ХУРСАН РАҲИМБЕРДИЕВИЧ ЖАЛОЛОВ



Хурсан Раҳимбердиевич Жалолов 1956 йил 5 апрелда Норин туманидаги Ўлмас қишлоғида туғилган. Тумандаги 35-ўрта мактабни тутатгач, Самарқанд давлат университетининг физика факультетига ўқишига кириб, 1977 йилда ядро физикаси ихтисослиги бўйича тутатган.

1977—1980 йилларда Норин туманидаги 35-ўрта мактабда физика ўқитувчиси бўлиб ишлаган.

1980—1983 йилларда Тошкент политехника институти Наманган филиали (ҳозирги Нам-МПИ)нинг тайёрлов бўлимида физика ўқитувчиси бўлиб ишлади.

1983 йилда Ўзбекистон Фанлар академиясининг Кимё институтида мұхандис лавозимида ишлаб, 1984—1987 йилларда мазкур институт аспирантурасининг кундузги бўлимида таҳсил олди. 1989 йилда номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди ва унга кимё фанлари номзоди илмий даражаси берилди.

1990—1993 йилларда Наманган саноат-технология

институтининг (ҳозирги НамМПИ) умумий физика кафедрасида катта ўқитувчи лавозимида ишлади.

1993 йилда унга доцент илмий унвони берилди.

Х.Р.Жалоловнинг илмий мақолалари «Ўзбекистон кимё журнали», «ЎзФА докладлари» журналларида, шунингдек, халқаро ва МДҲ мамлакатларида ўтказилган илмий анжуманлар тўпламларида чоп этилган.

1993 йилдан физика кафедрасида доцент лавозимида ишлаб келмоқда.

Х.Р.Жалолов 50 дан ортиқ илмий ва ўқув-услубий ишлар муаллифидир.

НЕЎМАТИЛЛА ЗОКИРОВ



Неъматилла Зокиров 1952 йилнинг 23 июнида Наманган вилояти Косонсой тумани Тергачи қишлоғида туғилган. 1969 йилда шу тумандаги 28-ўрта мактабни тамомлаган.

1974 йили Тоҷикистон давлат университети физика факультетини тамомлаб, физик-астрофизик мутахассислигига эга бўлди.

Шу йили Ўзбекистон Фанлар академиясининг Астрофизика институтида илмий ходим, 1975—1976 йилларда Ўрга Осиё минтақавий илмий-текшириш институти қошидаги вилоят дўлга қарши кураш отрядида муҳандис, 1976—1979 йилларда Косонсой тумани 28-ўрта мактабда ўқитувчи бўлиб ишлаган.

1979 йилдан ҳозиргacha Наманган муҳандислик-педагогика институтида асистент, катта ўқитувчи, доцент лавозимида ишлаб келмоқда.

1994 йили номзодлик диссертациясини ёқлади ва физика-математика фанлари номзоди илмий даражасига эга бўлди. У 35 дан ортиқ илмий ва ўқув-услубий ишларнинг муаллифидир.

Н. Зокиров кафедра илмий-услубий ишларига раҳбарлик қилади. У техника ўқув юртлари учун физикадан намунавий дастур ишлаб чиқсан. Унинг механика ва молекуляр физика фанидан маъruzalар матни рес-

публика техника ўқув юртларида фойдаланишга тавсия этилган.

Н. Зокиров ёшлар тарбияси борасида ҳамда Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини ҳаётга тадбиқ қилишда кўрсатган хизматлари учун республика «Устоз» жамғармасининг «Фахрий ёрлиги» билан тақдирланган.

СОДИҚЖОН ЗОКИРОВ



Содиқжон Зокиров 1950 йилда Наманган вилояти Чортотумани Пешкўргон фуқаролар йиғини ҳудудидаги Арбағиш қишлоғида туғилган.

1957 йилда 19-тўлиқсиз ўрта мактабга ўқишига кириб, 1967 йилда 21-ўрта мактабни аъло баҳолар билан тутатди.

1967—1968 ўқув йилларида 19-ўрта мактабда бош пионервожатий бўлиб ишлади.

1968 йили Низомий номли Тошкент давлат педагогика институти табииёт-география факультети кимёбиология бўлимига ўқишига кириб, уни 1973 йилда имтиёзли диплом билан тутатди. Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги йўлланмасига биноан ушбу ўқув йилидан бошлаб Андижон пахтачилик институтида ассистент лавозимида иш бошлади ва 1983 йилга қадар катта методист, лаборатория мудири бўлиб ишлади.

1983 йил 18 майдан Тошкент политехника институти Наманган филиалининг (ҳозирги НамМПИ) физика кафедрасига кимё фани бўйича ассистент лавозимида ишга ўтди. 1988 йилдан катта ўқитувчи, 1989—1993 йилларда филиал ўрнида янги ташкил этилган Наманган саноат-технология институти касаба уюшма кўмитаси раиси, 1993—1997 йилларда технология факультети декани лавозимларида ишлади. 1998—2002 йилларда кимёвий технология ва биотехнология кафедраси доценти, 2002 йилдан кимёвий технология кафедраси мудири лавозимида фаолият кўрсатмоқда.

У 1991 йилда «Гексин-1-ол-3 синтези жараёнлари ва у асосида олинган ҳосилаларни тадқиқ этиш» мавзусида номзодлик диссертациясини муваффақиятли

ёқдаб, кимё фанлари номзоди илмий даражасини олган. Олиб борган илмий тадқиқот ишлари юзасидан 70 дан ортиқ илмий ва услубий ишлари чоп этилган. 49 та илмий мақола, 11 та ихтиро учун патент ва 10 та услубий қулланма шулар жумласидандир.

Хозирги кунда «Маҳаллий ресурслар асосида ҳалқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш» мавзуси бўйича илмий тадқиқот ишлари олиб бормоқда. Олинган на-тижаларга кўра 3 та ихтироси ишлаб чиқаришга жорий этилган бўлиб, унинг иқтисодий самарадорлиги йилига 300—350 млн. сўмни ташкил этади.

Самарали меҳнатлари учун Ўзбекистон касаба ўшмалари федерацияси ҳамда Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг қатор «Фахрий ёрлиқ»лари билан тақдирланган.

МАВЛУДА АБДУЛЛАЕВНА ИНОМОВА



1948 йил 20 январда Намангандаги шаҳрида хизматчи оиласида туғилган.

1955 йили шаҳардаги М. В. Ломоносов номли 7-ўрта мактабга ўқишга кириб, 1966 йили 11-синфни тамомлаган.

1966 йили Намангандаги давлат педагогика институтининг (ҳозирги НамДУ) рус тили ва адабиёти факультетига ўқишига кириб, 1971 йили тамомлаган ва рус тили ва адабиёти ўқитувчisi мутахассислигини эгаллаган.

Меҳнат фаолиятини шу йили Намангандаги 13-ўрта мактабда рус тили ва адабиёти ўқитувчisi сифатида бошлаган.

1973—1978 йилларда Москвадаги Педагогика фанлари академияси қошидаги Миллий мактабларда рус тилининг ўқитилиши илмий-текшириш институтида аввал стажёр-тадқиқотчи бўлиб ишлаган, сўнгра аспирантурасида таҳсил олган.

1978 йилда мазкур институтнинг Ихтисослаштирилган кенгashiда «Ўзбек мактабларининг бошланғич синф-

лари учун рус тили дарсلىкларини такомиллаштириш йўллари ва тарихи» мавзусидаги номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди ва педагогика фанлари номзоди илмий даражасини эгаллади.

1978—1980 йилларда Наманган тўқимачилик техникумida рус тили ўқитувчisi бўлиб ишлади.

1980—1982 йилларда ТашПИнинг Наманган филиали (ҳозирги НамМПИ) ўқитувчisi, 1982—1987 йилларда умумтаълим фанлар кафедраси мудири бўлиб ишлади.

1988 йили эса доцент илмий унвонини олган.

1987—2000 йиллари эса институтнинг тиллар кафедрасига раҳбарлик қилди.

Олима ўз илмий ва педагогик фаолияти давомида 40 дан зиёд илмий ва ўқув-услубий ишларни чоп этирган.

2000 йилдан ҳозиргacha чет тиллар кафедрасида доцент лавозимида ишлаб келмоқда.

СУЛТОНБОЙ СОБИРҚУЛОВИЧ ИРИСҚУЛОВ



Султонбой Собирқулович Ирисқулов 1955 йил 17 июля Наманган вилояти Янгиқўрғон тумани Нанай қишлоғида ишчи оиласида туғилган.

1962—1972 йилларда Нанай қишлоғидаги 54-ўрта мактабда ўқиган.

1972 йилда Тошкент давлат университетининг (ҳозирги ЎзМУ) амалий математика ва механика факультетига ўқишга кириб, 1977 йилда тамомлаган ва математик-дастурчи ихтисослигини эгаллаган.

С.С. Ирисқулов меҳнат фаолиятини 1977 йили ЎзФА «Кибернетика» илмий ишлаб чиқариш бирлашмасида муҳандис-дастурчи лавозимида бошлаган.

1980—1992 йилларда Тошкент политехника институтининг амалий математика кафедрасида асистент, кейинчалик катта ўқитувчи лавозимларида ишлаган. 1992 йилдан бўён эса Наманган муҳандислик-педагогика институтининг информатика ва ахборотлар тех-

нологияси кафедрасида доцент лавозимида фаолият юритмокда.

С.С.Ирисқұлов мустақил изланувчи сифатида «Қалын қобиқларнинг ҳисоб ишларини бажариш» мавзусида илмий тадқиқот ишларини олиб борди ва 1991 йилда шу мавзуда номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилиб, техника фанлари номзоди илмий даражасини олди.

Мәхнат фаолияти давомида 20 дан ортиқ илмий мақолалар, 30 дан ортиқ илмий, ўқув-услубий қўлланмалар яратган. 2003 йили доцент П.Каримов ва катта ўқитувчи А.Исабоевлар билан ҳаммуаллифликда касб-хунар коллежлари учун «Дастурлаш» фанидан ўқув қўлланмаси тайёрлаб, чоп эттириди.

РАҲМАТИЛЛО ОЛТИНОВИЧ ИСМАТОВ



Раҳматилло Олтинович Исматов 1961 йил 4 январда Наманган вилояти Уйчи тумани Ёркўргон қишлоғида туғилган.

1968—1978 йилларда Уйчи туманидаги 10-ўрта мактабда ўқиган.

1978 йилда Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент политехника институтининг қурилиш факультетига ўқишига кириб, 1983 йилда уни аъло баҳоларга тамомлаган. Шу йил ноябр ойида ТошПИ нинг Наманган филиалида (ҳозирги НамМПИ) асистент лавозимида мәхнат фаолиятини бошлаган.

1988—1991 йилларда Ўзбекистон Фанлар академиясининг Иқтисод институти аспирантурасида ўқиган.

1992 йилда мазкур институтнинг ихтисослашган илмий кенгашида «Қурилиш корхоналарида мәхнатни пировард натижаларига қараб ташкил этиш ва рағбатлантириш» мавзусидаги номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилиб, иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олган.

1996 йилда унга доцент илмий унвони берилган.

Ҳозирги кунда менежмент кафедраси мудири лавозимида ишлаб келмоқда.

1996 йил февраль-май ойларида Европа Иттифоқининг MSDS, IEEC, IFOA, EC TACIC дастури бўйича малакасини оширган. 1998-йил май-июнъ ойларида республика «Устоз» жамғармасининг гранти совриндори сифатида Америка Кўшма Штатларининг Нью-Йорк университетида ҳам малака оширган.

2000—2001 йилларда «Евроазия» фондининг Т00-0192 «Менежмент мутахассислиги магистрлари учун ўкув дастурлари ва ўкув қўлланмалар яратиш» мавзусидаги 26954 АҚШ долларлик грант лойиҳасида лойиҳа директори вазифасини бажарган.

Касб-хунар коллеклари учун ҳаммуаллифликда «Бозор иқтисодиёти» номли дарслик (Тошкент, «Ўқитувчи», 2002), «Иқтисодий саводхонлик асослари» номли ўкув қўлланма (Тошкент, «Шарқ» 2000) чоп эттирган.

Р. Исматов 50 дан зиёд илмий ва ўкув-услубий ишлар муаллифидир. Ҳозирги кунда «Бозор иқтисодиёти шароитида курилиш корхоналарида меҳнатни ташкил этиш ва бошқаришни такомиллаштириш» мавзусидаги докторлик диссертацияси бўйича илмий тадқиқотлар олиб бормоқда.

РАВШАНЖОН БАҲРИДДИНОВИЧ ИСМОИЛОВ



Равшанжон Баҳриддинович Исмоилов 1959 йил 30 сентябрда Наманган вилояти Янгиқўрғон тумани Заркент қишлоғида туғилган.

1967—1977 йилларда қишлоқдаги 30-ўрта мактабда таҳсил олган.

1977—79 йилларда ҳарбий хизматни ўтаган.

1980—1984 йилларда Тошкент қишлоқ хўжалиги институтида (ҳозирги Тошкент аграр университети) таҳсил олди ва

уни имтиёзли тамомлаб, қишлоқ хўжалигининг иқтисодчи-ташкилотчиси мутахассислигини эгаллади.

1986 йилдан 1989 йилгacha Ўрta Oсиё қишлоқ хўжалиги илмий-тадқиқот институти аспирантурасида ўқиб, номзодлик диссертациясини муваффақиятди ҳимоя қилди ва иқтисод фанлари номзоди илмий даражасига сазовор бўлди.

1989—1992 йиллар давомида Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалик фанлари академиясида катта илмий ходим вазифасида ишлади.

1992 йил сентябрдан Наманган саноат-технология институтида (ҳозирги НамМПИ) катта ўқитувчи, кейинчалик иқтисодиёт факультети декани муовини, 1997 йилдан институт қошидаги тадбиркорлик ва бизнес мактабида директор ва халқаро алоқалар бўлими бошлиғи вазифаларида ишлади.

2002 йил сентябрдан 2003 йил май ойигача халқаро алоқалар ва информацион технологиялар бўйича проектор лавозимида ишлаган.

1997 йилдан 2003 йил июлигача Ўзбекистон Республикаси Президенти «Устоз» жамғармаси Наманган вилояти бўлими ижрочи директори ва 2003 йил июлдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Президенти «Истеъод» жамғармаси вилоят бўлими ижрочи директори вазифасида ишламоқда.

2003 йил 5 майдан Наманган мұхандислик-иктисодиёт институтида иқтисод факультети декани лавозимида фаолият олиб бормоқда.

1982 йилдан шу кунгача турли халқаро ва республика танловларида қатнашиб, грантлар соҳиби сифатида АҚШ, Германия, Ҳиндистон, Канада, Нидерландия, Франция, Буюк Британия, Покистон, Польша, Бельгия каби мамлакатларда тажриба алмашиб, мала-ка ошириб келган. Ҳозирда ҳам халқаро лойиҳаларда иштирок этиб келмоқда.

Шу билан бирга 80 дан ортиқ илмий-услубий қўлланмалар муаллифи ва халқаро ҳамда маҳаллий илмий-амалий анжуманлар иштирокчисидир.

БОСИТХОН МУСОХЎЖАЕВИЧ ИСОХЎЖАЕВ



Боситхон Мусохўжаевич Исоҳўжаев 1956 йил 15 июнда Наманган шаҳрида туғилган.

1964 йили Наманган шаҳридаги 3-ўрта мактабнинг 1-синфига ўқишига кириб, 1974 йил 10-синфни туттаган. 1983 йили Тошкент политехника институтини тамомлаган. Мехнат фаолиятини 1983 йилда Тошкент политехника институтининг Наманган филиалида (ҳозирги НамМПИ) машина қисмлари ва машина ва механизмлар назарияси кафедрасида асистент лавозимида бошланган.

1987—1990 йилларда Механика ва иншоотлар сейсмик мустаҳкамлиги илмий текшириш институтида аспирант, 1990 йили Грузия давлат университетида техника фанлари номзодлиги илмий даражасини олиш учун диссертация ҳимоя қилган.

У 1990 йилдан бўён ТашПИнинг Наманган филиалида (ҳозирги НамМПИ) катта ўқитувчи, доцент, декан муовини, умумтехника фанлари кафедраси доценти лавозимида ишлаб келмоқда.

1999 йилда амалий механика фанидан, 2000 йили ихтирочилик асослари, 2003 йили патентшунослик фанидан маъruzалар матни чоп эттирган. Унинг ҳозиргача 105 та илмий ва ўқув-услубий мақолалари хориж ва республика нашрларида чоп этилган. 36 та муаллифлик гувоҳномаси, 6 та илмий ихтиро учун патент олган. Унинг раҳбарлигига 2 та номзодлик диссертацияси ҳимоя қилинган. Ҳозирда «Эгилувчан звеноли кулисли механизмларнинг анализи ва синтези» мавзуси бўйича докторлик диссертацияси устида илмий изланишлар олиб бормоқда.

ҚОСИМЖОН ИШМАТОВ



Қосимжон Ишматов 1946 йил 16 апрелда Андижон вилояти Избоскан туманида туғилган.

1962 йилда тумандаги Алишер Навоий номли ўрта мактабни тугатиб, Наманган давлат педагогика институтига (ҳозирги НамДУ) ўқишига кирган. 1967 йилда мазкур институтнинг физика-техника бўлимини тутатган, 1968—1988 йилларда касбхунар таълими тизимида ўқитувчи, директор ўринбосари, вилоят бошқармасининг етакчи нозири ва вилоят ўқув-услубий идораси директори лавозимларида ишлаган. 1988 йилда мутахассис сифатида Тошкент политехника институтининг Наманган филиалига (ҳозирги НамМПИ) ишта ўтказилган. Институтдаги иш фаолияти даврида катта ўқитувчи, факультет декани ўринбосари ва декани, ўқув бўлими ва ўқув-услубий бўлим бошлиғи лавозимларида ишлади, 2002 йилдан эса педагогик инновациялар марказини бошқариб келмоқда.

Қ. Ишматов 1999 йилда номзодлик диссертацияси ни ҳимоя қилган. У 60 дан зиёд тезис, илмий мақола ва ўқув-услубий ишланмалар муаллифидир. Илгор педагогик технологиялар фанидан ёзган маъruzalар матни «Маърифат» газетасида энг яхши маъruzalар матнлари рўйхатида эълон қилинган. «Педагогик технология» номли ўқув кўлланмаси вазирликнинг Мувофиқлаштирувчи кенгаши томонидан чоп этишга тавсия этилган.

Қ. Ишматов «Ўзбекистон Республикаси халқ таълими аълочиси», «Ўзбекистон Республикаси ҳунар-техника таълими аълочиси» қўйкрак нишонлари ва вазирликнинг бир неча «Фахрий ёрлиқ»лари билан мукофотланган.

АСҚАРАЛИ ЁҚУБОВИЧ ЙЎЛДОШЕВ



Асқарали Ёқубович Йўлдошев 1952 йилда Наманган вилояти Чуст туманидаги Варзик қишлоғида колхозчи оиласида туғилган.

1959 йил Чуст шаҳридаги 13-ўрта мактабга ўқишга кириб, 1969 йилда тамомлаган.

1970—1972 йилларда армия сафида хизмат қилган. 1973—1977 йилларда Тошкент халқ хўжалиги институтининг молия ва кредит мутахассислигини тутатган. 1977—1980

йилларда Асака шаҳар савдо техникуми ўқитувчиси бўлиб ишлаган. 1980 йилда йилда Тошкент халқ хўжалиги институти аспирантурасига молия кредит йўналиши бўйича талабаликка қабул қилинди. 1984 йилда ўқиши тутатиб, институтининг молия кафедрасида асистент лавозимида ишлай бошлади. 1988 йилда «Ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишда молия кредит дастакларининг роли» (Ўзбекистон енгил саноат корхоналари мисолида) мавзусидаги номзодлик диссертациясини Олмаота халқ хўжалиги институтининг илмий кенгашида ёқлади. 1989 йилда Тошкент политехника институтининг Наманган филиалига (ҳозирги НамМПИ) катта ўқитувчи лавозимига ишга қабул қилинди. 1995 йилда институтининг ишлаб чиқариш иқтисодиёти ва уни ташкил этиш кафедраси мудири этиб сайланди. 2000 йил январ ойидан бошлаб молия ва кредит кафедрасига, 2004 йилдан эса молия ва бухгалтерия ҳисоби кафедрасига мудирилик қилмоқда.

1993 йилда Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси унга доцент илмий унвонини берди.

У 60 дан ортиқ илмий ва ўқув-услубий ишлар ҳамда «Молиявий менежмент» (Наманган-2001), «Акциядорлик жамиятларини ташкил этиш ва бошқариш» (Наманган-2001), «Солиқлар ва солиқча тортиш» каби ўқув қўлланмаларини яратган.

1977 йилдан бери молия йўналишидаги фанлардан дарс беради. Дарс машғулотларида илгор педагогик технологиялар ва ўқитишининг интерактив методларидан самарали фойдаланади. У бир неча минтақавий, республика ва халқаро илмий-амалий анжуманларда ўз

маърузалари билан иштирок этган. Ўзбекистон Республикаси бизнес фанлари ўқитувчилари ассоциацияси Наманган бўлими бошлиғидир.

АКБАРАЛИ ҚАМБАРОВ



Акбарали Қамбаров 1934 йил 25 декабрда Наманган вилояти Уйчи тумани Ўнҳаят қишлоғида дәхқон оиласида туғилган.

1945 йилдан 1953 йилгача Ўнҳаят қишлоғидаги 24-болалар уйида тарбияланган. 1953 йилда қишлоқдаги 3-ўрта мактабнинг 10-синфини тамомлаб, Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш инженерлари институтига ўқишига кирган ва уни 1958 йилда тамомлаган.

Меҳнат фаолиятини шу йили Наманган вилояти Уйчи туманидаги машина-трактор станциясида катта муҳандис сифатида бошлаган.

1961 йилда Наманган вилоят қишлоқ хўжалиги бошқармасига ишга таклиф этилган, у ерда ҳудудий нормалаштириш бўлимида муҳандис-раҳбар вазифасида меҳнат фаолиятини давом эттирган.

1966 йили Ўрта Осиё қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва электрлаштириш илмий-тадқиқот институти аспирантурасининг сиртқи бўлимига ўқишига кирган. 1973 йилда «Фарғона водийси шароитида машина-трактор агрегатларининг иш унумига таъсир этувчи омилларнинг тадқиқи» мавзусидаги номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилган ва техника фанлари номзоди илмий даражасига эришган.

1974—1979 йилларда Уйчи туманидаги Охунбобоев номли жамоа хўжалигида бош муҳандис бўлиб ишлаган.

1979 йили Тошкент политехника институти Наманган филиалига (ҳозирги НамМПИ) ишга таклиф қилинган. Илмий-педагогик фаолияти давомида ассистент, катта ўқитувчи, кафедра мудири лавозимларида ишлаб келган. Ҳозирги вақтда транспорт факультети-

нинг автомобиллар, тракторлар ва ўқитиш методикаси кафедрасида доцент лавозимида ишлаб келмоқда.

Олимнинг 60 га яқин илмий ва ўқув-услубий ишлари чоп этилган. У транспорт воситаларининг тузилиши ва назарияси, ва транспорт воситаларининг ички ёнув двигателлари фанлари бўйича ўқув қўлланмалари муаллифиdir.

МУРОДИЛЛА ҚАНОАТОВ



Муродилла Қаноатов 1950 йили Наманган вилояти Янгиқўргон тумани Исковот қишлоғида ишчи оиласида туғилган.

1957 йили Янгиқўргон туманидаги Заркент қишлоғида жойлашган 30-ўрта мактабга ўқишига кириб, 1967 йили мазкур мактабни олтин медаль билан тутатди. Шу йили Тошкент халқ хўжалиги институтининг (ҳозирги ТошДИУ) иқтисодий кибернетика факультетига ўқишига кириб, 1972 йили иқтисодчи-математик мутахассислиги бўйича имтиёзли диплом билан тутатган.

Меҳнат фаолиятини 1972 йили Бутуниттироқ қишлоқ хўжалиги фанлари академиясининг Ўрта Осиё қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти илмий тадқиқот институти Наманган филиалида катта мутахассисликдан бошлаган.

1976—1979 йилларда мазкур институт аспирантурасида таҳсил олди ва 1979 йили таниқли олим, иқтисод фанлари доктори, профессор Ф. Қ. Қаюмовнинг илмий раҳбарлиги остида «Капитал сарфлар ва асосий ишлаб чиқариш фондларининг иқтисодий самарадорлигини ошириш» (Наманган вилояти қишлоқ хўжалиги корхоналари мисолида) мавзусида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди. Илмий кентгаш аъзолари: академик К. И. Лапкин, академик Х. М. Жалилов, профессорлар А. С. Цамутали, В. В. Ким, С. Н. Усмонов ва бошқалар илмий ишга юқори баҳо бердилар.

1979—1986 йилларда юқорида номи келтирилган институтнинг Наманган филиалида бўлим бошлиги бўлиб

ишлади. Наманган вилояти қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг ижтимоий-иқтисодий йўналишларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш, жамoa ва давлат хўжаликларида оиласвий пурратни кўллаш, бухгалтерия ишларини механизациялаш бўйича фаол иш олиб борди.

1986 йили Янгиқўрғон туманидаги «Победа» давлат хўжалигига ишга юборилди ва хўжаликда 1986—1988 йиллар мобайнида бош иқтисодчи вазифасида ишлади.

М. Қаноатов 1988 йили Тошкент политехника институти Наманган филиалига (ҳозирги НамМПИ) ишга таклиф этилди. Олим бу ерда ҳозирга қадар иқтисодиёт назарияси кафедраси мудири, доценти вазифасида ишлаб келмоқда.

У 60 дан ортиқ илмий мақолалар, қўллланмалар ва ўқув-услубий ишлар муаллифи.

САЛОМАТХОН ИСАБОЕВНА КАРИМБОЕВА



Саломатхон Исабоевна Каримбоеva 1948 йил 24 июнда Наманган вилояти Янгиқўрғон тумани Нанай қишлоғида деҳқон оиласида туғилган. 1956 йили Заркент қишлоғида ги 30-ўрта мактабнинг 1-синфига ўқишига кириб, 1966 йилда 10-синфни тамомлаган. 1966-1967 йилларда Андижон бухгалтерлар тайёрлаш мактабида таҳсил олган. 1967—1971 йилларда Заркент боф-узумчилик совхози бошқарув тизимида масъул вазифада ишлади. У 1968 йил Моск-

вада бўлиб ўтган ёшлар фестивалида иштирок этган. Шу билан бирга 1970 йил Республика қишлоқ хўжалиги ходимлари курултойига делегат этиб сайланди. Саломат Исабоевна ишдан ажralмаган ҳолда 1969-1975 йилларда Тошкент давлат университетининг тарих факультетида таҳсил олди. 1975—1979 йилларда Наманган шаҳридаги 16- ва 11-мактабларда тарих фани ўқитувчisi бўлиб ишлаган.

1979 йилдан ТошПИнинг Наманган филиалида (ҳозирги НамМПИ) ижтимоий фанлар кафедрасида

кабинет мудири сифатида иш бошлаган. 1981 йилдан асиссен, 1986 йилдан катта ўқитувчи бўлиб ишлаш билан бирга, тарих фанлари доктори, профессор Г.И. Желтова раҳбарлигига Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтининг «Ватан тарихи» кафедрасида илмий изланишлар олиб борган. 1991 йилда «Ватан тарихи» ихтисослиги бўйича «Чор Россияси-нинг Ўрта Осиёни босиб олиши ва унинг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий оқибатларининг тарихий адабиётларда ёритилиши муаммолари» мавзусида номзодлик диссертациясини ТошДУнинг Ихтисослашган илмий қенгашида муваффақиятли ҳимоя қилган. 1993 йилдан Ўзбекистон тарихи кафедрасида катта ўқитувчи, 1994 йилдан доцент лавозимларида ишлаган. Ҳозирда Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти кафедрасида доцент лавозимида ишлаб келмоқда.

С.Каримбоева 30 дан ортиқ илмий, ўқув-услубий мақолалар муваллифи. У республика миқёсидаги илмий-амалий анжуманларда ва маҳаллий матбуот нашрларида ўзининг илмий мақолалари билан фаол иштирок этиб келмоқда.

Олима институт хотин-қизлар қенгаши раиси сифатида катта ташкилотчилик ва тарбиявий ишлар олиб бормоқда.

ПАЗЛИДДИН КАРИМОВ



Пазлиддин Каримов 1952 йил 25 декабрда Наманган вилояти Наманган туманидаги Кичик Қурара қишлоғида ишчи оиласида туғилган.

1967 йили Наманган туманидаги А. Навоий номли 11-саккиз йиллик мактабни, сўнгра тумандаги М. Шайхзода номли 3-ўрта мактабни битирган.

1970 йили Самарқанд давлат университетига ўқишга кириб, 1975 йили университетнинг механика-математика факультетини тамомлаган.

Иш фаолиятини 1975 йилда Задарё (ҳозирги Минг-

булоқ) туманиндағи 15-мактабда ўқитувчиликдан бошлаган.

1976—1989 йилларда ўқитувчилик фаолиятini Наманган туманиндағи 21-үрта мактабда давом эттириди.

1989—1992 йилларда ЎзФА «Кибернетика» илмий ишлаб чиқариш бирлашмасининг Кибернетика илмий-текшириш институтида мұхандис, сұнгра илмий ходим бўлиб ишлаш билан бирга илмий изланишлар олиб борди.

П. Каримов 1991 йили профессор Н. А. Мўминов раҳбарлигига «Бошқариладиган технологик объект енгил автоматлаштирилган участкаларни самарали танлашни баҳолаш учун математик моделларни ишлаб чиқиш ва тадқиқ этиш» мавзусида номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилиб, техника фанлари номзоди илмий даражасини олди.

1992 йилдан Наманган саноат-технология институтининг (ҳозирги НамМПИ) информатика ва АТ кафедрасида катта ўқитувчи лавозимида талабаларга билим бериш билан бирга механика факультети деканининг тарбиявий ишлар бўйича, кейинчалик иқтисодиёт факультети деканининг ўқув ишлари бўйича муовини лавозимларида фаолият кўрсатди.

1994—1998 йилларда компьютер маркази бошлиғи лавозимида ишлаб, институт компьютер паркининг сифати ва миқдорининг ортишига муносиб ҳисса қўшиди.

1998 йилдан бўён информатика ва ахборотлар технологияси кафедрасида доцент лавозимида фаолият юритмоқда

П. Каримов меҳнат фаолияти давомида 20 дан ортиқ илмий мақола, 25 дан ортиқ ўқув-услубий қўлланмалар тайёрлаб чоп эттирган. Шу жумладан, 2003 йили доцент С. Ирисқұлов ва катта ўқитувчи А. Исабоевлар билан ҳаммуалифликда касб-хунар колледжлари учун дастурлаш фанидан тайёрлаган ўқув қўлланмаси айни чогда колледжларда таълим жараёнига кенг жорий этилган.

АБДУЛМАЛИК ҲАМИДОВИЧ ҚАЮМОВ



Абдулмалик Ҳамидович Қаюмов 1962 йил 20 августда Наманган вилояти Поп шаҳрида хизматчи оиласида туғилган. 1969—1979 йилларда Поп шаҳридаги 1-ўрта мактабда ўқиган. 1979—1985 йилларда Наманган шойи газламалар комбинатида слесарь бўлиб ишлаган ва ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти Наманган филиалининг (ҳозирги НМИИ) кечки бўлимида ўқиган. 1985—1988 йилларда мазкур филиалда асистент лавозимида ишлаган.

1989—1991 йилларда Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти аспирантурасида таҳсил олган.

1994 йилда техника фанлари доктори профессор А. П. Парпиев раҳбарлигида «Қури тувчи агентнинг температурасини оптималлаш йўли билан чигитли пахтанинг компонентларини бир текис қуритиш» мавзусида номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилган.

1992—1998 йилларда Наманган мұхандислик-иқтисодиёт институтида асистент лавозимида ишлаган. 1999 йилдан Наманган мұхандислик-педагогика институти машинасозлик технологияси кафедрасида доцент, кафедра мудири, 2003 йилдан агромухандислик факультети декани лавозимида ишлаб келмоқда.

А. Х. Қаюмов Тошкент давлат техника университети профессори Ж. Е. Алиқулов ва Фарғона политехника институти профессори А. Мирзаевлар билан ҳамкорликда металларга механик ишлов бериш режимини оптималлаш бўйича илмий-тадқиқот ишларини бажармоқда. Ушбу йўналиш бўйича З нафар магистрант унинг раҳбарлигида магистрлик диссертацияларини ҳимоя қилди.

Тармоқ машинасозлик технологияси фанидан ёзган маъruzalar матни республика олий ўқув юртлари ўртасида ўтказилган танловда иштирок этган ва талабаларга фойдаланиш учун тавсия қилинган.

А. Х. Қаюмов А. 25 та илмий мақола, 30 дан зиёд ўқув-услубий кўрсатмалар чоп эттирган. Шунингдек, у 4 та ихтироси учун муаллифлик гувоҳномаси олган.

Олимнинг 2003 йилда доцент Омиров А. билан ҳамкорликда тайёрланган «Машинасозлик технологияси» ўқув қўлланмаси чоп этилган.

ШУКУРЖОН ШАРИПОВИЧ КЕНЖАБОЕВ



Шукуржон Шарипович Кенжабоев 1962 йил 23 августда Андижон (ҳозирги Наманган) вилояти Янгиқўргон тумани Кушон қишлоғида ишчи оиласида туғилган.

1980 йилда Чортот туманиндағы 41-ўрта мактабни олтин медаль билан битириб, шу йили Тошкент политехника институтига ўқишига қабул қилинди. 1985 йил институтнинг трактор ва қишлоқ хўжалиги машинасозлиги факультетини «Куюв ишлаб чиқариш машиналари ва технологияси» мутахассислиги бўйича тамомлаган.

Меҳнат фаолиятини 1985 йили Наманган шаҳридағи хўжаликлараро ғишт заводлари бошқармасидаги ремонт-механика цехида механиклиқдан бошлаган.

1991 йилда ЎзФА Механика ва иншоотлар сейсмик мустаҳкамлиги институти аспирантураси кундузги бўлимига ўқишига қабул қилинган.

1994 йил аспирантурани тамомлаб, мазкур институтнинг машина ва механизmlар назарияси лабораториясида илмий ходим лавозимида ишлаган.

Илмий-тадқиқот ишларини ниҳоясига етказгач, мазкур институтнинг Ихтисослашган кенгашида 1995 йили «Машина ва механизmlар назарияси» мутахассислиги бўйича «Эгилувчан звеноси бўлган кулисли механизmlар параметларини ишлаб чиқиш ва асослаш» мавзусидаги номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди ва техника фанлари номзоди илмий даражасига сазовор бўлди. Илмий ишлари ҳозиргacha яхши ўрганилмаган янги турдаги механизmlарнинг назарий тадқиқига бағишиланган. Илмий раҳбари бошчилигида 20 дан ортиқ шундай механизmlарни яратишда иштирок этган.

1994 йилдан Наманган муҳандислик-педагогика институтida иш бошлаган.


Ш. Ш. Кенжабоев конструкцион металлар техноло-

гияси, техник ижодкорлик ва дизайн, кесувчи асбоблар ва шаклланиш жараёнлари, кесувчи асбобларни лойиҳалаш назарияси фанларидан маъruzалар матни, Олий ва ўрта-максус таълим вазирли томонидан касбхунар коллежлари учун ўкув қўлланма сифатида тавсия этилган «Фрезаловчи учун маълумотнома» номли китоб муаллифидир.

60 дан ортиқ илмий-услубий ишлар, 16 та ихтиро учун муаллифлик гувоҳномаси, 1 та Ўзбекистон Республикаси ва 3 та Россия Федерацияси патентига эга. 2003 йил «Фан» нашриётида докторлик диссертацияси мавзуси бўйича илмий-тадқиқот натижаларини ўз ичига олган монографияси чоп этилди.

Айни чорда у машинасозлик факультети деканинг ўкув ишлари бўйича муовини лавозимида ишламоқда.

ҲУСНИДДИН ТУРГУНБОЕВИЧ ҚИРҒИЗОВ



Ҳусnidдин Тургунбоевич Қирғизов 1966 йил 5 декабрда Наманган вилояти Уйчи тумани Уйчи қишлоғида хизматчи оиласида туғилган.

1974—1984 йилларда тумандаги 26-ўрта мактабда ўқиган. Меҳнат фамилиятини 1984—1985 йилларда Уйчи туман алоқа бўлимида ишлаш билан бошлаган.

1985—1987 йилларда ҳарбий хизматни ўтаган.

1988—1989 йилларда Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтининг тайёрлов бўлимида ўқиган ва институтга ўқишига кирган.

Институтни 1994 йилда «Гидромелиорация ишларини механизациялаш» ихтисослиги бўйича муваффақиятли тамомлаб, Уйчи тумани қишлоқ ва сув хўжалиги бирлашмасида техник вазифасида ишлаган.

1996—1998 йилларда Ўзбекистон қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва электрлаштириш илмий-тадқиқот институти аспирантурасининг кундузги бўлимида таҳсил олган.

1999—2002 йиллар давомида юқоридаги институт-

нинг «Сугоришни механизациялаш» секторида илмий ходим лавозимида ишлаган.

2000 йилда Ўзбекистон қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва электрлаштириш илмий-тадқиқот институти қошидаги Ихтисослаштирилган илмий кенгашида «Такрорий озуқа экинларини экиш учун турроққа йўл-йўл ишлов берувчи ишчи аъзолар ўлчамларини асослаш» мавзусида номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди ва техника фанлари номзоди илмий даражасини олди.

2002—2003 йилларда Наманган мұхандислик-педагогика институтида катта ўқитувчи, факультет декани мувовини бўлиб ишлади.

2003 йилдан машинасозлик факультети технологик машина ва жиҳозлар кафедрасида доцент вазифасини бажарувчи лавозимида фаолият кўрсатмоқда.

Ҳ.Т.Қирғизов 20 дан ортиқ илмий-услубий мақолалар муаллифи ва 3 та муаллифлик ихтироси соҳибидир.

ОЛИМЖОН ҚОДИРОВ



Олимжон Қодиров 1942 йил Наманган вилояти Норин тумани Норинкапа қишлоғида туғилган. У 1959 йил ўрта мактабни тутатгач, Фарғона давлат педагогика институти физика-математика факультетининг физика бўлимига ўқишига кирган. 1965 йилда институтни муваффақиятли тамомлаб, Наманган давлат педагогика институтининг физика кафедрасида меҳнат фаолиятини бошлаган. Дастлаб кафедрада катта лаборант, мұхандис-физик ва 1969 йил Тошкент давлат педагогика институтининг назарий физика кафедрасида стажёр-тадқиқотчи, 1971 йилдан эса шу кафедрада аспирант сифатида илмий тадқиқот ишлари билан шуғулланган.

1974 йилдан Наманган давлат педагогика институти физика кафедрасида ўқитувчи, 1979 йилдан бошлаб Тошкент политехника институтининг Наманган филиалининг (ҳозирги НамМПИ) физика кафедрасида

ўқитувчи, катта ўқитувчи ва доцент вазифаларида ишлаб келмоқда.

О. Қодировнинг техника олий ўқув юрти талабалири учун «Физика курси» (механика ва молекуляр физика қисми) ўқув кўлланмаси 1993 йил Тошкентда «Ўқитувчи» нашриётида чоп этилган бўлиб, ҳозирда республика миқёсида талабалар ундан кенг фойдаланмоқдалар.

Олий ўқув юртлариаро илмий-услубий бирлашмалар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Кенгаш Президиумининг 2002 йил 12 октябрдаги 29-сонли қарорига кўра О. Қодировнинг «Физика курси» (механика ва молекуляр физика қисми) ва А. Бойдедаев билан ҳамкорликда ёзган «Физика курси» (квант физика қисми) ўқув кўлланмалари нашр қилишга тавсия қилинган.

О. Қодировнинг бир неча илмий, илмий-услубий, тадқиқот ишлари хорижий мамлакатлар ва республикамизнинг нуфузли илмий журналларида чоп этилган ҳамда халқаро, республика миқёсидаги анжуманлар тўпламларида эълон қилинган.

О. Қодиров томонидан тайёрланган «Физика фанидан муаммоли маъruzалар матни» институтда ўтказилган танловда голиб деб топилди.

Шунингдек, О. Қодиров 30 дан ортиқ илмий-услубий ишлар муаллифидир.

ШАВКАТБЕК МАҲМУТОВИЧ ҚОДИРОВ



Шавкатбек Маҳмутович Қодиров 1948 йил 9 декабрда Қирғизистон Республикаси Ўш шаҳрида туғилган.

1966 йилда Ўш шаҳридаги 21-урта мактабни тамомлаб, 49-автобазада чилангар бўлиб иш бошлади.

1967—1969 йилларда ҳарбий хизматда бўлган.

1970 йилда Тошкент давлат университетининг физика факультетига ўқишига кириб, 1975 йилда ўқишини тамомлadi ва йўлланма асосида Ўзбекистон Республикаси ФАнинг Электроника институтига муҳандис лавозимида иш бошлади.

1979 йилдан Тошкентдаги «Фотон» ишлаб чиқариш фирмасида муҳандис бўлиб ишлади.

1980 йилдан Тошкент политехника институтининг Наманган филиалининг (ҳозирги НамМПИ) «Чизмачилик ва чизма геометрия» кафедрасида катта лаборант, 1981 йилдан физика кафедрасида асистент лавозимида фаолият олиб борди.

1983 йилдан 1984 йилгacha Ленинграддаги (Санкт-Петербург) А. Ф. Иоффе номли физика-математика институтига илмий-тадқиқотчи сифатида изланишлар олиб борди. 1984 йилдан Тошкент политехника институтининг Наманган филиалининг (ҳозирги НамМПИ) физика кафедрасига асистент лавозимига ишга қайти.

Кафедрада мустақил изланувчи-тадқиқотчи сифатида «Олий мактабда ўқитишининг интеграцион шакли бўлган якка-гуруҳ усулларининг педагогик асослари» мавзусида илмий иш олиб бориб, 1991 йилда Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтига (ҳозирги ТошДПУ) номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди. 1994 йилдан доцент вазифасини бажарувчи бўлиб ишлади.

1996—1999 йилларда Наманган «Мехмаш» ҳиссадорлик жамиятида муҳандис-технолог лавозимида иш олиб борди.

1999 йилдан ҳозирга қадар Наманган муҳандислик-педагогика институтига педагогика ва педагогик технология кафедрасида доцент вазифасини бажарувчи, 2001 йилдан малака ошириш ва қайта тайёрлаш факультетида декан лавозимида фаолият кўрсатмоқда.

Олим педагогик маҳорат ва янги педагогик технологиялар ҳамда магистратура талабалари учун маҳсус фанларни ўқитиши методикаси фанларидан бир неча маъруза матнлари тайёрлаб чоп эттирган.

У 20 дан ортиқ илмий-услубий мақолалар муаллифидир. 2004 йилда Малайзия давлатида илмий сафарда бўлиб, ўз малакасини ошириб келди.

ХАДИЧА ТҮРАЕВНА ҚОДИРОВА



Хадича Тұраевна Қодирова 1964 йил 15 мартда Наманган шаҳрида ишчи оиласида туғилған.

1971 йилда шаҳардагы 31-үрта мактабга ўқишигә кириб, 1981 йили уни олтин медаль билан тутаттан. Шу йили Тошкент халқ хўжалиги институти (ҳозирги ТошДИУ)нинг «Савдо иқтисоди» мутахассислигига ўқишигә кириди ва уни 1985 йилда тамомлади.

Меҳнат фаолиятини 1985 йилда Наманган вилояти савдо бошқармасида товаршунос сифатида бошлиади.

У 1999 йилгача шу бошқармада товаршунос, иқтисодчи ва режа бўлими бошлиги вазифаларида ишлади.

1999—2002 йилларда Наманган муҳандислик-педагогика институти аспирантурасининг сиртқи бўлимида академик М. Ш. Шарифхўжаев раҳбарлигига таҳсил олди ва 2002 йили Ўзбекистон Республикаси Молия-банк академиясининг маҳсус кенгашида «Молия бозорини такомиллаштиришнинг айрим масалалари» мавзусида «Молия, пул муомаласи ва кредит» соҳаси бўйича номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди ва иқтисод фанлари номзоди илмий даражасига эга бўлди.

1999 йилда Наманган муҳандислик-иқтисодиёт институтининг молия кафедрасида катта ўқитувчи лавозимида иш бошлиди. 2002 йилдан бошлаб доцент вазифасини бажарувчи лавозимида ишлаб келмоқда.

Х. Т. Қодирова ҳозиргача 24 та илмий ва 7 та услубий ишларни чоп эттирган. Улардан «Фонд бозорида банкларнинг фаолияти», «Суғурта бозорини такомиллаштириш», «Ҳиссадорлик жамиятлари фаолиятини тақомиллаштириш», «Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида муниципиал облигацияларни амалга киритиш зарурлиги» каби мавзулардаги илмий-тадқиқот натижалари нафақат республикамизда, шунингдек, Россия, Қозогистон ва Қирғизистон давлатларида ҳам чоп этилган. Шу билан бирга улар республика Давлат мулк қўми-

таси ва унинг Наманган бўлимида қуллаш учун тавсия этилган.

Олима ҳозирги кунда академик М. Ш. Шарифхўжаев раҳбарлигига «Молия бозорини такомиллашириш» мавзусидаги докторлик диссертацияси бўйича изланишлар олиб бормоқда.

«Молия бозори ва қимматли қофозлар» ва «Молия-вий менежмент» фанлари бўйича ёзилган ўқув қўлланмалари олий ўқув юртлари ва касб-хунар коллежлари талабаларига дарс ўтиш жараёнида қўлланилмоқда.

Х. Т. Қодирова фаол жамоатчи ҳамдир. У институт хотин-қизлар қўмитаси аъзоси ва вилоят «Олима аёллар» уюшмаси фаолларидан биридир.

ҲАСАН ЮСУПОВИЧ МАВЛОНОВ



Ҳасан Юсупович Мавлонов 1965 йил 11 сентябрда Наманган тумани Тошбулоқ қишлоғида хизматчи оиласида туғилган. 1982 йилда Наманган туманидаги 23-ўрта мактабни тугатгач, Тошкент давлат университетининг физика факультетига ўқишга кирди. 1983—1985 йилларда ҳарбий хизматни ўтади ва 1989 йилда ушбу университетни квант радиофизикаси ихтисослиги бўйича тугатди.

Иш фаолиятини 1989 йилда ТошДУ йўлланмаси бўйича Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Электроника илмий-текшириш институтида илмий-тадқиқотчи лавозимида бошлади.

1990 йилдан ТошПИнинг Наманган филиалининг (ҳозирги НамМПИ) физика кафедрасида ўқув лабораторияси мудири вазифасида иш бошлади.

1991 йилдан Россия Фанлар академиясининг Санкт-Петербург шаҳридаги А.Ф.Иоффе номидаги физикатехника илмий-текшириш институтида стажёр-тадқиқотчи сифатида илмий ишларини давом эттириди. У бу даврда илмий-текшириш институтининг таникли олим-

лари билан ҳамкорликда мақолалар чоп этди ва институт илмий семинарларида фаол иштирок этди.

1992 йилда мазкур институт аспирантурасининг кундузги бўлимига ўқишига қабул қилинди.

1996 йилда «Аралашмали аморф кремнийда дефект зичликлари» мавзусида номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди ва унга физика-математика фанлари номзоди илмий даражаси берилди.

Х. Ю. Мавлоновнинг илмий ишлари «Ярим ўтказгичлар физикаси ва техникаси», «Қаттиқ жисмлар физикаси» журналларида ҳамда МДҲ мамлакатлари (1994 й.) ва Францияда (1995 й.) ўтказилган илмий анжуманлар тўпламларида чоп этилди.

1997 йилдан Намангандаги мұхандислик-педагогика институтида катта ўқитувчи, 2002 йилдан доцент вазифасини бажарувчи лавозимида ишлаб келмоқда.

Х.Ю.Мавлонов 20 дан ортиқ илмий-услубий ишлар муаллифиидир.

КОМИЛ ҲАМИДОВИЧ МАДУМАРОВ



Комил Ҳамидович Мадумаров 1956 йил 25 июлда Намангандаги вилояти Норин тумани Ҳаққулобод шахрида ишчи оиласида туғилган. 1963-1973 йилларда тумандаги Навоий номли 67-ўрта мактабда ўқиган. 1973-1981 йилларда Тошкент политехника институтининг Ангрен шаҳридағы кечки умумтехника факультетида ўқиб, саноат ва фуқаро қурилиши ихтисослигини зэгаллади. Шу йиллар ичida Ангрен шаҳридаги «Ўзбекшахтстрой» трестида дурадгор, «Ўзбекзолото» трестида машинист бўлиб меҳнат қилди.

1975—1977 йилларда ҳарбий хизматни ўтади.

1981 йил сентябрь ойидан ТошПИнинг Намангандаги филиалида (ҳозирги НамМПИ) чизма геометрия ва мұхандислик графикаси кафедрасида асистент ва шу билан биргаликда 1983—1987 йилларда талабалар касаба уюшмасининг раиси вазифасида фаолият кўрсатди.

1987—1990 йилларда Тошкент темир йўл инженерлари институтининг графика кафедрасида кундузги аспирантурада таҳсил олди.

1990 йилдан 2000 йилгача Наманган мұхандислик-педагогика институтининг чизма геометрия ва чизмачилик кафедрасида катта ўқитувчи лавозимида ишлади.

1994 йилда чизма геометрия ва мұхандислик графикаси ихтисоси бўйича «Машина ва механизмларнинг эгилувчан қисмларини винт ҳалқа сирти шаклида лойиҳалаш ва асослаш» мавзусида номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди.

2000 йилда чизма геометрия ва мұхандислик графикаси фанидан «Ёйилмалар» (А. Ақбаров билан ҳаммуаллифликда) номли ўкув қўлланмасини чоп эттириди. Шу йил сентябрдан бошлаб Наманган мұхандислик-педагогика институтининг чизма геометрия ва мұхандислик графикаси кафедраси мудири бўлиб ишлаб келмоқда.

К. Ҳ. Мадумаров 30 дан ортиқ методик ва илмий ишлар муаллифидир. Унинг ҳамкаслари билан тайёрлаган чизма геометрия фанидан маъruzalар матни республика «Маърифат» газетасида зълон қилинган энг яхши маъruzalар матнлари қаторидан жой олди.

К. Ҳ. Мадумаров касб-хунар коллажлари билан доимий алоқада ишлаб келади. Касб-хунар коллежи талабалари учун чизмачилик фанидан 6 та услубий кўрсатма ва 2 та ўкув қўлланмаси чоп эттирган. Касб-хунар коллежлари ўқитувчилари билан ҳамкорликда илмий ишлар олиб бормоқда.

2004 йилда чизмачилик фанидан «Йигма бирлик чизмаларини ўқиш ва деталлаштириш учун чизмалар альбоми» номли ўкув қўлланмасини «Ўқитувчи» нашриётида чоп эттириди.

УСМОНАЛИ МАМАДВАЛИЕВИЧ МАМАДАЛИЕВ



Усмонали Мамадвалиевич Мамадалиев 1959 йил 10 январда Наманган вилояти Наманган тумани Қоратепа қишлоғида туғилған.

1981 йилда Тошкент политехника институтининг қурилиш факультетини тамомлаб, мазкур институттинг Наманган филиалига (ҳозирги НамМПИ) ишга келди. 1992 йилгача ассистент лавозимида фаолият күрсатди.

1992—1996 йилларда Ўзбекистон Фанлар академияси қошидаги Механика ва иншоотлар сейсмик мустаҳкамлиги илмий-текшириш институти аспирантурасининг сиртқи бўлимида таҳсил олди. Қурилиш механикаси ихтисослиги бўйича «Айлана кесимли метрополiten туннелларида поездлар ҳаракатидан ҳосил бўладиган динамик жараёнларни тадқиқ этиш» номли мавзуда илмий изланишлар олиб борди. 1998 йил Ўзбекистон Фанлар академиясининг Самарқанд филиали қошидаги ихтисослаштирилган кенгашда номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди.

1998 йилдан 2002 йилгача институт илмий бўлими мудири вазифасида, 2002 йилдан бошлаб материаллар қаршилиги ва қурилиш механикаси кафедрасида доцент вазифасини бажарувчи лавозимида фаолият кўрсатиб келмоқда.

Педагогик ва илмий фаолиятини уйғун ҳолатда олиб бориши натижасида у кўплаб ижобий натижаларга эришмоқда. Республика миқёсида чоп этиладиган «Механика муаммолари», Фаргона политехника институти қошида ташкил этилган «Ҳабарлар» ва республика илмий журналларида ҳамда «Вопросы динамики сопоружений и надежности машин» илмий тўплами ва бошқа нашрларда чоп этирилган 22 та илмий мақола, ўз соҳаси бўйича нашр килинган 20 дан зиёд услубий ишлар шулар жумласидандир.

Бундан ташқари, У. М. Мамадалиев ўз маърузалари билан халқаро, республика ва минтақа миқёсидаги илмий анжуманларда ҳам мунтазам иштирок этиб келмоқда.

ЛАТИФЖОН МАМАЖОНОВ



Латифжон Мамажанов 1951 йил 20 апрелда Учқўрғон тумани Норин қишлоғида таваллуд топган.

Ўрта маълумотни Наманган шаҳридаги 11-ўрта мактабда олган. Кимёфанига қизиқиш ўқувчилик йилларида бошланган. Ушбу фан бўйича уч йил давомида собиқ Бутуниттифоқ олимпиадаси совриндори бўлган.

1969—71 йилларда ҳарбий хизматни ўтаб, 1972 йилда Андижон давлат педагогика институтининг кимё-биология факультетига ўқишига кирган ва 1977 йилда муваффақиятли тугатган.

1977—1978 йилларда Наманган шаҳридаги 16-ўрта мактабда кимё фани ўқитувчиси бўлиб ишлаган. Илмга бўлган интилиш уни 1978 йилда Ўзбекистон Фанлар академиясининг Биокимё илмий-тадқиқот институтига етаклади.

Бу илм даргоҳида у дастлаб тадқиқотчи-шогирд, аспирант, муҳандис вазифаларида ишлаб, ўқиди. Илмий изланишлари биокимё, биофизика, физик-кимё каби фан соҳаларининг туташув чегарасида олиб борилди.

1985 йилда номзодлик диссертациясини ёқлаб, биология фанлари номзоди илмий даражасини олди. Шу йилдан бошлаб Наманган давлат педагогика институти қошида фаолият кўрсатган марказий илмий-тадқиқот институтларининг «Масоғавий ташҳис лабораторияси»да катта илмий ходим вазифасида ишлай бошлади.

Шу даврда марказий нашрларда бир қанча илмий мақолалар чоп эттириди ва иккита ихтиро муаллифи бўлди. 1992—1996 йилларда Наманган давлат университетида, 1996 йилдан вилоят ўқитувчилар макаласини ошириш институтида доцент вазифасида меҳнат қилди.

2003 йилдан Наманган муҳандислик-педагогика институтининг озиқ-овқатлар технологияси кафедрасида ишлаб келмоқда. Шу давр ичida олим «Консерв маҳсулотлари микробиологияси», «Хом ашё ва тайёр

маҳсулотлар микробиологияси», «Мева-сабзавотлар сақлашнинг биокимёвий ва микробиологик асослари» каби ўқув-услубий қўлланмалар тайёрлаб чоп эттириди.

КАМОЛИДДИН ЖЎРАБОЕВИЧ МАТКАРИМОВ



Камолиддин Жўрабоевич Маткаримов 1968 йил 20 майда Наманган вилояти Косонсой тумани Кўқимбой қишлоғида туғилган.

1985 йилда Косонсой туманидағи 31-ўрта мактабни тамомлаб, шу йили Тошкент политехника институтининг Наманган филиалига (ҳозирги НамМПИ) ўқишига кирган ва 1993 йилда «Автомобиль транспорти эксплуатацияси ва таъмири» мутахассислигини имтиёзли диплом билан тамомлаган.

1986—1989 йилларда ҳарбий денгиз флотида хизматда бўлган. 1993 йилнинг август ойидан бошлаб Наманган муҳандислик-педагогига институтида ассистент, катта ўқитувчи, доцент вазифасини бажарувчи лавозимларида ишлади ва ҳозирги кунда автомобиллар, тракторлар ва ўқитиш методикаси кафедраси мудири вазифасида ишламоқда.

1998 йилда Америка Кўшма Штатларининг «Нью Пальцы» коллежида малака оширишда бўлган.

2002 йилда «Микроиқтисодиёт» мутахассислиги бўйича «Автотранспорт—йўл мажмуаси корхоналарининг ишлаб чиқариш харажатларини аниқлаш услибиёти» мавзусида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган.

У олий ўқув юртларининг иқтисодиёт факультети талабалари учун «Ташкилот ва ташкилий бошқариш назарияси» номли дарслик ва касб-ҳунар колледжлари учун «Автомобилларда ишлатиладиган ашёлар» номли ўқув қўлланмаси муаллифидир. Илмий-педагогик фаолияти мобайнида 50 дан зиёд илмий мақола ва услубий кўрсатмалар ёзган ҳамда 4 та ихтиро учун Ўзбекистон Республикаси патенти муаллифидир.

Ҳозирги пайтда «Автотранспорт—йўл мажмуаси кор-

хоналарининг самарадорлигини ошириш масалалари» мавзусидаги монография устида иш олиб бормоқда.

БАҲРИДДИН ЖЎРАЕВИЧ МАҲМУДОВ



Баҳриддин Жўраевич Маҳмудов 1966 йил 23 марта Наманган вилояти Чуст тумани Олмос қишлоғида хизматчи оиласида туғилган.

1973 йилдан тумандаги 20-урта мактабда ўқиди ва 1983 йилда имтиёзли аттестат билан тамомлади. Шу йили Тошкент политехника институтининг механика факультетига «Гидромелиоратив ишларни механизациялаштириш» мутахассислиги бўйича ўқишига кирди. 1988 йилда институтни имтиёзли диплом билан тутатиб, муҳандис-механик мутахассислигига эга бўлди.

Меҳнат фаолиятини 1989 йил февраль ойидан ТошПининг Наманган филиалининг (ҳозирги НамМПИ) «Қурилиш ва мелиоратив машиналари» кафедрасида асистент лавозимида бошлаган. 1993 йилдан автомобиль транспортидан фойдаланиш ва уни таъмирлаш кафедрасида катта ўқитувчи, 1997 йил июль ойидан шу кафедрада доцент лавозимида ишлади.

1994 йилда илмий изланишларни муваффақиятли якунлаб, ЎзФА «Кибернетика илмий ишлаб чиқариш бирлашмасида «Ижтимоий ва иқтисодий тизимларда бошқарув» мутахассислиги бўйича диссертация ёқлаб, иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олишга эришди.

Институт раҳбарияти Б.Ж. Маҳмудовдаги ташкилотчилик қобилиятини илғаган ҳолда 1997 йилдан уни иқтисодиёт факультетининг декан мувонини вазифасига тайинлади. Шу йилнинг сентябрь ойидан бошлаб эса механика факультети декани этиб тайинлади. Ҳозирги пайтда у транспорт факультети декани лавозимида ишлаб келмоқда.

Кўпгина халқаро ва республика миёсидаги илмий-анжуманларда фаол қатнашади. Илмий-педагогик фаолияти давомида автотранспорт — йўл мажмуаси корхоналари ишини ташкил этиш ва бошқариш, шунинг-

дек, автотранспорт фанларини ўқитишни такомиллаштириш бўйича 70 дан ортиқ илмий ва ўқув-услубий ишлар, шу жумладан 1 та монография, 1 та дарслик ва 1 та ўқув қўлланмаси муаллифидир.

Хозирги кунда «Микроиқтисодиёт мутахассислиги бўйича «Йўл — транспорт мажмуаларида материал ресурсларини тежашни такомиллаштиришнинг иқтисодий муаммолари» мавзусидаги докторлик диссертациясини ҳимояяга топширган.

ЗОКИРЖОН СОТИВОЛДИЕВИЧ МАҲМУДОВ



Зокиржон Сотиволдиевич Маҳмудов 1956 йил 25 октябрда Наманган вилояти Норин тумани Чўжа қишлоғида ўқитувчи оиласида туғилган.

1964—1974 йиллари қишлоқдаги 37-ўрта мактабда таълим олган. Мехнат фаолиятини Уйчи туманидаги «Гулистон» давлат хўжалигига ишчиликдан бошлаган.

1975 йили Тошкент давлат университети «Амалий математика ва механика» факультетига ўқишга кириб, уни 1980 йили мубаффақиятли тутатган ва йўлланма асосида ТошПИнинг Наманган филиалига (хозирги НамМПИ) ишга юборилган. Дастреб тайёрлов бўлимида математика фани ўқитувчиси, 1982 йилдан 1991 йилгача умуммуҳандислик фанлари кафедрасида ассистент лавозимида ишлади. 1991 йили ЎзФА Механика ва иншоотлар сейсмик зилзилабардошлиги институти аспирантурасининг кундузги бўлимида таҳсил олди. Академик Я. Н. Мубораков ва профессор К. С. Султонов раҳбарлигига илмий-тадқиқотлар олиб бориб, 1995 йил январда «Тупроқ билан турили хил ўзаро таъсир қонунлари остидаги узун ер ости иншооти динамикаси» мавзусида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди. Илмий ва педагогик соҳалардаги ишлари натижаси ўлароқ унга 2000 йилда доцент илмий унвони берилди.

1994 йилдан институтнинг материаллар қаршилиги ва курилиш механикаси кафедрасида катта ўқитувчи, доцент лавозимларида ишлаб келмоқда. Унинг ҳамму-

аллифликда тайёрлаган «Назарий механика. Назорат топшириқлари ва услубий күрсатмалар» номли ўкув қўлланмаси босмахонага топширилди. З. С. Маҳмудов томонидан 30 дан ортиқ илмий-услубий ишлар чоп эттирилган.

1995—1999 йилларда механика факультети деканинг ўкув ишлари бўйича ўринбосари, 1999—2001 йилларда институт ўкув бўлими бошлиги, 2001—2004 йилларда академик лицей, касб-хунар коллежлари ва маркетинг хизмати бўйича 1-проректор лавозимларида ишлаш мобайнида институт илмий салоҳиятига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшган.

З. С. Маҳмудов айни чоғда материаллар қаршилиги ва қурилиш механикаси кафедраси доценти сифатида қизғин илмий-педагогик фаолият олиб бормоқда.

МАҲМУДЖОН МЕЛИБОЕВ



Махмуджон Мелибоев 1951 йилнинг 12 октябрида Наманган вилояти Косонсой тумани Кўқимбой қишлоғида туғилган.

1959—1969 йилларда тумандаги А.Қодирий номли 22-ўрта мактабда ўқиган.

1969—1970 йилларда «Кўқимбой» давлат хўжалигига ишчи бўлиб ишлаган.

1970—1972 йилларда ҳарбий хизматни ўтаган.

1973 йили Тошкент политехника институтининг (ҳозирги ТошДТУ) механика факультетига ўқишга кириб, 1978 йилда муваффақиятли тамомлади.

1978 йилдан Наманган вилояти Косонсой тумандаги «Кўқимбой» жамоа хўжалигига марказий таъмирлаш устахонаси мудири вазифасида ишлади.

1984 йилдан ТошПИнинг Наманган филиалида (ҳозирги НамМПИ) илмий педагогик фаолиятини бошлади. Дастрлаб металлар технологияси кафедрасида лаборатория мудири, сўнгра асистент, катта ўқитувчи лавозимларида талабаларга сабоқ берди.

1985—1989 йилларда ЎзМЭ илмий-тадқиқот институти сиртқи аспирантурасида таҳсил олди.

1997 йилда мазкур институттинг Ихтинослашган илмий кенгашида «Қишлоқ хўжалиги машиналарини ишлатиш ва таъмиrlаш» йўналиши бўйича «T28X4M тракторининг қўшимча охирги узатмасининг чидамлилигини ошириш йўлларини асослан» мавзусида номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди ва техника фанлари номзоди илмий даражасини олишга эришди.

М. Мелибоев ўз илмий-педагогик фаолияти давомида 40 га яқин илмий-услубий мақолалар чоп эттириди ва касб-ҳунар коллежлари учун «Машиналарга техник хизмат кўрсатиш» номли ўқув қўлланмаси яратди.

Олим айни чоғда докторлик диссертацияси устида изланишлар олиб бормоқда.

АБДУРАШИД МАМАСИДДИҚОВИЧ МИРЗАҲМЕДОВ



Абдурашид Мамасиддиқович Мирзаҳмедов 1957 йил 2 апрелда Уйчи тумани Қизил ривот қишлоғида туғилган.

1974 йил қишлоқдаги 5-ўрта мактабни тамомлаган.

1980 йилда ТошДУнинг тарих факультетини тугатган.

1980—1982 йилларда Наманган шаҳар ўлкашунослик музейида бўлим мудири вазифасида ишлаган.

1982 йилдан Тошкент политехника институтининг Наманган филиалида (ҳозирги НамМПИ) ижтимоий фанлар кафедраси кабинет мудири лавозимида меҳнат қилган.

1987—1991 йилларда Низомий номли Тошкент давлат педагогика институтининг кундузги мақсадли аспирантурасида таҳсил олди.

1991 йилда «Урбанизация шароитида ислом дини» мавзусида номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилган.

1991—1993 йилларда Наманган давлат педагогика институтида (ҳозирги НамДУ) катта ўқитувчи бўлиб ишлади.

1993 йилдан Наманган саноат-технология институти (ҳозирги НамМПИ) Ўзбекистон тарихи кафедрасида катта ўқитувчи, 1995 йилдан эса доцент лавозимида фаолият кўрсатди.

1998 йилдан мазкур кафедра мудири, 2000 йилдан бошлаб эса Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти кафедрасида доцент лавозимида ишлаб келмоқда.

А. Мирзаҳмедов 1998 йил доцент илмий унвонига сазовор бўлди.

Олим 40 дан ортиқ илмий, илмий-услубий мақолалар муаллифидир. У айни чоғда «Бағрикенглик маданияти — диний экстремизмни бартараф этиш омили» мавзусидаги докторлик диссертацияси устида илмий-тадқиқот олиб бормоқда.

АБДУЖАББОР МУРОДИЛЛАЕВ



Абдужаббор Муродиллаев 1951 йил 30 августда Наманган вилояти Янгиқўргон тумани Искавот қишлоғида туғилган. 1975 йилда Тошкент давлат университети биология-тупроқшунослик факультетини имтиёзли тутатган.

Меҳнат фаолиятини 1975 йилда Наманган шаҳар 10-ўрта мактабда химия ва биология фани ўқитувчи-си сифатида бошлаган. 1977—1983 йилларда Ўзбекистон Фанлар академиясининг Биокимё институтида илмий тадқиқотчи, аспирант ва кичик илмий ходим лавозимларида ишлаган.

А. Муродиллаевнинг илмий фаолияти Гамма нурланишнинг эмбрионал ривожланишда биоэнергетик жараёнларга таъсири масаласига бағишлиланган бўлиб, илмий ишлари натижалари Япония, Польша, Нидерландия, Ҳиндистон каби давлатларнинг илмий журналларида чоп этилган ва олим бир қатор халқаро илмий симпозиумларда иштирок этган.

1982 йилда биохимия мутахассислиги бўйича био-

логия фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун диссертация ҳимоя қилган.

1983—1989 йилларда Наманган тажриба биофабрикасида, 1989—1992 йилларда сабиқ Иттифоқ ФАНИНГ Умумий физика институтининг Намангандаги масофаий ташҳис соҳаси илмий-тадқиқот лабораториясида етакчи илмий ходим бўлиб ишлаган.

Бу даврдаги илмий фаолияти қишлоқ хўжалик экинлари зааркунандаларига қарши юқори самарадорликка эга бўлган трихограммани ишлаб чиқиш ва тут ипак курти ҳосилдорлигини оширишда биологик фаол моддалардан фойдаланишга бағишлиланган. А. Муродиллаев юқоридаги соҳаларга оид бир қатор ихтиро ва ўқув қўлланмалари муаллифири.

1992 йилдан бўён Наманган муҳандислик-педагогика институти озиқ-овқатлар технологияси кафедраси доценти бўлиб ишлаб келмоқда.

Кафедрада 3 та хўжалик шартномаси ишининг якунланишига раҳбарлик қилган ва ҳозирги кунда сабзини комплекс қайта ишлашга бағишлиланган инновацион лойиҳада фаол иштирок этмоқда.

Олим 56 та илмий-услубий мақолалар муаллифири. Ўсимлик зааркунандаларига қарши биологик куршдаги ютуқлари учун ҳалқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасининг кумуш медали билан мукофотланган.

ЖОБИРХОН МИРЗАЕВИЧ МУҲАМЕДОВ



Жобирхон Мирзаевич Муҳамедов 1946 йил 21 сентябрда Наманган шаҳрида хизматчи оиласида туфилган.

1953 йил шаҳардаги 5-ўрта мактабнинг 1-синфига ўқишга кириб, 1964 йилда 11-синфи тамомлаган. Шу йили Тошкент политехника институтига ўқишга кирган ва 1969 йилда тугатиб, муҳандис-механик мутахассислигини эгаллаган.

Меҳнат фаолиятини 1969 йилда ЎзФА Кибернетика ва ҳисоблаш техникаси институтида кичик илмий ходимликдан бошлаган.

1973—1976 йилларда Механика ва иншоотлар сейсмик мустаҳкамлиги илмий-текшириш институтида аспирант ва 1982 йилгача шу институтда илмий ходим, илмий котиб бўлиб ишлаган.

У самарали илмий ишлари учун 1977 йилда фан ва техника соҳасида Ўзбекистон Республикаси ёшлар мукофоти лауреати бўлган.

1980 йилда Тбилиси политехника институтининг Ихтисослашган кенгашида «Фазовий механизмларнинг ОВХ-14 машинасига қўлланган ҳолда таҳлили» мавзусида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилиб, техника фанлари номзоди илмий даражасига эга бўлган. 1990 йилда эса доцент илмий узвонини олган.

У 1982 йилдан бўён ТашПИнинг Наманган филиалда (ҳозирги НамМПИ) катта ўқитувчи, доцент, декан, директорнинг ўқув ишлари бўйича муовини, проектор ва 1995 йилдан бошлаб «Умумтехника фанлари» кафедраси мудири лавозимида ишлаб келмоқда.

1989 йилда «Основы моделирования задач по теории машин и механизмов на АВМ» номли дарслиги «Ўқитувчи» нашриётида чоп этилган. Унинг ҳозиргача 100 дан зиёд илмий-услубий мақолалари чет эл ва республика нашрларида чоп этилган. 11 та илмий ихтироси учун патент олган. Унинг раҳбарлигига 5 та номзодлик диссертацияси ҳимоя қилинган. Ҳозирда «Ғўза қатор оралиғига буғдой экиш технологияси ва аппаратурини яратиш» бўйича олиб борилаётган илмий-тадқиқот ишига раҳбарлик қилмоқда.

АБДУЛҲАМИД БАҲРИДДИНОВИЧ МУҲИДДИНОВ



Абдулҳамид Баҳриддинович Муҳиддинов 1959 йил 18 сентябрда Наманган вилоятининг Янгиқўрон туманида ишчи оиласида туғилган.

1966—1976 йилларда Чорток туманидаги 60-ўрта мактабда таълим олган. 1976 йил Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент политехника институтининг саноат ва фуқаро қурилиши факультетига ўқишига ки-

риб, 1981 йилда саноат ва фуқаро қурилиши мутахасислиги бўйича тамомлаган.

Меҳнат фаолиятини шу йили ТошПИнинг Наманган филиалида (ҳозирги НамМПИ) асистент лавозимида бошлаган.

1987—1994 йилларда Тошкент политехника институти аспирантурасининг сиртқи бўлимида таҳсил олиб, «Технология и свойства шлакощелочного пенополистиролбетона» мавзусида илмий изланишлар олиб борди.

1994 йили «Қурилиш материаллари ва буюмлари» ихтисослиги бўйича номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилган ва техника фанлари номзоди илмий даражасига эришган.

Ҳозирги кунда Наманган муҳандислик-педагогика институтининг бинолар ва саноат иншоотлари қурилиши кафедрасида доцент лавозимида ишлаб, «Шлак ишқорли пенополистирол бетонларни физик-механик хоссаларини ўрганиш» мавзусида илмий изланишлар олиб бормоқда.

А. Б. Мухитдиновнинг илмий-педагогик фаолияти давомида 43 та илмий-услубий ишлари чоп этилган.

ШАВКАТ ИНОМЖОНОВИЧ НАБИЕВ



Шавкат Иномжонович Набиев 1947 йил 20 январда Наманган вилояти Тўракўрғон тумани Бекобод қишлоғида туғилган. 1971 йили Тошкент давлат университети физика факультетини «Ярим ўтказгичлар ва дизэлектриклар физикаси» ихтисослиги бўйича тутатган. 1970 йили Ленинград (ҳозирги Санкт-Петербург) шаҳридаги А.Ф.Иоффе номидаги Физика-техника илмий текшириш институтига ўқишига юборилган.

1971 йилдан 1979 йилга қадар Ўзбекистон Фанлар академиясининг Физика-техника илмий текшириш институтида лаборант, катта лаборант, муҳандис, етакчи муҳандис, конструктор лавозимларида ишлаган. Шу давр ичida (1973 йили) аспи-



Институт ректори, профессор Т.Эргашев.



Институт илмий анжуманида.



Хорижлик меҳмонларни кутиб олиш пайти.



Олимларимиздан бир гурӯҳи Жанубий Корея элчихонасида.



Вакилларимиз Жанубий Кореяда.



Ҳамиша гўзал ва навқирон Вена шаҳрида (Австрия).



Олимларимизнинг АҚШга сафари.



Навбатдаги анжуманлардан бири.



Хитой Халқ Республикасида бўлиб ўтган илмий анжуманда сертификат топширилмоқда.

рантурага ўқишига кирган ва Ленинград шаҳридаги Физика-техника илмий текшириш институтига аспирантурани ўташ учун юборилган.

1976 йили аспирантурани тамомлаган ва 1978 йили номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилган. Унинг илмий мақолалари Германия, АҚШ ва Россиянинг физикага оид илмий журналларида чоп этилган.

1979 йил йўлланма асосида Тошкент политехника институти Наманган филиалининг (ҳозирги НамМПИ) фундаментал фанлар кафедраси мудири лавозимига ишга юборилган. Бу ерда 2000 йилга қадар кафедра мудири, кейинчалик доцент лавозимида ишлаб келди.

Ҳозирда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қошидаги Давлат тест марказининг Наманган вилояти бўйича вакили вазифасида ва Наманган муҳандислик-педагогика институти физика кафедрасида доцент лавозимида ишламоқда.

Ш.Набиев 60 га яқин илмий ва илмий-услубий ишлар муаллифидир. У кўпгина «Фахрий ёрлиқ»лар ва «Шуҳрат» медали билан тақдирланган.

МУБОШЕР ЖОБИРОВИЧ НАЖМИДДИНОВ



Мубошер Жобирович Нажмиддинов 1955 йил 27 декабрда Наманган шаҳрида хизматчи оиласида таваллуд топган.

1973 йил Наманган шаҳридаги 5-урта мактабни тамомлаган.

1973—1978 йилларда Фарғона политехника институтида муҳандис-механик мутахассислиги бўйича таҳсил олиб, муваффақиятли тамомлади. Шу йили Наманган фишт ишлаб чиқариш корхонасида муҳандис-механик лавозимида иш бошлаган.

1979 йилдан Тошкент политехника институтининг Наманган филиалининг (ҳозирги НамМПИ) умумтехника фанлари кафедрасида катта лаборант, 1980 йилдан стажёр-тадқиқотчи бўлиб ишлаган ва 1982—1985

Йилларда Тошкент политехника институтининг материалшунослик кафедрасида аспирант бўлган.

1985—1988 йилларда композицион полимер материаллари илмий-тадқиқот лабораториясида катта илмий ходим бўлиб ишлаган.

У 1981 йилдан бошлаб Украина нинг Днепропетровск шаҳрида, Болгариянинг Пловдив шаҳрида, Тошкент, Андижон, Фарғона ва бошқа бир қатор шаҳарларда ўтказилган халқаро, республика ва минтақавий илмий-техникавий анжуманларда ўз маъruzalari билан қатнашган.

1982 йил фан ва техника соҳаси бўйича собиқ Бутуниттироқ ёшлар ташкилотининг мукофоти лауреати бўлган.

1988 йилда техника фанлари номзоди илмий дараҷасини олиш учун «Композицион полимер материалларни толали массалар билан ўзаро фрикцион ишқаланиши меҳаникаси» мавзусида диссертация ҳимоя қилган. Шундан бўён НамМПИ машинасозлик технологияси кафедрасида доцент лавозимида ишлаб келмоқда.

1992—1993 йилларда машинасозлик технологияси кафедраси мудири, 1994—1997 йилларда меҳаника факультети декани лавозимида ишлади.

М. Ж. Нажмиддинов 70 дан ортиқ илмий мақола ва услубий кўрсатмалар ва 2 та патент музаллифи. У 4 та музаллифлик гувоҳномасига эга.

Ўқитаётган фанларидан маъruzalар матни ва 20 дан зиёд ўқув кўрсатмалари тайёрлаган.

Олим айни чорда Наманган шаҳридэги қурилиш ва коммунал хўжалиги касб-хунар коллежи билан ўзаро ҳамкорлик ишларини олиб боряпти.

СОЛИЖОН НИШОНОВИЧ НАЗИМОВ



Солижон Нишонович Назимов 1953 йил 20 июня Наманган вилояти Чуст туманидаги Ахча қишлоғида дәхқон оиласида туғилған.

Солижон Назимов 1960—1970 йилларда Чуст туманидаги А. Жданов номли 18-үрта мактабда ўқиган.

1970—1978 йиллари Тошкент халқ хўжалиги институтининг қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти факультетини тугатиб, иқтисодчи мутахасислигини олган.

С. Назимов 1970—1973 йилларда Чуст тумани Ленинград жамоа хўжалигига ҳисобчи лавозимида ишлаган.

1973—1975 йилларда ҳарбий хизматни ўтаган.

1975—1983 йилларда яна ўша хўжаликда ҳисобчи, бош ҳисобчи, 1984—1987 йилларда бош иқтисодчи, 1987—1988 йилларда «Ўзбекистон» жамоа хўжалигига бош ҳисобчи, 1989—1995 йилларда «Ахча» жамоа хўжалигига бош иқтисодчи, 1995—1999 йилларда «Ахча» дәхқон-фермер хўжаликлари уюшмасида бош иқтисодчи вазифаларида ишлаган.

1999 йил августдан ҳозиргача Наманган мұхандислик-педагогика институтининг «Менежмент» кафедрасида доцент лавозимида ишлаб келмоқда.

1989 йилда Ўрта Осиё Қишлоқ хўжалиги иқтисоди илмий-текшириш институти аспирантурасини ишлаб чиқаришдан ажralмаган ҳолда тугатди ва шу йилнинг июн ойидаги «Эчкичиликни ривожлантириш ва самардорлигини ошириш истиқболлари» (Ўзбекистон Республикаси мисолида) мавзусида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилиб, иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олган.

2003 йилда унга доцент илмий унвони берилған.

С. Назимовнинг қишлоқ хўжалигига менежмент фанидан ўкув қўлланмаси, 40 дан зиёд илмий ва ўкув услубий кўрсатмалари ва мақолалари нашр қилинган.

С. Назимов «Қишлоқ хўжалигига менежмент самарадорлиги ва уни ривожлантириш истиқболлари» мавзусида докторлик диссертацияси устида илмий-тадқиқот ишлари олиб бормоқда.

НОЗИМЖОН СОБИРЖОНОВИЧ НАРЗУЛЛАЕВ



Нозимжон Собиржонович Нарзуллаев 1963 йил 30 июлда Наманган вилояти Чортоқ тумани Короскон қишлоғида зиёли оиласида туғилған.

1970—1980 йилларда қишлоқдағи 68-үрта мектебде ўқиб, олтін медаль билан тамомлаган.

1980 йил Андіжон пактацилык институтига ўқишига кириб, 1985 йили уни имтиёзли диплом билан тутатған.

1985—1987 йилларда ҳарбий хизметни ўтаган.

Н. С. Нарзуллаев 1987 йили Тошкент политехника институтининг Наманган филиалига (ҳозирги Нам-МПИ) катта лаборант вазифасыга ишга қабул қилинганды. Мәжнат фаолияти давомида асистент, катта ўқитувчи ва доцент лавозимларида ишлаб келмоқда.

У 1989—1994 йиллар мобайнида «Кибернетика» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси билан ҳамкорликда олиб борган илмий-тадқиқот ишларининг натижалари бүйича 1994 йил мазкур бирлашманинг Ихтисослашган кенгашида «Қурилиш материалларини ташишда автомобиль ва темир йўл транспортининг биргаликдаги фаолиятини бошқариш» мавзусидаги номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди. Унга иқтисад фанлари номзоди илмий даражаси берилди.

1994—1996 йилларда иқтисодиёт факультети декан мувовини лавозимида фаолият кўрсатди.

1996 йилдан бери технология факультети декани сифатида илмий-педагогик, маънавий-маърифий ва оммавий-ташкилий ишларга раҳбарлик қилиб келди.

2002 йилда Н. С. Нарзуллаев доцент илмий унвонини олди.

Олим 50 дан зиёд илмий ишлар муаллифи бўлиб, шулардан 2 таси («Талабаларда ташкилотчилик ва бошқарув фаолиятини шакллантириш», 2000 йил, «Микроиктисодиёт», 2002 йил) ўкув қўлланмасидир.

2003—2004 ўкув йили охирида у янги ташкил этилган бошқарув факультети декани этиб тайинланди.

Н. Нарзуллаев айни чоғда докторлик диссертацияси устида қизғин иш олиб бормоқда.

АҲМАДЖОН АБДУҲАМИДОВИЧ НАСРИТДИНОВ



Аҳмаджон Абдуҳамидович Насритдинов 1959 йил 5 октябрда Наманган вилояти Уйчи тумани Ёркатай қишлоғида туғилған.

1977 йили Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институтининг қишлоқ хўжалигини механизациялаш факультетига ўқишга кириб, 1982 йили битирди ва муҳандис-механик мутахассислигини олди.

1982 йили институт йўлланмаси билан Ўрта Осиё қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва электрлаштириш илмий-тадқиқот институтида кичик илмий ходим бўлиб иш бошлади.

1985—1988 йилларда аспирант, 1988—1991 йилларда катта илмий ходим бўлиб ишлади. 1991 йили диссертация ҳимоя қилиб, техника фанлари номзоди илмий даражасини олди.

1992—1999 йилларда НамМПИда катта ўқитувчи, сўнгра доцент лавозимида ишлади. 1999 йилдан ҳозирги кунгача зироат муҳандислиги кафедрасига раҳбарлик қилиб келмоқда.

1996 йилдан бошлаб «Буғдойдан бўшаган ерларни тайёрлаш технологияси ва машина-механизмлар ўлчамларини асослаш» бўйича докторлик диссертацияси устида иш олиб бормоқда. Ҳозирги кунгача А. Насритдиновнинг илмий раҳбарлигига З та изланувчи номзодлик диссертациясини ҳимоя қилдилар.

А. Насритдинов ҳалқаро ва республика миқёсидаги илмий анжуманларда қатор илмий маъruzalар билан қатнашиб келмоқда. Ўзининг илмий-педагогик фаолияти давомида 100 дан ортиқ илмий ва ўқув-услубий ишлар, шу жумладан 40 дан ортиқ муаллифлик гувоҳномаси соҳибидир. Ҳозирги кунда муаллиф томонидан трактор ва автомобиллар фанидан олий ўқув юртлари талабалари учун дарслик яратилди.

МУҲАММАД МАҲМУДЖОНОВИЧ НАСРИДДИНОВ



Муҳаммад Маҳмуджонович Насридинов 1960 йил 11 апрелда Наманган шаҳрида хизматчи оиласида туғилган.

У 1977 йили Наманган шаҳридаги 77-ўрта мактабни олтин медаль билан тугатди. 1982 йилда Тошкент политехника институтининг қурилиш факультетини имтиёзли диплом билан битиргандан сўнг шу институтнинг йиғма темир-бетон ишлаб чиқариш кафедрасида стажёртадқиқотчи лавозимида иш бошлади.

1986—1989 йилларда Тошкент политехника институти аспирантурасининг кундузги бўлимida таҳсил олди.

1990 йили Москвада «Қурилиш конструкциялари, бино ва иншоотлар» мутахассислиги бўйича «Лёсси-мон тупроқли ғовак тўлдирувчилардан тайёрланган енгил бетоннинг мустаҳкамлик ва деформатив хоссалари ва ундан тайёрланган эгилувчи элементлар ишининг ўзига хос хусусиятлари» мавзусидаги номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган.

Шу йилдан бошлаб Тошкент политехника институти Наманган филиалининг (ҳозирги НамМПИ) саноат ва фуқаро қурилиши кафедрасида ассистент, 1991 йил февралдан эса доцент, 1999—2004 йиллар давомида бинолар ва саноат иншоотлари қурилиши кафедраси мудири лавозимларида ишлади.

У олимлик фаолияти давомида 45 та илмий-услубий ишлар яратди ва чоп эттириди.

Ҳозирги вақтда «Маҳаллий хом-ашё ва саноат чиқиндилари асосида ғовак тўлдирувчилар тайёрлаш» мавзуси бўйича илмий-тадқиқот ишлари олиб бормоқда.

М. М. Насридинов Наманган вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси билан ҳамкорликда Наманган вилоятидаги экологик ҳолатни таҳдил этиш ва яхшилаш борасида ижодий ишлар олиб бормоқда. У бинолар ва саноат иншоотлари қурилиши кафедраси профессор-ўқитувчилари ва талабалардан иборат ижодий жамоанинг раҳбари сифатида хўжалик шартномаси

асосида вилоятдаги ташкилот ва кичик корхоналарга «Атмосферага чиқаётган чиқиндилярнинг инвентари-зацияси ва уларни меъёrlаш», «Қаттиқ ва суюқ чи-қиндилярнинг инвентаризацияси ва уларни жойлаш-тириш лимитларини аниқлаш» номли меъёрий ҳуж-жатларни ҳамда янги қурилаётган қурилиш объектлари учун «Атроф-муҳитта ўтказилаётган таъсир баёнотно-маси» лойиҳасини тайёрламоқда.

МИРЗОБАҲРОМ КАРИМОВИЧ НЕГМАТОВ



Мирзобаҳром Каримович Негма-
тов 1956 йили Наманган вилояти
Тўракўргон туманидаги Сайрам
қишлоғида туғилган.

1973 йили шу тумандаги 4-мак-
табни тамомлаб, Самарқанд давлат
меъморчилик-қурилиш институтига
ўқишига кирган. 1978 йили мазкур
институтни имтиёзли диплом билан
тутатиб. Давлат имтиҳон ҳайъати
тавсияси билан «Сув таъминоти ва
канализация» кафедрасида ассистент
лавозимида иш фаолиятини бошла-
ган. 1979—1980 йилларда ҳарбий хизматда бўлган. 1980—
1985 йилларда «Ўзгипроремжилпроект» лойиҳалаш ин-
ститутининг Наманган филиалида муҳандис, етакчи
мутахассис, бўлим бошлиғи, лойиҳаларнинг бош му-
ҳандиси лавозимларида фаолият кўрсатган.

1985—1990 йилларда Ленинград муҳандислик-қури-
лиш институтида (ҳозирги Санкт-Петербург муҳандис-
лик-қурилиш университети) аспирант, кичик илмий
ходим лавозимларида илмий-тадқиқот ишларини олиб
борган.

1989 йили Санкт-Петербург шаҳрида номзодлик дис-
сертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди. 1991 йил-
дан Наманган саноат-технология институтида (ҳозирги
НамМПИ) катта ўқитувчи, доцент, кафедра мудири
лавозимларида ишлади. 1999 йилдан ҳозирга қадар му-
ҳандислик коммуникациялари кафедрасида доцент ла-
возимида ишлаб келмоқда.

М.К.Негматов табиий ва оқава сувларни тозалаш

технологияси соҳасида таниқли олимлардан бўлиб, ҳалқаро ва республика нашрларида 60 дан зиёд илмий мақолалар, ўқув қўлланмалари ва услубий кўрсатмалар чоп эттирган, илмий ихтиrolари учун 5 та муаллифлик гувоҳномаси ва 2 та патент олган. У республика ва минтақа миқёсидаги илмий анжуманларда мунтазам иштирок этиб келади.

Илмий изланишлари натижалари 1997 йили Намангандаги «Қизил равот» сув тозалаш иншоотининг фильтрлаш қурилмаларида ва сузиш бассейнлари ҳамда аквапаркларнинг тозалаш иншоотларида жорий этилган. Бундан 150 млн. сўмдан ортиқ иқтисодий самара олинганд.

Ҳозирги кунда «Табиий ва оқава сувларни тозалаш технологиясида маҳаллий хом-ашёлардан фойдаланиш ва улар асосида янги технологияларнинг илмий асосларини ишлаб чиқиш» мавзусидаги докторлик диссертацияси якунига етиш арафасида турибди.

МУРОДИЛЛА ОЛИМОВ



Муродилла Олимов 1951 йил 26 апрелда Наманган вилояти Чорток тумани Короскон қишлоғида туғилган.

1968 йили Короскон қишлоғидаги 67-ўрта мактабни битириб, Фарғона давлат педагогика институтининг (ҳозирги ФарДУ) математика факультетига ўқишига кирди ва 1972 йил уни тамомлади.

Ўз меҳнат фаолиятини Наманган давлат педагогика институтидан (ҳозирги НамДУ) ўқитувчиликдан бошлаган.

1974—1982 йилларда ЎзФА Кибернетика институтидаги стажёр-тадқиқотчи, аспирант ва илмий ходим бўлиб ишлади.

1982—1988 йилларда Тошкент тўқимачилик ва инженер саноат институти Наманган филиалида (ҳозирги НМИИ) катта ўқитувчи, доцент вазифасини бажарувчи бўлиб ишлади.

М.Олимов 1985 йили номзодлик диссертациясини

муваффқиятли ҳимоя қилди ва унга физика-математика фанлари номзоди илмий даражаси берилди.

1992 йили доцент илмий унвонига сазовор бўлди.

1988 йилдан Тошкент политехника институти Намган филиалида (ҳозирги НамМПИ) катта ўқитувчи, доцент, декан мувовини лавозимларида фаолият кўрсатди.

1995 йилдан Наманган саноат-технология институти (ҳозирги НамМПИ) қошидаги «Дўстлик» лицей-интернат (2000 йилдан академик лицей) директори, 2002—2003 йилларда информатика факультети декани лавозимларида ишлади.

2003 йил охиридан бошлаб информатика ва ахборотлар технологияси кафедрасининг мудири лавозимида ишлаб келмоқда.

Меҳнат фаолияти давомида 40 дан ортиқ илмий мақола, 50 дан ортиқ илмий-услубий кўрсатмалар ёзган.

ҲАЛИМЖОН ОЛИМОВ



Ҳалимжон Олимов 1945 йилда Наманган вилояти Тўракўргон шаҳрида таваллуд топди.

1952—1962 йилларда Тўракўргон-даги 10-ўрта мактабда ўқиди.

1962—1967 йилларда Наманган давлат педагогика институтининг (ҳозирги НамДУ) физика-математика факультетининг математика-чизмачилик бўлимида таҳсил олди.

1967—1968 йилларда Тўракўргон-даги 10-ўрта мактабда математика ўқитувчиси бўлиб ишлади.

1968 йилдан НамДПИнинг математика кафедрасига ўқитувчиликка таклиф этилди.

1970—1975 йилларда Тошкент давлат университети функционал анализ кафедрасида тадқиқотчи бўлиб ишлади, сўнгра аспирантурага қабул қилинди.

1975 йилда академиклар Т.А.Саримсоқов ва Ж.Х. Ҳожиевлар раҳбарлигига «Топологик модулнинг баъзи бир хоссалари» мавзусида номзодлик диссертациясини муваффқиятли ҳимоя қилди.

1980 йилда доцент илмий унвонини олган.

1982 йилга қадар Наманган педагогика институтида катта ўқытувчи, доцент вазифаларида ишлади.

1982—1995 йилларда Тошкент политехника институти Наманган филиалининг (ҳозирги НамМПИ) олий математика кафедраси доценти вазифасида ишлади.

1995—2003 йилларда НамМПИ қошидаги лицей-интернатда математика ўқытувчиси бўлиб ишлади.

2003 йилдан яна олий математика кафедрасида доцент вазифасида ишлаб келмоқда.

15 та илмий мақолалари, 24 та услубий кўрсатмалари чоп этилган.

АБДАЗ ЙЎЛДОШЕВИЧ ОМИРОВ



Абдаз Йўлдошевич Омиров 1937 йил 10 октябрда Қирғизистон Республикасининг Талас вилояти Буённовка туманида таваллуд топган.

1944 йил Қозоғистон Республикаси Жамбул вилоятининг Тараз шаҳридаги 16-ўрта мактабга ўқишига кириб, 1954 йил мактабни кумуш медаль билан тамомлаган.

1954—1959 йилларда Тошкент политехника институтида таҳсил олган ва машинасозлик технологияси, металл қирқиши ва асбоб-ускуналар мутахассислигини эгаллаган.

Меҳнат фаoliyatiini 1959 йилда Тошкент «Фотон» корхонасида конструкторлик лавозимидан бошлаган.

1961 йилда Тараз шаҳрига қайтиб, сут комбинатида механика цехи бошлиғи бўлиб ишлаган.

1965 йили Свердловскдаги Урал политехника институти аспирантурасига кириб, 1969 йилда муваффақиятли тамомлаган ва шу институтда машина ва металлар кафедрасида асистент бўлиб ишлаган.

Шу даврда технологик жиҳатдан мураккаб, таннархи юқори ва кўп меҳнат талаб қиласидан, андозаси бўлмаган станларда совук прокатлаш йўли билан чоксиз трубаларни ишлаб чиқариш асосий муаммолардан бири эди. А. Й. Омировнинг номзодлик диссертацияси мавзуси шу масалага бағишинланган бўлиб, олим уни муваффақиятли ҳимоя қилган.

1969 йилдан 1971 йилгача Урал политехника институтида асистент бўлиб ишлаган.

1971 йил меҳнат фаолиятини Тараз шаҳридаги Қозоқ технология институтида давом эттирган ва доцент, кафедра мудири лавозимларида ишлаган.

1980 йилда Наманган шаҳридаги «Электротерм» илмий ишлаб чиқариш бирлашмасига бош технолог лавозимига ишга келди. Бу ерда у мазкур корхонани автоматлаштириш ва янги технологияларни жорий этиш ишларига муносиб ҳисса қўши.

1985—1999 йилларда Тошкент политехника институтининг Наманган филиалида (ҳозирги НамМПИ) машинасозлик технологияси кафедрасида кафедра мудири, 1990—1991 йиллари механика факультети декани бўлиб ишлаган.

А. Й. Омироп 70 дан ортиқ илмий мақола ва ўқув-услубий кўрсатмалар, 4 та Россия патенти муаллифи-дир. У машинасозлик технологияси фанидан иккита ўқув қўлланмаси яратган.

2002 йил унга институтнинг фахрий доценти унвони берилган.

Олим машинасозлик технологияси кафедраси илмий салоҳиятини ошириш, унинг моддий техника базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш ишига салмоқли улуш кўшиб келмоқда.

ЮСУФЖОН ПЎЛАТОВИЧ ОППОҚОВ



Юсуфжон Пўлатович Оппоқов 1956 йил Наманган вилояти Чортоқ тумани Ҳазратишаҳ қишлоғида ўрмон хўжалиги ишчиси оиласида туғилган.

1962—1972 йилларда Янгиқўргон туманидаги 37-ўрта мактабда ўқиган.

1972—74 йилларда Янгиқўргон туманидаги 44-ўрта мактабда тарих-биология ўқитувчisi сифатида иш бошлаган.

1974—1975 йилларда Андижон давлат педагогика институти тайёрлов бўлимида ўқиди ва Наманган давлат педагогика институтининг (ҳозирги НамДУ) математи-

ка факультетига ўқишига кирди. 1979 йили институтни имтиёзли диплом билан тамомлади.

1979—1980 йилларда Янгиқўрғон туманидаги 37-ўрта мактабда математика ўқитувчisi, 1980—1984 йилларда Тошкент политехника институтининг Наманган филиалида (ҳозирги НамМПИ) олий математика кафедраси катта лаборанти, сўнгра директор муовини бўлиб ишлаган.

1984—1986 йилларда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Механика институтида муҳандис, сўнгра кичик илмий ходим бўлиб ишлаган.

1986—1990 йилларда ЎзФА Математика институтида кичик илмий ходим, сўнгра эса илмий ходим бўлиб ишлаган.

1989 йилда номзодлик диссертациясини ёқлаган ва унга физика-математика фанлари номзоди илмий даржаси берилган.

1990 йилдан Тошкент машинасозлик институти Наманган филиали (ҳозирги НамМПИ) олий математика кафедрасида катта ўқитувчи, доцент вазифасини бажарувчи, доцент, 2003 йилдан кафедра мудири вазифаларида ишлаб келмоқда.

1993 йил «Дифференциал тенгламалар» ихтисослиги бўйича доцент илмий унвонини олган.

Ҳозирга қадар 24 та илмий мақола, 30 та ўқув-услубий ишлари чоп этилган.

АНВАРА НИШОНБОЕВНА ОТАБОЕВА



Анвара Нишонбоевна Отабоева 1937 йилда Наманган шаҳрида туғилган. 1955 йилда шаҳардаги 15-қизлар ўрта мактабини тутатиб, Наманган давлат педагогика институтига ўқишига кирди. У талабалик даврида жамоат ишларида фаол қатнашди.

1960 йилда институтнинг физика-математика факультетини имтиёзли диплом билан тутатгач, шу институтнинг физика кафедрасида ўқитувчи лавозимида ишлади.

1965—78 йилларда Ўзбекистон Фанлар академиясининг Физика-техника институтида муҳандис-аспирант

сифатида Э.И. Адирович ва С.А. Азимов каби таниқли академиклардан таҳсил олди.

1978 йилда яримұтказгичлар ва диэлектриклар физикасы бүйіча «Кремний структураларида ұажмий зарядлар билан чегараланған токлар» мавзусида физика-математика фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун диссертация ұмома қилды.

А. Отабоеванның илмий ишләри «Яримұтказгичлар физикаси ва техникаси» журналида ва Тошкентда үтка-зилган «Диэлектрик электрониканинг муаммолари» мавзусидаги собық Бутуниттифоқ илмий-амалий анжуман тұпламида чоп этилди.

1979 йилда Наманганда Тошкент политехника институтининг филиали очилди. А. Отабоева мазкур филиалга катта ўқытувчи лавозимига ишга таклиф қилинди. У шу институттнинг физика кафедрасыда катта ўқытувчи ва 1982 йилдан бошлаб доцент лавозимида ишлаб келмоқда. У талаба-ёшларга физика фаны сир-асорларини чукур ўргатиши билан биргә, институттнинг жамоатчилик ишләрида фаол қатнашиб келади.

1980—85 йилларда институт хотин-қызылар кенгашы раиси, факультет услугбий кенгашы раиси бўлиб ишлади. Айни пайтда гурух мураббийиси сифатида талабалар ўртасида одоб ва ахлоқ, қызылар тарбияси, оиласи турмуш ҳақида кўплаб сұхбатлар ташкил этиб боради. А. Отабоева 50 дан ортиқ илмий ва ўқув-услубий ишлар муаллифидир.

АБДУЖАЛИЛ САТТОРОВИЧ ПОЛВОНОВ



Абдужалил Сатторович Полвонов 1955 йил 12 декабрда Наманган вилюяты Косонсой тумани Панихо қишлоғида туғилған.

1963 йили тумандаги 11-ўрта мактабнинг биринчи синфига ўқишига кириб, 1973 йилда 10-синфни тамомлади. Шу йили тумандаги спорттехника клуби қошидаги ҳайдовчilik курсини битирди.

1974 йил ноябрь ойидан 1976 йил декабрғача ҳарбий хизматда бўлди.

1976—1978 йилларда Тошкент трактор заводида ишчи бўлиб ишлади.

1978 йили Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш мұҳандислари институтига «Машиналар таъмири ва уни ташкил қилиш» ихтиносслиги бўйича ўқишига кириб, 1983 йил институтни имтиёзли диплом билан тамомлadi ва институтнинг машиналар таъмири кафедрасида асистент лавозимида ишда қолдирилди.

1988 йил Москва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқарishини механизациялаштириш институти аспирантура-сининг кундузги бўлимига ўқишига кириб, «Двигателнинг ўзак подшипниклари ўрнини полимер материаллар билан тиклаш» мавзусида илмий иш олиб бориб, 1991 йили номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди. 1991 йилда олдин ўзи ишлаган кафедрада асистент лавозимида ишлади.

1992 йил апрель ойидан бошлаб Наманган саноат-технология институтида (ҳозирги НамМПИ) катта ўқитувчи, доцент ва кафедра мудири лавозимларида ишлаган.

Ҳозирги кунда транспорт воситаларидан фойдаланиш кафедрасида доцент лавозимида ишлаб келмоқда.

А. Полвонов томонидан «Транспорт воситаларини ишлатиш ва таъмирлаш» таълим йўналишидаги бакалавр ва педагог-бакалаврлар учун транспорт воситаларида ишлатиладиган материаллар фанидан ўқув қўлланмаси 2003 йилда нашрдан чиқарилди. У илмий-педагогик фаолияти мобайнида 80 дан зиёд илмий мақола ва услугубий кўрсатмалар ёзган.

Ҳозирги пайтда «Ишлатилган мойлардан қайта фойдаланиш» мавзусида илмий-тадқиқот ишларини олиб бормоқда.

2002 йил ўқув жараёнини адабиётлар билан таъминлашдаги фаол иштироки учун ОЎМТВ нинг «Фахрий ёрлиғи» билан тақдирланган.

АЛИШЕР САИДЖАМОЛОВИЧ ПҮЛАТОВ



Алишер Сайджамолович Пўлатов 1950 йил 1 январда Наманган шаҳрида хизматчи оиласида туғилган.

1957—1967 йилларда Наманган шаҳридаги 7-ўрта мактабни олтин медаль билан тамомлаган.

1967 йилда Тошкент политехника институти кимё-технология факультетига ўқишга кириб, 1972 йил «Умумий овқатланиш технологияси ва уни ташкил этиш» мутахассислиги бўйича имтиёзли диплом билан тугатган ва муҳандис-технолог ихтисослигини эгаллаган.

1972—1973 ва 1977—1984 йилларда Наманган вилоят ижроия қўмитаси қошидаги умумий овқатланиш трести ва савдо бошқармасида раҳбарлик лавозимларида меҳнат қилган.

1973—1977 йилларда Москва халқ хўжалиги институти (ҳозирги Россия халқ хўжалик академияси) аспирантурасида таҳсил олган ва «Айрим технологик омилларнинг ўзбек миллий таомлари озуқавий ва биологик кўрсаткичларига таъсири» мавзусида номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилган.

1995 йил унга доцентлик илмий унвони берилди.

А. С. Пўлатов 1984 йилнинг охириларидан бошлаб Тошкент политехника институтининг Наманган филиалида (ҳозирги НамМПИ) умумий кимё кафедрасида ассистент, катта ўқитувчи ва доцент лавозимларида ишлади.

1991—1993 йилларда янги ташкил этилган технология факультетини бошқарди. 1993—1996 йилларда шу факультет таркибида консервалаш технологияси кафедраси ташкил этилди ва А. С. Пўлатов мазкур кафедра мудирилигига сайланди.

2002 йилдан бўён А. С. Пўлатов технология факультетида технологик жараёнлар, қурилмалар ва уларни автоматлаштириш кафедраси доценти лавозимида меҳнат қилмоқда. Айни пайтда факультетда Васийлар ва ҳомийлар кенгаши раиси вазифасини бажариб келмоқда.

Ҳозирги кунда «Озиқ-овқат саноати корхоналари чиқитларидан импорт ўрнини босувчи иккиласи маҳсулотлар ишлаб чиқариш тизимларини синтез қилиш» мавзусида илмий изланишлар олиб бормоқда.

Олим 50 дан ортиқ илмий ва ўкув-услубий ишлар, шу жумладан, «Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш тизимлари» номли услубий қўлланманинг муаллифидир. 25 дан ортиқ ўкув-услубий қўлланма ва кўрсатмалари ўкув жараёнига тадбиқ этилган.

СОБИРЖОН ЖЎРАЕВИЧ РАЗЗОҚОВ



Собиржон Жўраевич Рассоқов 1962 йилнинг 24 августида Наманган вилояти Уйчи тумани Ёрқўрғон қишлоғида ишчи оиласида туғилган.

1969—1979 йилларда Ёрқўрғон қишлоғидаги 38-ўрта мактабда ўқиган ва уни олтин медаль билан тамомлаган.

1979 йили Тошкент политехника институтининг қурилиш факультетига ўқишга кирди. 1984 йили институтни имтиёзли диплом билан тутатиб, қурувчи-муҳандис мугахассислигига эга бўлди. Институтни тутатгач, Республика Олий таълим вазирлиги йўлланмаси билан Тошкент политехника институтининг Наманган филиалига (ҳозирги НамМПИ) ишга юборилди. Бу ерда 1988 йилгача ассистент лавозимида ишлади.

1988—1991 йилларда Тошкент архитектура-қурилиш институти аспирантурасининг кундузги бўлимида ўқиб, проф. Қ.И. Рўзиев раҳбарлигига илмий-тадқиқот ишлари олиб борди. 1991 йилнинг 13 декабрида «Динамик юкламаларнинг стерженли том ёпма конструкцияларининг кучланганлик ва деформацияланувчанлик ҳолатига таъсири» мавзусидаги номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди ва унга техника фанлари номзоди илмий даражаси берилди.

1992 йилдан бошлаб саноат ва фуқаро қурилиш кадедрасида катта ўқитувчи ва доцент вазифасини бажаравчи лавозимларида ишлади.

1994 йилда унга доцентлик илмий унвони берилди.

1996—1999 йиллар мобайнида қурилиш ишлаб чиқариш технологияси кафедраси мудири лавозимида ишләди. У 2002 йилда республика «Устоз» жамғармаси нинг грант ғолиби сифатида Жанубий Корея мамлакатининг КУМИ миллий технологик институтидаги малақа ошириб қайтди. Бундан ташқари доцент С. Рассоқов Германия ва АҚШ давлатларидаги таълим муассасалари билан илмий алоқалар ўрнаттган.

1998 йили кўп йиллик самарали ва ҳалол меҳнати ҳамда ўз хизмат вазифасига бўлган садоқати учун Узбекистон Республикаси Олий ва ўрта-махсус таълим вазирлигининг ва 2003 йили Наманган вилояти ҳокимлигининг «Фахрий ёрлиқ»лари билан мукофотланган. Ҳозирги пайтда у «Экологик соф маҳаллий ашёлардан тикланган биноларнинг мустаҳкамлиги ва зилзилабардошлиги» мавзусидаги докторлик диссертацияси устида ишлаш билан бирга институт бинолар ва саноат иншоотлари қурилиши кафедраси мудири лавозимида ишлаб келмоқда.

Ҳозиргача унинг 60 дан ортиқ илмий, ўкув-услубий мақолалари чоп этилган.

АКМАЛХОН МАМАТХОНОВИЧ РАҲИМОВ



Акмалхон Маматхонович Раҳимов 1957 йил 10 февралда Наманган вилояти Уйчи тумани Аҳси қишлоғида хизматчи оиласида туғилди.

1964 йили Аҳси қишлоғидаги Муқимий номли 12-ўрта мактабга ўқишга кириб, 1974 йили мактабни олтин медаль билан битирди.

Шу йили Абу Райҳон Беруний номли Тошкент политехника институтига ўқишга кириб, 1979 йили мазкур институтнинг «Саноат ва фуқаро қурилиши» мутахассислигини тутатди.

1979—1980 йилларда Сирдарё вилоятидаги Гулистан қурилиш техникумидаги мутахассислик фани ўқитувчisi сифатида фаолият кўрсатди. 1980—1984 йилларда Уйчи туманидаги Наманган политехникумидаги ишлаб

чиқариш амалиёти бўлими мудири ва мутахассислик фани ўқитувчиси бўлиб ишлади.

1984 йилнинг апрелида Тошкент политехника институтининг Наманган филиалида (ҳозирги НамМПИ) қурилиш факультетига қурилиш ишлаб чиқариш технологияси фанидан асистент лавозимига ишга қабул қилинди. 1986—1988 йиллари ТошПИ аспирантурасининг кундузги бўлимидаги таҳсил олган ҳолда Москва шаҳридаги Бетон ва темир-бетон илмий текшириш институти лабораториясида профессор Б. А. Крилов раҳбарлигида «Қуруқ-иссиқ иқлимли худудларда бетон ва темир-бетон буюмларни тайёрлашда энергия сарфини камайтириш услублари» мавзусида илмий-тадқиқот ишларини олиб борди ҳамда 1990 йилда номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди.

Ҳозирда Наманган мұхандислик-педагогика институти бинолар ва саноат иншоотлари қурилиши кафедрасининг доценти ва шу кафедранинг Жийдакапа қурилиш ва коммунал хўжалиги коллежидаги филиалида мудир вазифасида фаолият кўрсатмоқда.

Илмий ва педагогик фаолияти давомида 40 дан ортиқ илмий ва услубий ишлари чоп этилган.

1998 йили А. Раҳимовнинг кўп йиллик самарали ва ҳалол меҳнати ҳамда ўз хизмат вазифасига бўлган садоқати учун Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта-маҳсус таълим вазирлиги томонидан тақдирланган.

Ҳозирги кунда вилоятдаги темир-бетон буюмлари ишлаб чиқарувчи корхоналар билан ҳамкорликда «Бетонга иссиқлик ишлови бериш усусларини такомиллаштириш» мавзусида илмий-тадқиқот ишларини олиб бормоқда.

ИЛҲОМЖОН АБДУЛЛАЕВИЧ РАҲИМОВ



Илҳомжон Абдуллаевич Раҳимов 1966 йил 4 июнда Наманган вилояти Наманган тумани Ровустон қишлоғида хизматчи оиласида туғилган. 1983 йилда Наманган туманидаги 34-ўрта мактабни олтин медаль билан тамомлаб, Тошкент политехника институти Наманган филиалининг (ҳозирги НамМПИ) қурилиш факультетига ўқишига кирди. 1985 йилдан 1987 йилгача ҳарбий хизматни ўтади.

1987 йилдан ўқишини давом этириб, 1990 йилда тамомлади.

Меҳнат фаолиятини 1990 йилдан Наманган шаҳар «Агрокоммунқурилиштъмир» ташкилотида муҳандис лавозимида бошлади. 1991 йилда Тошкент машинасозлик институти Наманган филиалининг (ҳозирги НамМПИ) қишлоқ хўжалиги қурилиши кафедрасига катта лаборант лавозимига ишга ўтди.

1991—1993 йилларда Москва давлат педагогика университетида илмий изланишлар олиб бориб, 1993 йилда «Умумтехника фанларини ўқитиш методикаси» йўналиши бўйича номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди.

1993 йилдан 1998 йилгача Наманган саноат-технология институтининг (ҳозирги НамМПИ) муҳандислик коммуникациялари кафедрасида катта ўқитувчи лавозимида фаолият кўрсатди.

1998 йилдан касб-хунар таълими кафедраси доцентлигига ўтказилди.

2000 йилдан ҳозирга қадар педагогика ва педагогик технологиялар кафедраси мудири лавозимида ишлаб келмоқда.

И. А. Раҳимов республика ва институт миёсидаги илмий-амалий конференцияларда фаол иштирок этиб келмоқда.

БАҲОДИР ШАМСИДДИНОВИЧ РИЗАЕВ



Баҳодир Шамсиддинович Ризаев 1952 йил 25 майда Наманган шаҳрида хизматчи оиласида туғилган.

1958—1968 йилларда Наманган шаҳридаги 18-ўрта мактабда ўқиб, уни олтин медаль билан тамомланган.

1968 йилда Тошкент политехника институтининг қурилиш факультетига ўқишга кирган ва шу институтни 1973 йилда муваффақиятли туттаган. Ўз меҳнат фаолиятини Наманган вилояти йўл қурилиш бошқармасида бошлаган. 1973 йилдан 1981 йилгача шу бошқармада катта муҳандис, марказий лаборатория бошлиғи, ишлаб чиқариш ва техника бўлими бошлиғи лавозимларида ишлади. 1981 йили Тошкент политехника институти Наманган филиали (ҳозирги НамМПИ) раҳбарияти Б. Ш. Ризаевни ишга тақлиф этди. Институтда ишлаш билан бир вақтда Тошкент политехника институти аспирантурасининг сиртқи бўлимида таҳсил олди.

1994 йилда «Қурилиш конструкциялари, бино ва иншоотлар» мутахассислиги бўйича «Қуруқ-иссиқ иқлим шароитидаги номарказий қисилган темир-бетон устунлар мустаҳкамлиги, деформацияси ва ёриқбардошлиги» мавзусида номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилган ва техника фанлари номзоди илмий даражасига сазовор бўлган.

Унинг раҳбарлиги остида институт талабалари фанлар олимпиадаларининг республика босқичида қурилиш материаллари фанидан бир неча марта фахрли биринчи ва иккинчи ўринларни эгалладилар.

Қурилиш ишлаб чиқариш корхоналари билан узий ҳамкорликда фаолият олиб боради. Кафедра олимлари билан биргаликда Косонсой қурилиш материаллари комбинати оҳак цехини қайта таъмирлаш бўйича муҳим илмий ишлаб чиқариш лойиҳасида иштирок этди.

Б. Ш. Ризаев олимлик фаолияти давомида 45 дан ортиқ илмий ва услубий ишлар чоп этирган.

Ҳозирда «Қуруқ-иссиқ иқлим шароитида фойдала-

нилаётган темир-бетон қурилмалари ҳолати ва уларга таъсир этувчи омилларни ўрганиш» мавзуси устида ишламоқда.

РАҲМАТАЛИ МУРОДОВИЧ РУСТАМОВ



Раҳматали Муродович Рустамов 1962 йилнинг 1 январида Фарғона вилоятининг (ҳозирги Наманган) Поп тумани Санг қишлоғида ишчи оиласида туғилган.

1969 йили Поп туманидаги 10-ўрта мактабга ўқишга кириб, 1979 йили тамомлаган.

Меҳнат фаолиятини 1979 йили Поп нотӯқима матолар фабрикаси назорат-ўлчов асбоблари ва автоматаика цехининг электр слесари сифатида бошлаган.

1989 йили Тошкент политехника институти Наманган филиалининг (ҳозирги НамМПИ) механика факультетини «Гидромелиорация ишларини механизациялаштириш» мутахассислиги бўйича тамомлаган.

1991 йилдан Наманган муҳандислик-педагогика институтида ўқув устаси лавозимида иш бошлаб, ҳозирда машинасозлик факультети декани лавозимида ишламоқда.

Ўзбекистон шароити учун картошкани экишдан аввал тупроққа сифатли ишлов бериш машиналарини такомиллаштириш ва бундай турдаги янги машина-сепараторни яратиш бўйича илмий-тадқиқот ишлари устида меҳнат қилди. Олиб борилган илмий-тадқиқот ишлари натижасида тупроққа ишлов берувчи мазкур машинанинг тажриба нусхаси яратилди. Олинган натижалар асосида 1995 йили Бутунrossия қишлоқ хўжалик машинасозлиги илмий-тадқиқот институтидаги Ихтиослашган кенгащда «Қишлоқ хўжалиги ва гидромелиоратив машиналар» мутахассислиги бўйича «КТН-2В картошка йигиш машинаси базасидаги тупроқ сепаратори зизувчи барабанинг динамикаси» мавзусидаги номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди.

Ҳозирда илмий ишларини давом эттириб, докторлик иши устида ишламоқда.

60 дан ортиқ илмий мақолалар ва ўқув-услубий ишлар мұаллифидир. Шунингдек, 3 та ихтиро учун мұаллифлик говоҳномасыга ва 3 та Россия Федерацияси патентига эга.

1999—2000 йилларда магистратура факультети деқани, 2000 йилдан эса машинасозлик факультети деқани лавозимида ишлаб келмоқда.

Олий ва ўрта-махсус таълим вазирилги томонидан ўқув қўлланма сифатида тавсия этилган «Автомобилларнинг тузилиши, техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш» китоби мұаллифидир.

АЪЛАМХОН ТУРДАЛИЕВИЧ САЙДМАМАТОВ



Аъламхон Турдалиевич Сайдматов 1961 йил 27 октябрда Чортоқ тумани Короскон қишлоғида туғилган.

1968—1978 йилларда тумандаги 68-ўрта мактабда ўқиган.

1978 йил Тошкент политехника институтининг саноат ва фуқаро қурилиши факультетининг «Саноат ва фуқаро қурилиши» мутахассислиги бўйича ўқишига кириб, 1983 йилда тамомлаган. Институт йўллан-

маси билан Тошкент политехника институтининг Наманган филиалида (ҳозирги НамМПИ) иш бошлаган.

1983—1989 йилларда саноат, фуқаро ва қишлоқ хўжалиги бинолари архитектураси кафедрасида ассистент лавозимида фаолият юритган.

1989—1990 йилларда шу кафедрада стажёр-тадқиқотчи лавозимида, 1990—1993 йилларда Тошкент архитектура-қурилиш институтининг кундузги аспирантурасида таҳсил олган. 1993 йили «Кўп қаватли зилзилабардош темир-бетон каркасли биноларнинг оптимал ечимиға фазовийлик, ночизиқлик ва замин факторларининг таъсирини баҳолаш» мавзусида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган.

1994—1995 йилларда қурилиш ишлаб чиқариш технологияси кафедрасида катта ўқитувчи, 1995 йилдан доцент лавозимида фаолият кўрсатди.

1998 йилдан «Ўзўйжойжамғармабанк» Наманган

бўлимида лойиҳа-смета ҳужжатларини экспертизадан ўтказиш ва уй-жой қурилишини молиялаштириш бўлими бошлиғи лавозимида ишлаб келмоқда. У 40 дан ортиқ илмий ва услубий қўлланмалар муаллифидир.

СОТТИХОН МАҲМУДОВИЧ САИДОВ



Сотихон Маҳмудович Сайдов 1956 йил 11 майда Наманган вилоятининг Косонсой тумани Чиндоув қишлоғида туғилган.

1980 йилда Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институтининг қурилиш факультетини «Саноат ва фуқаро қурилиши» ихтисослиги бўйича тамомлаб, Косонсой қурилиш техникумига ишга юборилди. 1983 йил 1 сентябрдан бошлаб Тошкент политехника институтининг Наманган филиалига (ҳозирги НамМПИ) ишга келди. 1991 йилгача асистент лавозимида фаолият кўрсатди.

1991—2000 йилларда катта ўқитувчи лавозимида ишлаш билан бирга, ишдан ажralмаган ҳолда илмий тадқиқотлар олиб бориб, 1999 йил Ўзбекистон Фанлар академиясининг Самарқанд филиали қошидаги Ихтинослаштирилган кенгашда «Қурилиш механикаси» ихтисослиги бўйича «Транспорт воситаларидан тарқалаётган вибрация тўлқинларининг тарқалишини ернинг рельефи ва грунтнинг реологик ҳусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ўрганиш» мавзусида номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди.

2000 йилдан доцент вазифасини бажарувчи лавозимида ишлаб келмоқда.

Педагогик ва илмий фаолиятларини уйғун ҳолда олиб бориши натижасида ҳалқаро ва республика миқёсида чоп этиладиган «Механика грунтов и основание и фундаменты», «Проблемы механики» «Вопросы динамики сооружений и надежности машин» илмий журналларида, ҳалқаро ва республика миқёсидаги ҳамда минтақавий илмий анжуманларда 20 ортиқ мақолалар билан фаол иштирок этган.

Иш фаолиятида илмий ва тарбиявий ишларда эришган муваффақиятлари учун кўп марта институт раҳбариятининг «Фахрий ёрлиқ» ва мукофотлари билан тақдирланган.

ИКРОМИДДИН ҚУТБИДДИНОВИЧ СИРОЖИДДИНОВ



Икромиддин Кутбиддиновиҷ Сирожиддинов 1950 йил 20 майда Наманган вилояти Тўракўргон туманидаги Шаҳидон қишлоғига туғилган.

1970 йилда Тошкент халқ хўжалиги институтининг «Қишлоқ хўжалигида бухгалтерия ҳисоби» мутахассислиги бўйича тамомлаб, бухгалтер-иктисодчи ихтисослигини эгаллади.

Меҳнат фаолиятини 1970 йил июлида Ўрта Осиё қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти илмий-тадқиқот институтида кичик илмий ходим лавозимида ишлаш билан бошлади. 1973—1976 йилларда собиқ Бутуниттифоқ кибернетика илмий-тадқиқот институти аспирантурасида ўқиди. 1976 йил июнда институт илмий кенгашида иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун диссертация ёқлади.

1976—1994 йилларда Наманган давлат педагогика институтида (ҳозирги НамДУ) ўқитувчи, катта ўқитувчи, доцент, кафедра мудири лавозимларида ишлади. 1995—1996 йилларда «Савдогарбанк»нинг Наманган вилоят бўлимидаги иқтисодий таҳлил бўлими ва кредит бўлими бошлиғи вазифаларини бажарди. 1996 йил май ойидан Наманган муҳандислик-педагогика институтида аввал иқтисодиёт назарияси кафедраси доценти, ҳозирги пайтда эса молия ва бухгалтерия ҳисоби кафедраси доценти лавозимида ишлаб келмоқда.

1986 йилдан доцент илмий унвонига эга.

Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти, молиявий муносабатлар ва банк иши соҳасида илмий изланишлар олиб боради. Уларнинг натижалари «Қишлоқ хўжалигида хўжалик механизми ва уни такомиллаштириш» (Тошкент, 1985), «Бозор иқтисодиёти мамлакатлари сиёсий иқтисоди» (Наманган, 1992), «Ўзбекистонда тижорат

банклари фаолияти» (Наманган, 1998), «Акциядорлик жамиятларини ташкил этиш ва бошқариши» (Наманган, 2001), «Молиявий менежмент» (Наманган, 2001), «Банк менежменти ва маркетинги» (Наманган, 2001) каби илмий тўплам ва қўлланмаларда ифодаланган. Улардан молия ва менежмент йўналишидаги магистратура босқичи ўқув жараёнида кенг фойдаланилмоқда. Шунингдек, И. Сирожиддиновнинг илмий мақолалари республика илмий журналларида чоп этилмоқда.

1988 йилда унга «Ўзбекистон Республикаси ҳалқ маорифи аълочиси» унвони берилган. 1992 йил Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Фахрий ёрлиги» билан мукофотланган.

ПЎЛАТЖОН САЛИМОВИЧ СУЛТОНОВ



Пўлатжон Салимович Султонов 1958 йил 9 майда Наманган вилояти Чуст тумани Олмос қишлоғида туғилган. 1975 йилда Олмос қишлоғидаги 20-ўрта мактабни битирган.

1975—1980 йилларда Тошкент давлат университетининг (ҳозирги ЎзМУ) геология факультетида ўқиган.

1980—1986 йилларда ТошДУнинг геология факультети литология кафедрасида муҳандис-тадқиқотчи лавозимида ишлаган.

1986—1987 йилларда «Тошкентгеология» бирлашмасининг конларни комплекс қидириш экспедициясида геолог бўлиб фаолият кўрсатган.

1987—1990 йилларда Ўзбекистон фанлар академиясининг Геология ва геофизика институти аспирантура-саннинг кундузги бўлимида ўқиб, 1991 йилда «Фарғона водийсида тарқалган палеоген даврига хос табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш имкониятларини тадқиқ этиш» мавзусида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган ва геология-минералогия фанлари номзоди илмий даражасини олган.

1990—1992 йилларда шу институтда кичик илмий ходим вазифасида ишлаган.

1992—1993 йилларда ТошДУнинг геология факультети литология кафедрасига ўқитувчи лавозимида ишлашга таклиф этилган.

1993—1999 йилларда Наманган саноат-технология институтининг (ҳозирги НамМПИ) технология факультети, экология ва меҳнат муҳофазаси кафедрасида катта ўқитувчи лавозимида ишлади.

1999 йилдан ҳозиргача экология ва меҳнат муҳофазаси кафедраси мудири лавозимида ишлаб келмоқда.

1999 йилда экология ва кимё кафедраси бўйича доцент илмий унвонини олган.

2000 йилда Республика «Устоз» жамғармаси йўлланмаси билан Франциянинг Париж шаҳрида экология соҳаси бўйича малака ошириб қайтган.

П. С. Султонов I та дарсликка ҳаммуаллиф, 10 дан ортиқ услубий қўлланма ва кўрсатмалар ҳамда 50 дан зиёд илмий мақолалар муаллифидир.

Ҳозирги кунда «Фарғона водийси ҳудудида тарқалган табиий ресурслардан самарали фойдаланиш имкониятлари» мавзусида докторлик диссертацияси устида илмий-тадқиқот ишларини олиб бормоқда.

ЁДГОР КЕНЖАБОЕВИЧ ТИЛЛАБОЕВ



Ёдгор Кенжабоевич Тиллабоев 1970 йил 27 январда Наманган вилояти Янгиқўрғон тумани Бекобод қишлоғида зиёли оиласила туғилган.

1977 йилда Янгиқўрғон туманидаги А. Навоий номли 20-ўрта мактабга ўқишига кириб, 1987 йилда мазкур мактабни битирган. 1987 йили Тошкент давлат университетининг (ҳозирги ЎзМУ) амалий математика ва механика факультетига ўқишига кириб, 1992 йилда тамомлаган.

Меҳнат фаолиятини шу йили Наманган шаҳар иқтидорли болалар махсус мактаб-интернат лицейида физика-математика ўқитувчиси бўлиб бошлаган.

1993—1995 йилларда Наманган саноат-технология институтида (ҳозирги НамМПИ) ҳисоблаш техникаси кафедрасида ассистент сифатида фаолият кўрсатди.

1995—2000 йилларда Ўзбекистон Фанлар академияси Механика ва иншоотлар сейсмик мустаҳкамлиги институтида стажёр-тадқиқотчи, аспирант, кичик илмий ходим бўлиб ишлаган.

2000 йилда Ўзбекистон миллий университети қошидаги Ихтисослаштирилган кенгашда «Суюқлик, газ ва плазмалар механикаси» мутахассислиги бўйича «Газли суюқлик аралашмаси ҳаракатида газ тифакчалари деформациясини ҳисобга олгандаги гидродинамик эфектлар» мавзусидаги номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди ва физика-математика фанлари номзоди илмий даражасига эга бўлди.

Техника фанлари доктори К. Ш. Латипов ушбу номзодлик ишида бажарилган тадқиқотни фан ва ишлаб чиқариш интеграциясининг ажойиб намунаси сифатида таърифлаб, изланувчининг олган илмий натижаларини газ ва суюқлик аралашмасини қувурлардаги ҳаракати масаласида қўлланиладиган математик моделларнинг яроқлилик чегарасини аниқлаш ва қувур деворларида юз берадиган куруқ ишқаланишни олдини олиш масалаларини ҳал этишда муҳим аҳамият касб этишини алоҳида таъкидлаб ўтган.

Ё. К. Тиллабоев ҳозирда «Газ ва суюқликларнинг қувурлардаги ҳаракати давомида ҳароратнинг ўзгаршини ҳисобга олиш натижасида ҳосил бўладиган гидродинамик эфектлар» мавзусидаги докторлик диссертацияси устида илмий изланишлар олиб бормоқда.

2000 йилдан бўён Наманган муҳандислик-педагогика институтининг ҳисоблаш техникаси кафедраси мудири лавозимида ишлаб келмоқда.

20 дан ортиқ илмий мақола ва ўқув-услубий кўрсатмалар чоп эттирган.

МАҲКАМБОЙ АБДУРАҲМОНОВИЧ ТОШМИРЗАЕВ



Маҳкамбой Абдураҳмонович Тошмирзаев 1956 йили 30 ноябрда Наманган вилояти Норин тумани Учтепа қишлоғида туғилган. 1975—1987 йилларда ЎзФАНИНГ Физикатехника илмий-текшириш институтида лаборант, муҳандис, кичик илмий ходим лавозимларида ишлаш билан бирга Тошкент давлат университетининг (ҳозирги ЎзМУ) физика факультетида ўқиди ва 1982

йилда тамомлади. 1987 йили «Қуёш печида бор кристаллини ўстириш ва унинг электрофизик хоссаларини ўрганиш» мавзусида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган ва физика-математика фанлари номзод илмий даражасига эга бўлган. 1987—1990 йилларда Тошкент «Эльбор» ишлаб чиқариш бирлашмасида етакчи муҳандис-технолог лавозимида ишлади.

1990 йилдан буён Наманган саноат-технология институтида (ҳозирги НамМПИ) катта ўқитувчи, доцент, кафедра мудири ва факультет декани лавозимларида, 2001 йил декабрь оидан бошлаб эса электроэнергетика кафедрасида доцент лавозимида ишлаб келмоқда.

М.А.Тошмирзаевнинг 40 дан ортиқ илмий-услубий ишлари республика ва халқаро нашрларда чоп этилган, 2 та муаллифлик гувоҳномасини олган.

1997 йилда Тошкент шаҳрида ўтказилган «Янги техника ва технологиялар» бўйича республика танловида совринли ўринни эгаллаган.

М.А.Тошмирзаев 1998 йилда АҚШнинг Нью-Йорк университетида, 2001 йили эса Жанубий Кореянинг Комасиват малака ошириш марказида малака оширган.

Ҳозирда М.А.Тошмирзаев электроэнергетика кафедрасида мутахассислик фанларидан бакалавр ва магистрларга таълим бериш билан бирга, «Ўта мустаҳкам материалларни синтезлаш ва хоссаларини ўрганиш» мавзуси бўйича илмий изланишлар олиб бормоқда.

НУРМАТЖОН ТУРҒУНОВИЧ ТУРҒУНОВ



Нурматжон Турғунович Турғунов 1944 йил 1 октябрда Самарқанд (ҳозирги Навоий) вилояти Нурота шаҳрида хизматчи оиласида туғилган.

1951—1961 йилларда Қўқон шаҳридаги А. Умарий номли ўрта мактабда ўқиб, уни кумуш медаль билан битирган.

1961—1970 йилларда А.Навоий номли Самарқанд давлат университетининг механика-математика факультетида ўқиган.

1963—1967 йилларда ҳарбий-денгиз флотида хизматда бўлган. 1965 йили намунали хизмати учун «20 лет Победы» медали ва «За дальний поход» кўкрак нишони билан тақдирланган.

1970—1972 йилларда Украина Фанлар академияси-нинг Математика институтида стажёр-тадқиқотчи бўлиб ишлаган, 1972—1975 йилларда эса шу институт аспирантурасида ўқиган.

1975 йилда академик Ю. А. Митропольский ва профессор А. А. Березовский раҳбарлигида «Асимптотические методы в нелинейных задачах стержней, пластин и оболочек» мавзусида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилиб, физика-математика фанлари номзоди илмий даражасини олган.

Илмий ишлари юқори частотали даврий кучлар тарьсирида чизиқли бўлмаган «Гук қонунига бўйсунувчи эластик жисмларнинг турғунлигини кучайтиришга бағишиланган бўлиб, олинган илмий натижалар 1974—1975 йилларда «Украина математика журнали»да ва Математика институтининг бир қанча илмий ишлар тўпламида чоп этилган.

1976—1982 йилларда Фарғона политехника институти олий математика кафедраси ассистенти, катта ўқитувчи ва умумтаълим кафедраси мудири лавозимида ишлаган.

1982 йилдан бери Тошкент политехника институти Наманган филиалининг (ҳозирги НамМПИ) олий математика кафедраси доценти лавозимида ишлайди. Ҳозирги кунда ҳам илмий изланишларни давом эттириб, олинган натижалари билан ҳалқаро ва республика конференцияларида қатнашиб келмоқда.

Илмий-педагогик фаолияти давомида 22 та илмий мақола, 30 та услубий қўлланма ва кўрсатмаларни чоп этирган.

СОБИТХОН ТОШПҮЛАТОВИЧ ТУРГУНОВ



Собитхон Тошпүлатович Тургунов 1965 йил 19 марта Наманган вилояти Чортоқ тумани Короскон қишлоғида туғилған.

1981 йилда Чортоқ туманидаги З-ўрта мактабни муваффақиятли таомомлади. 1981—1982 йилларда Чортоқ туманидаги 84-қурилиш-таъмирлаш участкасида қурувчи бўлиб ишлади.

1982 йилда Фаргона давлат педагогика институтининг умумтехника фанлари ва меҳнат таълими факультетига ўқишига кирди.

1984—1986 йилларда ҳарбий хизматни ўтади.

Ҳарбий хизматдан сўнг С. Т. Тургунов ўқишини давом эттириди ва 1990 йилда институтни имтиёзли диплом билан тамомлаб, Чортоқ туманидаги З-ўрта мактабда физика ва меҳнат таълими ўқитувчиси, 1991—1992 йилларда Наманган давлат педагогика институтининг (ҳозирги НамДУ) умумтехника кафедраси ўқитувчиси лавозимларида ишлади.

1992—1993 йилларда Москва давлат педагогика университетида стажёр-тадқиқотчи вазифасида фаолият кўрсатди ва 1993 йилда шу университет қошидаги илмий кенгашда номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди ва педагогика фанлари номзоди илмий даражасига сазовор бўлди.

1993 йилдан 1998 йилгача НамДУда ўқитувчи, катта ўқитувчи, доцент вазифасини бажарувчи лавозимларида фаолият кўрсатди.

1998—2001 йилларда Наманган мұжандислик-педагогика институтида кафедра мудири, факультет декани лавозимларида ишлади.

2001 йилдан Наманган вилоят педагогларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти ректори лавозимида фаолият кўрсата бориб, кафедраларда олиб борилаётган «Ўқувчиларни эркин ва мустақил фикрлашга ўргатишнинг педагогик ва психологик омиллари», «Ўқувчиларда Ватан туйғусини шакллантиришда ижтимоий фанларнинг роли», «Баркамол авлодни тарбиялашда амалий кўникмаларни шакллантириш муам-

молари» мавзуларида олиб борилаётган илмий-тадқиқот ишларига бевосита раҳбарлик қилмоқда. Шу билан бирга, «Ўқувчи-ёшларни истиқлол мағкураси гоялари руҳида тарбиялашда ҳалқ педагогикаси манбааларидан фойдаланиш» мавзусида илмий изланишлар олиб бормоқда. Унинг 35 дан зиёд илмий ва ўқув-услубий ишлари журнал ва тўпламларда чоп этилган.

С. Т. Тургунов айни чорда Санкт-Петербург давлат педагогик маҳорат университети, Санкт-Петербург давлат политехника университети ҳамда умумтаълим мактаблари, шунингдек, Польша давлатининг малака ошириш ўқув даргоҳлари билан илмий-амалий ҳамкорлик қилиб келмоқда.

АҲМАДЖОН АДАШЕВИЧ ТЎХТАБОЕВ



Аҳмаджон Адашевич Тўҳтабоев 1966 йил 17 ноябрда Наманган вилояти Уйчи тумани Жийдакапа қишлоғида туғилган.

1974—1984 йилларда Жийдакапа қишлоғидаги 2-ўрта мактабда ўқиган.

1984—1991 йилларда Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш муҳандислари институтида ўқиган. 1984—1986 йиллари ҳарбий хизматда бўлган.

1991—1992 йилларда Уйчи тумани ичимлик суви ишлаб чиқариш ва таъмирлаш корхонасида 1-даражали иш юритувчи вазифасида ишлаган.

1993—1994 йилларда Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш муҳандислари институтида стажёр-тадқиқотчи сифатида фаолият кўрсатган.

1994—1997 йиллари шу институт аспирантурасида таҳсил олган. 2002 йилда Самарқанд давлат архитектура ва қурилиш институтида «Материалнинг ёпишқоқ-эластик ҳусусиятини ва гидродинамик сув босимини ҳисобга олганда тўғон-пластинанинг тебраниши» мавзусида номзодлик диссертациясини мувафақиятли ҳимоя қилган ва техника фанлари номзоди илмий дарajasiga эришган.

А. Тұхтабоевнинг долзарб мавзулардаги 3 та мақоласи хорижда (Россия, Қозғалыстан), 40 дан зиёд илмий-услубий мақолалари республика илмий журналлари ва түпнамаларда чөп этилган.

1998—2002 йилларда Тошкент ирригация ва қишлоқ хұжалигини механизациялаш мұҳандислари институтида асистент лавозиміда ишлаган.

2002 йил сентябрь ойидан Наманган мұҳандислик-педагогика институтида доцент вазифасини бажарувчи бўлиб ишлаб келмоқда.

ҚОДИРЖОН МАҲАММАДАМИНОВИЧ УМАРҚУЛОВ



Қодиржон Маҳмадаминович Умарқұлов 1973 йил 29 августда Наманган вилояты Учқұрғон тумани Элатан қишлоғыда зиёли оиласида таваллуд топган.

1980—1990 йилларда Учқұрғон туманинде 14-үрта мактабда таҳсил олган. 1991 йилда Наманган давлат педагогика институтининг (хозирги НамДУ) математика факультетига ўқишга кириб, уни 1996 йилда тамомлаган

ва математика ўқытуvчиси мұтахассислигини олган.

Мәжнат фаолиятини 1996—1997 йилларда Учқұрғон туманинде «Яшиқобод» савдо матлубот ҳиссадорлик жамиятида ҳисобчи вазифасида бошлаган.

1997—2000 йиллар мобайнида Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Иқтисодиёт институти аспирантурасининг кундузги бўлимида таҳсил олган.

2000—2002 йилларда «Яшиқобод» савдо матлубот ҳиссадорлик жамиятидаги ҳисобчилик ишини давом эттирган.

2002 йилда Тошкент давлат техника университети қошидаги Ихтисослашган кенгашда «Мулкчиликнинг турли шакллари шароитида енгил саноат корхоналарини ривожлантиришнинг иқтисодий механизмі» (Наманган вилояты енгил саноат корхоналари мисолида) мавзусида номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилиб, иқтисод фанлари номзоди илмий даражасига эга бўлган.

2003 йилдан ҳозирга қадар Наманган мұхандислик-педагогика институти иқтисодиёт факультети менежмент кафедрасыда доцент вазифасини бажарувчи лавозимида фаолият олиб бормоқда.

У бир неча республика ва хориж миқёсіда ўтказылған илмий-амалий конференциялар иштирокчысыдир. 5 та илмий мақолалари нашр қилингандар.

Қ. М. Умарқұлов ўзининг илмий-педагогик фаолияти билан илм-фан тараққиеті ва малакали кадрлар тайёрлашға муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Ҳозирги кунда «Бозор иқтисодиёти шароитида саноат корхоналари иқтисодий самарадорлигини ошириш муаммолари» мавзусида илмий-тадқиқот олиб бормоқда.

АКРАМЖОН ҲАКИМОВИЧ ҮМУРЗОҚОВ



Акрамжон Ҳакимович Үмурзоков 1963 йил 10 февралда Наманган вилюяты Чорток туманиндағы Күшон қишлоғыда хизматчи оиласыда туғилған.

1979 йили Чорток туманиндағы 42-үрта мактабни олтин медаль билан тамомлаган.

1985 йили Тошкент политехника институтини «Гидромелиоратив ишларни механизациялаш» мутахассислиги бүйіча тамомлаган. 1985 йилда ёш мутахассис сифатыда Ўзбекистон Фанлар академиясининг Механика ва иншоотлар сейсмик мустаҳкамлиги институтига ишга юборилған.

А. Ҳ. Үмурзоков мазкур институтда катта лаборант, мұхандис, стажёр-тадқиқотчи лавозимларида ишлаган ҳамда шу институт аспирантурасынинг кундузги бўлимида ўқиган.

1986—1987 йилларда ҳарбий хизматни ўтаган.

1987—1989 йилларда Москва машинашунослик институтидаги стажёр-тадқиқотчи бўлған.

1993 йили ЎЭФА Механика институтининг Ихтинослаштирилған кенгашыда «Юқори частотали тебра-нишлар воситасыда бошқариладиган фрикцион механизmlарни ишлаб чиқиш ва тадқиқ этиш» мавзусидаги

номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилған ва техника фанлари номзоди илмий даражасига эришган.

У 1992—2000 йилларда Наманган саноат-технология институтида (ҳозирги НамМПИ) асистент, катта ўқитувчи, кафедра мудири, доцент лавозимларида ишлаган.

Илмга бўлган интилиш ва қизиқишлар туфайли у 2000—2003 йилларда ЎзФА Механика ва иншоотлар сейсмик мустаҳкамлиги институти докторантурасининг кундузги бўлимида таҳсил олган. Унинг илмий-тадқиқот ишлари йўналиши машина ва механизмлар назарияси, машиналар динамикаси бўйича бўлиб, шу соҳадаги республикамизнинг таниқли олимлари билан илмий ҳамкорликда иш олиб бормоқда.

2003 йил декабрдан бошлаб НамМПИнинг илмий-тадқиқот бўлими бошлиғи сифатида фаолият кўрсатмоқда.

У Ўрта-махсус таълим маркази буюртмасига биноан 2001 йили «Автомобилларнинг тузилиши, техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш» китобини рус тилидан ўзбек тилига таржима қилган. Мазкур китоб «Мехнат» нашриётида чоп этилган бўлиб, ундан касб-хунар коллажларида дарслик сифатида фойдаланилмоқда.

Олимнинг ҳозиргача 40 та илмий-услубий мақолалари хориж ва республика илмий нашрларида чоп этилган. 4 та ихтиро учун муаллифлик гувоҳномасига эга.

ҲОШИМЖОН БУНАТОВИЧ ЎРИНБОЕВ



Ҳошимжон Бунатович Ўринбоев 1958 йил 6 марта Наманган вилояти Уйчи тумани Ёркўргон қишлоғида туғилган.

1975 йилда Ёркўргон қишлоғидаги 18-ўрта мактабни тутатган.

1979—1982 йилларда Наманган-даги 15-механизациялашган кўчма жамланмада катта сантехник бўлиб ишлаган.

1982—1985 йилларда Наманган давлат педагогика институтида

(хозирги НамДУ) хўжалик бошқармаси механизги, 1985—1989 йилларда талабалар уйида бошқарувчи лавозимида фаолият кўрсатган.

1989 йил Фаргона давлат педагогика институтини (хозирги ФарДУ) тамомлаган. Муаллимлик фаолиятини 1989 йил Уйчи туманидаги 39-ўрта мактабда ўқитувчиликдан бошлади.

1990—1996 йилларда Наманган саноат технология институтининг (хозирги НамМПИ) философия ва сиёсатшунослик кафедрасида катта ўқитувчи лавозимида ишлаган.

1995 йилда социология фанлари номзоди илмий дарражасини олди. 1997—1998 йилларда институт маъмурӣ-хўжалик ишлари бошқармаси бошлиғи лавозимида ишлаган.

1998—2003 йилларда тарих ва диншунослик кафедрасида катта ўқитувчи, 2004 йилдан бошлаб фалсафа кафедрасида катта ўқитувчи лавозимида ишлаб келмоқда.

У 20 дан ортиқ илмий ва ўқув-услубий ишлар муаллифи дидир.

ФУЛОМЖОН ЎРИШЕВ



Фуломжон Ўришев 1946 йил 17 июнда Андижон вилояти Балиқчи тумани Зулфиқор қишлоғида туғилган.

1952 йили тумандаги 11-ўрта мактабнинг 1-синfigа ўқишига кириб, 1962 йили тумандаги 6-ўрта мактабнинг 10-синфини тамомлаган. Шу йили Тошкент ирригациялаш ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мұҳандислари институтининг Андижон филиалига «Қишлоқ хўжалигини механизациялаш» ихтисослиги бўйича ўқишига кириб, 1967 йили шу ихтисослик бўйича Андижон пахтачилик институтини тамомлаган.

Меҳнат фаолиятини 1968 йилдан Ўрта Осиё қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва электрлаштириш илмий-тадқиқот институтида (хозирги ЎзМЭИ) кичик илмий ходим лавозимида бошлаган.

1968 йил май ойидан 1969 йил май ойигача ҳарбий хизматни ўтаган. 1970—1972 йилларда зобитлар сафида хизмат қилган.

Хизматдан сўнг меҳнат фаолиятини давом эттириб, 1975 йили ЎзМЭИ аспирантурасининг кундузги бўлимига ўқишга кириб, «Тукли пахта чигитларини экишга тайёрлаш технологияси ва машинанинг ишчи органлари ўлчамларини асослаш» мавзусида илмий иш олиб борган. 1982 йили қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини механизациялаш ихтисослиги бўйича номзодлик диссертациясини ёқлаган. 1982 йилдан 1989 йилгacha шу институтнинг машина-трактор паркини эксплуатация қилиш бўлимida катта илмий ходим лавозимида ишлаган.

1989 йил август ойидан бошлаб, институт раҳбариятининг таклифига биноан педагогик фаолиятини Тошкент политехника институтининг Наманган филиалида (ҳозирги НамМПИ) катта ўқитувчи лавозимида давом эттирмоқда. Ҳозирги кунда транспорт факультетининг автомобиллар, тракторлар ва ўқитиш методикаси кафедрасида доцент лавозимида ишлаб келмоқда.

У ўзининг илмий-педагогик фаолияти мобайнода 60 дан зиёд илмий мақола ва услубий кўрсатмалар ёзган ҳамда 4 та ихтиро учун муаллифлик гувоҳномасига эга.

Ҳозирги пайтда «Ғўза қатор ораларига кузги буғдой экиш технологиясини такомиллаштириш ва экиш агрегатини яратиш» мавзусида давлат гранти бўйича илмий-тадқиқот ишлари олиб бормоқда.

НОДИРАХОН ОРИФЖОНОВНА УСМОНОВА



Нодирахон Орифжоновна Усмонова 1967 йил 11 майда Наманган шаҳрида таваллуд топган.

1984 йилда шаҳардаги 6-ўрта мактабни тамомлаб, Наманган давлат педагогика институти (ҳозирги НамДУ)нинг рус тили ва адабиёти факультетига ўқишга кирди.

1989 йилда ўқишни тамомлаб, Наманган туманидаги 34-ўрта мактабда рус тили фани ўқитувчиси лавозимида иш бошлади.

1990—1991 йилларда Наманган давлат педагогика институтида бошланғич таълим методикаси кафедрасида ўқитувчилик қилди.

1991—1993 йилларда Москва давлат педагогика университетида илмий изланишлар олиб бориб, 1993 йилда «Педагогика тарихи ва назарияси» йўналиши бўйича номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди.

1993 йилдан 1998 йилгача НамДУда катта ўқитувчи лавозимида ишлади.

1998 йилдан ҳозирга қадар Наманган мұхандислик-педагогика институти чет тиллар кафедрасида катта ўқитувчи лавозимида фаолият кўрсатиб келмоқда.

Н. Усмонованинг 1993 йилда Москва давлат педагогика университетида «Подготовка студентов педагогических вузов к работе с родителями учащихся профессионально-технических училищ» мавзусидаги монографияси чоп этилган.

РАҲМАТЖОН ФУЛОМОВ



Раҳматжон Фуломов 1958 йилнинг 17 июнида Наманган шаҳрида ишчи оиласида туғилди. 1975 йилда шаҳардаги 13-ўрта мактабни аъло баҳолар билан тутатиб, Тошкент давлат университетининг (ҳозирги ЎзМУ) физика факультетига ўқишга кирган. 1980 йилда ўқишни битириб, йўлланма билан Тошкент политехника институтининг Наманган филиалига (ҳозирги НамМПИ) асистент лавозимига ишга қабул қилинган.

1983—1985 йилларда Ленинград (ҳозирги Санкт-Петербург) шаҳридаги академик А. Ф. Иоффе номли физика-техника институтининг «Оптоэлектроника» лабораториясига стажёр-тадқиқотчи сифатида ишга юборилди.

1985—1988 йилларда шу институтнинг аспирантурасида таҳсил олди. Нобель мукофоти совриндори академик Ж. И. Алферов лабораториясида профессор В. И. Корольков раҳбарлигида InGaAsInP-гетеро ўтишларда

баллистик ва квазибалистик таранспортларни электролюминесценция ёрдамида аниқлаш бўйича илмий ишлар олиб бориб, 1988 йил ноябрь ойида номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди ва физика-математика фанлари номзоди илмий даражасига эга бўлди.

1988 йилдан бошлаб катта ўқитувчи, институт тайёрлов бўлими декани, 1991 йилдан эса филиал негизида ташкил қилинган Саноат-технология институтининг физика кафедрасида доцент лавозимида ишлади.

1999 йилдан Наманган мұжандислик-педагогика институтида доимий фаолият кўрсатувчи қабул комиссияси раҳбари лавозимида иш олиб борди.

2003 йилдан эса янги ташкил этилган энергетика факультети декани лавозимида ишламоқда. Р. Ғуломов НамМПИда илмий-тадқиқот ишларини ривожлантириш, илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш, иқтидорли талаба-ёшлиар билан ишлаш, бюджетдан ташқари мабллаг топиш соҳаларида ҳам ўз ҳиссасини қўшмоқда. Жумладан, 2003 йилдан у Республика Фан ва технологиялар марказининг «Яримўтказгичларда электр юритувчи кучлар пайдо бўлишининг янги механизмлари» мавзуси бўйича давлат гранти ижрочилари сафида фаолият кўрсатмоқда.

Ҳозирда InGaAsInP-гетеро ўтишларда кузатилаётган ёруғликларнинг қутбланиш даражасини ўрганиш бўйича илмий ишлар олиб бормоқда.

Доцент Р. Ғуломов 30 дан ортиқ илмий, ўқув-услубий ва амалий ишлар муаллифидир.

АБДУЛБОҚИ АБДУЛАҲАДОВИЧ ҲАКИМОВ



Абдулбоқи Абдулаҳадовиҷ Ҳакимов 1957 йил 25 октябрда Наманган вилояти Наманган туманининг Тошбулоқ қишлоғида таваллуд топган. У 1964—1974 йилларда Наманган туманидаги 23-ўрта мактабда таҳсил олган.

А. А. Ҳакимов 1974 йили Тошкент давлат университети (ҳозирги ЎзМУ) тарих факультетининг фал-

сафа бўлимига ўқишига кириб, 1979 йили мазкур факультетни муваффақиятли тамомлаган. Шу йили Олий таълим вазирлиги йўлланмасига кўра ёш мутахассис сифатида Қўқон давлат педагогика институтининг фалсафа кафедрасига ўқитувчи лавозимига ишга юборилган.

1982 йилдан Тошкент политехника институти Намангандаги филиалининг (ҳозирги НамМПИ) ижтимоий фанлар кафедрасида кабинет мудири, асистент-ўқитувчи ва катта ўқитувчи лавозимларида меҳнат фаолиятини давом эттирган.

1991 йил фалсафа фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун «Жамият тараққиётини билишда ижтимоий нормаларнинг ўрни ва аҳамияти» мавзусидаги диссертацияни муваффақиятли ҳимоя қилди. Диссертация мавзуси юзасидан фалсафа фанлари доктори, профессор М. Абдуллаев жамият ҳаётини ўрганиш ва ижтимоий бошқарувда нормалар ўта муҳим аҳамият касб этишини таъкидлаб ўтган.

А. А. Ҳакимов илмий-педагогик фаолияти даврида 30 дан ортиқ номда илмий, илмий-услубий рисола, мақола ва илмий ёрдамчи манбаларни чоп этишига эришди. Унинг илмий-услубий ишларининг натижалари ижтимоий фанлардаги энг муҳим муаммоларни ечишга, илғор педагогик технологияларни ўқув жараёнинга тадбиқ этишига ва талабалар ўртасида миллый истиқдол гоясининг қарор топишига кўмаклашади.

Олим 2000 йилдан бошлаб Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти кафедраси мудири лавозимида ишлаб келмоқда. Шу билан бирга у вилоят, шаҳар миқёсида миллый истиқдол гоясини тарғиб этиш борасида маънавий-маърифий, оммавий тадбирларда фаол иштирок этиб келмоқда.

Ҳозирги пайтда «Фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришда ижтимоий нормаларнинг роли» мавзусида докторлик диссертацияси устида иш олиб бормоқда.

АНВАР ФАРМОНОВИЧ ҲАКИМОВ



Анвар Фармонович Ҳакимов 1958 йили Самарқанд вилояти Нурутта тумани Нурутта шаҳрида туғилган. У 1975 йил ўрта мактабни тутгатгач, Тошкент политехника институти муҳандислик-қурилиш факультетига ўқишига кирди.

Институтни имтиёзли диплом билан тамомлаб, 1980 йилда ТошПИ илмий-тадқиқот бўлимида ишлай бошлади. 1982 йилдан Самарқанд меъморчилик-қурилиш институти «Қурилиш меҳаникаси» кафедрасида асистент, илмий тадқиқотчи, 1985 йилдан ТошПИда аспирант бўлиб илмий ишлар билан шуғуллана бошлади.

1988 йилдан ҳозирга қадар ТошПИнинг Наманган филиалида (ҳозирги НамМПИ) асистент, доцент, кафедра мудири, факультет декани, «Ички назорат ва мониторинг» бўлими бошлиғи вазифаларида ишлаб келмоқда.

1990 йил А. Ҳакимовнинг қурилиш йўналиши тала-балари учун «Динамика устойчивость и сооружений» ўкув қўлланмаси чоп этилган. «Қурилиш меҳаникаси» фанидан ўкув қўлланмаси Олий ўкув юртлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи кенгашда ижобий баҳоланиб, чоп этишга тавсия этилган.

А. Ҳакимовнинг илмий мақолалари хорижий мамлакатлар ва республикамизнинг нуфузли журнallарида чоп этилган. Илмий-тадқиқот натижалари билан ҳалқаро, республика миқёсидаги анжуманларда иштирок этган.

А. Ҳакимов 40 дан ортиқ илмий ва ўкув-услубий ишлар муаллифидир.

ШУКРУЛЛО АБДУРАҲМОНОВИЧ ҲАҚИМОВ



Шукрullo Абдураҳмонович Ҳакимов 1956 йил 10 сентябрда Наманган вилояти Тўракўрғон тумани Шаҳанд қишлоғида хизматчи оиласида туфилган.

1963 йил Шаҳанд қишлоғидаги 33-ўрта мактабга ўқишга кириб, 1973 йили уни олтин медаль билан таомолаган.

1974 йилда Фарғона политехника институтига ўқишга кириб, 1979 йилда мазкур институтни «Саноат ва фуқаро қурилиши» мутахассислиги бўйича тугатган.

1979—1984 йилларда Наманган вилоятидаги қурилиш трестларига қарашли маҳсус қурилиш ташкилотларида муҳандис, катта иш юритувчи, участка бошлиғи вазифаларида ишлаб келди.

1984 йилнинг сентябррида Тошкент политехника институтининг Наманган филиали (ҳозирги НамМПИ) қурилиш факультетига қурилиш ишлаб чиқариши технологияси фанидан асистент лавозимига ишга қабул қилинди.

1986—1988 йилларда ТошПИ аспирантурасининг кундузги бўлимида таҳсил олган ҳолда Москвадаги Бетон ва темир-бетон илмий-текшириш институти лабораториясида профессор Б. А. Крилов раҳбарлигига «Арболит ва унинг қуруқ-иссиқ иқлим шароитларида қотиш хусусиятлари» мавзусида илмий-тадқиқот ишларини олиб борди ҳамда 1989 йилда номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди.

Ҳозирда Наманган муҳандислик-педагогика институти бинолар ва саноат иншоотлари қурилиши кафедрасининг доценти сифатида фаолият кўрсатмоқда. У кафедра профессор-ўқитувчилари ва талабаларидан иборат ижодий жамоанинг аъзоси сифатида хўжалик шартномаси асосида вилоятдаги ташкилот ва кичик корхоналарга «Атмосферага чиқаётган чиқиндиларнинг инвентаризацияси ва уларни меъёrlаш», «Қаттиқ ва суюқ чиқиндиларнинг инвентаризацияси ва уларни жойлаштириш лимитларини аниқлаш» меъёрий ҳужжатларини ҳамда янги қурилаётган қурилиш обьектлари учун «Ат-

роф-муҳитга ўтказилаётган таъсир баённомаси» лойиҳасини тайёрлаб бермоқда.

1998 йили кўп йиллик самарали ва ҳалол меҳнати ҳамда ўз хизмат вазифасига бўлган садоқати учун Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта-максус таълим вазирлигининг «Фахрий ёрлиғи» билан мукофотланган.

Олимнинг илмий-педагогик фаолияти давомида 50 дан зиёд илмий ва ўқув-услубий ишлари чоп этилган.

ШАВКАТ ЗУРИЁТОВИЧ ХАЛИЛОВ



Шавкат Зуриётович Халилов 1942 йил 9 февралда Самарқанд шаҳрида туғилган.

1959 йили Андижон шаҳридаги 1-ўрта мактабни тутатган. 1959—1960 йиллари Тошкент Олий умумий ҳарбий командирлик ўқув юритида ўқиган. 1965 йилда Тошкент қишлоқ хўжалигини ирригациялаш ва механизациялаш муҳандислари институтини тутатган.

Меҳнат фаолиятини 1965 йилда Андижон вилояти «Узсельхозтехника» бирлашмасида катта муҳандис лавозимида бошлаган. 1968—1971 йилларда Урта Осиё қишлоқ хўжалигини механизация ва электрофикациялаш илмий-текшириш институтида аспирант, 1971—1975 йиллари Фаргона политехника институтининг назарий механика кафедрасида катта ўқитувчи бўлиб ишлаган. 1975 йилда номзодлик диссертациясини ёқлаган ва техника фанлари номзоди илмий даражасига эга бўлган. 1976—1980 йиллари Тошкент қишлоқ хўжалигини ирригациялаш ва механизациялаш муҳандислари институтининг Янгиер филиалида ўқув ва илмий ишлар бўйича директор мувовини лавозимида ишлади.

У 1980 йилдан бўён Тошкент политехника институтининг Наманган филиалида (ҳозирги НамМПИ) доцент, назарий механика кафедраси мудири, 1996 йилдан бошлаб умумтехника фанлари кафедраси доценти лавозимида ишлаб келмоқда.

1991 йилда «Назарий механика» номли дарслиги чоп этилган. Унинг ҳозиргача 80 га яқин илмий ва

ўқув-услубий мақолалари чет эл ва республика нашрларида босилган.

АДҲАМЖОН ҲАМИДОВ



Адҳамжон Ҳамидов 1954 йил 24 майда Наманган вилояти Наманган шаҳрида зиёли оиласида туғилган.

1961—1971 йилларда шаҳардаги 6-ўрта мактабда ўқиган.

1971 йил Тошкент политехника институтининг қурилиш факультетига ўқишга кириб, 1976 йил қурилиш ихтисослиги бўйича тамомлади ва муҳандис-қурувчи-технолог мутахассислигини эгаллади. Меҳнат

фаолиятини Тошкент политехника институтининг йифма темир-бетон ишлаб чиқариш кафедрасида изланувчи-тадқиқотчи сифатида бошлади.

1978 йилда Москва бетон ва темир-бетон илмий-текшириш институти аспирантурасининг кундузги бўлимига ўқишга кириб, 1982 йилда муваффақиятли тутади ва номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди. Шу йилдан ТошПИнинг Наманган филиалида (ҳозирги НамМПИ) асистент лавозимида иш бошлади.

А. Ҳамидов 1984 йилдан қурилиш материалларининг технологик конструкцияси (ҳозирги бино ва саноат иншоотлари қурилиши) кафедраси мудири, 1985 йилдан қурилиш факультети декани, 1991 йилдан янги ташкил этилган Наманган саноат-технология институтининг (ҳозирги НамМПИ) ўқув ишлари бўйича проектори, 1995 йилдан саноат ва фуқаро қурилиши (БСИҚ) кафедраси мудири лавозимларида ишлади.

1991—95 йилларда Наманган шаҳар кенгаши депутати ва жамоатчилик асосида «Фан, маданият, таълим ва соғлиқни сақлаш» доимий комиссияси раиси сифатида самарали фаолият кўрсатди.

А. Ҳамидов 1998 йилдан Тўрақўргон механика-иқтисодиёт коллежи директори, 2000 йилдан коллеж олий тоифали ўқитувчиси лавозимларида ишлади.

2001 йилдан бино ва саноат иншоотлари қурилиши кафедраси доценти ва Наманган шаҳар қурилиш ва

коммунал касб-хунар колледжида шу кафедранинг филиали мудири лавозимида меҳнат фаолиятини давом эттироқда.

Олимнинг 100 га яқин илмий-услубий ишлари чоп этилган. У 2 та ихтиро муаллифидир.

Ҳозирги вақтда «Ўзбекистон қуруқ-иссиқ иқлимида бетон сифатини яхшилаш» ва «Маҳаллий хом-ашёлардан қурилиш материаллари ишлаб чиқариш» мавзулари бўйича илмий-тадқиқот ишлари олиб бормоқда.

А. Ҳамидов ОЎМТВнинг бир неча бор «Фахрий ёрлиқ»лари билан тақдирланган.

АБДУСАТТОР АБДУЖАББОРОВИЧ ХОЛМИРЗАЕВ



Абдусаттор Абдужабборович Холмирзаев 1959 йил 12 сентябрда Наманган шаҳрида туғилган.

1966 йил Наманган шаҳридаги 12-ўрта мактабнинг биринчи синфига қабул қилинди. 1976 йил ўрта мактабни олтин медаль билан тугатиб, Тошкент политехника институтининг саноат ва фуқаро қурилиши факультетига ўқишга кирди.

1981 йил мазкур институтни «Қурилиш буюмлари ва конструкцияларини ишлаб чиқариш» мутахассислиги бўйича тамомлади ва унга муҳандис-қурувчи-технолог ихтисослиги берилди.

1981 йил сентябрь ойидан бошлаб Тошкент политехника институти Наманган филиали умумтехника фанлари кафедрасига асистент лавозимига ишга қабул қилинди.

1991—1995 йиллар давомида Москва шаҳридаги Бетон ва темир бетон илмий-тадқиқот институтининг сиртқи аспирантурасида таҳсил олди ва профессор А. Ф. Милованов раҳбарлигида илмий-тадқиқот ишларини олиб борди.

2001 йилда Тошкент архитектура-қурилиш инсти-

тутининг Ихтисослаштирилган кенгашида «Куруқ, иссиқ иқлим шароитида керамзитбетондан тайёранган сиқилувчи темир-бетон элементларнинг деформацияланувчанлиги, дарзбардошлиги ва мустаҳкамлиги» мавзусида номзодлик диссертациясини ёқлади. У олиб борган илмий-тадқиқот ишларининг натижаси Ўзбекистон Архитектура ва қурилиш давлат қўмитаси томонидан нашр этилган янги таҳрирдаги «Қурилиш меъёрлари ва қоидалари»га киритилди.

2002 йил апрель ойида Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг қарори билан А. Холмирзаевга техника фанлари номзоди илмий даражаси берилди.

А. Холмирзаев айни чоғда институт маҳсус сиртқи бўйленинг бошлиғи ва бино ва саноат иншоатлари қурилиши кафедрасида доцент лавозимида ишлаб келмоқда.

У ҳозирги кунда Россиянинг етакчи олимлари билан ҳамкорликда «Бино ва иншоатларнинг юқ кўтариувчи конструкцияларида енгил бетондан тайёранган темир-бетон конструкцияларини қўллаш» мавзусида илмий-тадқиқот ишларини давом эттироқда. Янги йўналишдаги илмий-тадқиқот ишининг натижалари Москвада нашр этиладиган «Бетон, жазелобетон» номли илмий-техник журналда нашр этилди.

Унинг 40 дан ортиқ илмий ва ўқув-услубий мақолалари чоп этилган.

ЖАВЛОНБЕК ЗОКИРЖОНОВИЧ ХОЛМИРЗАЕВ



Жавлонбек Зокиржонович Холмирзаев 1972 йил 27 октябрда Наманган вилояти Наманган тумани Олаҳамак қишлоғида зиёли оиласида туғилган.

1979 йили тумандаги 13-ўрта мактабнинг 1-синфига ўқишга кириб, 1989 йили Наманган шаҳридағи 7-политехника мактабининг 10-синфини муваффақиятли тамомлаган. Шу йили Тошкент машинасозлик институтининг Наманган филиалига (ҳозирги Нам-

МПИ) ўқишига кириб, 1994 йили шу институтнинг «Шаҳар автомобили эксплуатацияси ва таъмири» ихтиносослиги бўйича тамомлаган.

Меҳнат фаолиятини 1994 йил сентябрь ойидан Наманган саноат-технология институтининг (ҳозирги Нам-МПИ) умумтехника фанлари кафедрасида лаборатория мудири лавозимида бошлаган.

1995 йили ЎзФА Механика ва иншоотларнинг сейсмик мустаҳкамлиги институти аспирантурасига ўқишига кириб, илмий-тадқиқот ишларини олиб борди ва 1999 йили «Пахтани йирик хас-чўплардан тозалагич машиналарининг динамикаси» мавзусида «Машина ва механизmlар назарияси» ихтиносослиги бўйича номзодлик диссертациясини ёқлаб, техника фанлари номзоди илмий даражасини олган.

Педагогик фаолиятини 1999 йилда НамМПИда катта ўқитувчи лавозимида бошлаган.

2000 йилдан бери Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти профессор-ўқитувчилари билан ҳамкорликда «Ишчи органлари ўзгарувчан режимда ишловчи пахта тозалаш технологиясини илмий асослаш ва пахтани йирик хас-чўплардан тозалагич конструкциясини такомиллаштириш» мавзусида докторлик диссертацияси устида илмий-тадқиқот ишлари олиб бормоқда.

Илмий-педагогик фаолияти мобайнида 40 дан зиёд илмий мақола ва услубий кўрсатмалар чоп эттирган ҳамда 3 та ихтироси учун муаллифлик гувоҳномасини олган.

Ҳозирги кунда транспорт факультетининг транспорт воситаларидан фойдаланиш кафедраси мудири лавозимида ишламоқда.

Ж. З. Холмирзаев меҳнат фаолияти давомида моҳир педагог, меҳрибон устоз эканлиги ва ҳар қандай топширикқа масъулият билан ёндошганлиги туфайли жамоа аъзолари орасида ҳурмат-эътибор қозонган.

ҲАКИМЖОН ҲОШИМОВ



Ҳакимжон Ҳошимов 1955 йил 6 июнда Уйчи тумани Қизил равот қишлоғида туғилған. 1962—1972 йилларда 8-үрта мактабда ўқыған. 1973—1978 йилларда Тошкент қишлоқ хўжалик институтида (ҳозирги ТДАУ) ўқиб, ўсимликларни зааркунанда ва касалликлардан ҳимоя қилиш ихтинослиги бўйича имтиёзли диплом билан битирған. 1978—1980 йилларда Тошкент қишлоқ хўжалиги институтининг «Энтомология ва зоология» кафедрасида ишлаган.

1980—1991 йиллар давомида Ўрта Осиё ўсимликларни ҳимоя қилиш илмий-тадқиқот институтида катта лаборант, кичик илмий ходим, катта илмий ходим ва лаборатория мудири лавозимларида ишлаган.

1980—1981 йилларда шу институт аспирантурасида сиртдан таҳсил олган.

1988 йилда Москвадаги К.А.Тимиризев номли қишлоқ хўжалик академиясида номзодлик диссертацияси ни муваффақиятли ҳимоя қилған. 1991 йилдан бошлаб, Наманганд мұхандислик-педагогика институтида доцент лавозимида ишлаб келмоқда.

Ҳ. Ҳошимов 2 та ихтиро учун муаллифлик гувоҳномасига эга бўлиб, 40 дан ортиқ илмий мақолалар, услубий кўрсатмалар, 5 та ишлаб чиқаришга берилған амалий тавсиялар, 1 та доривор ўсимликлар етишитириш бўйича техник шарт «Доривор техник мақсадлар учун мўлжалланган горчица уруғи» (TSH 64-16165217-001: 2003) муаллифидир.

Олимнинг 2003 йилда касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари учун «Микробиология, овқатланиш физиологияси ва санитарияси» фанидан ҳаммуаллифликда яратган дарслиги «Ибн Сино» нашриётида чоп этилди. Ҳозирда доривор ўсимликларни Ўзбекистон шароитида етишириш агротехнологиясини яратиш соҳасида илмий-талқиқот ишлари олиб бормоқда.

Институтнинг корхоналар, ташкилотлар ва хусусий фирмалар билан тузиладиган хўжалик шартномаларини бажаришда фаол иштирок этиб келади.

СОБИТХОН ҲОШИМОВ



Собитхон Ҳошимов 1947 йили 27 марта Наманган шаҳрида ўқитувчи оиласида туғилди. Наманган шаҳридаги 10-мактабни 1964 йили тутатди. Шу йили Тошкент Политехника институти инженер-физика факультети математик ҳисоблаш курилмалари ва приборлари мутахассислигининг I-курсига ўқишига кирди. 1969 йили ана шу мутахассисликни тутатди. 1969—1972 йилларда «Главташкентстрой» ҳисоблаш марказида катта инженер лавозимида иш фаолиятини бошлади. Шундан сўнг 1973—1976 йилларда бош мутахассис сифатида Ўрта Осиё Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти илмий тадқиқот институти Наманган бўлимида иш фаолиятини давом эттириди. 1976—1978 йилларда ЕС-1020 ЭҲМ бошлиги лавозимида Ўзбекистон Республикаси Давлат режалаштириш ҳисоблаш маркази Наманган бўлимида ишлади. 1978—1979 йилларда «УзПО электротерм» ҳисоблаш маркази бошлиги ўринбосари, 1979—1981 йилларда Наманган тармоқ ахборот ҳисоблаш марказида ЕС-1033 ЭҲМ бошлиги, 1981—1983 йилларда Республика бош ҳисоблаш марказининг Наманган филиали бўлим бошлиги, 1983—1991 йилларда Кибернетика илмий ишлаб чиқариш бошқармасининг Наманган филиали бўлим бошлиги ўринбосари лавозимида ишлади. 1991 йилдан Наманган муҳандислик-педагогика институти «Ҳисоблаш техникаси» кафедрасида фаолият кўрсатди. 1995 йили номзодлик диссертациясини муваффақиятли ёқлаб, иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олишга муваффақ бўлди. 1997—2000 йилларда шу кафедра мудири, доцент лавозимида ишлади. Шундан сўнг 2000—2003 йилларда Наманган муҳандислик иқтисодиёт институти «Менежмент» кафедраси мудири лавозимида ишлади. 2003 йилдан то шу кунгача шу институтда «Илмий бўлим» бошлиги сифатида ишлаб келмоқда.

Бу даврда 33 тадан зиёд илмий ишлари натижалари чоп этилди. 2002 йили Ўзбекистон фан техника ва технология маркази томонидан эълон қилинган танловда

ўз лойиҳаси билан қатнашиб, танловда ғолиб деб топилди. Ҳозирги кунда ушбу лойиҳа асосида докторлик ишини бажармоқда.

АБДУСАЛОМ АБДУРАСУЛОВИЧ ХУДОЙБЕРДИЕВ



Абдусалом Абдурасолович Худойбердиев 1957 йилнинг 28 июляда Тўракўрғон туманидаги Катта Курара қишлоғида зиёли оиласида туғилган.

1964—1974 йилларда шу қишлоқдаги 38-ўрта мактабда ўқиган.

1974—1979 йилларда Қирғизистон Республикасининг Фрунзе (ҳозирги Бишкек) политехника институтида «Озиқ-овқат ишлаб чиқариш машина ва аппаратлари» мутахассислиги бўйича ўқиб, уни имтиёзли диплом билан тутатган. Муҳандис-механик ихтисослигига эга.

1979—1993 йилларда Бухоро озиқ-овқат ва енгил саноат технологияси институтининг озиқ-овқат ишлаб чиқариш машиналари, аппаратлари ва уларни автоматлаштириш кафедрасида асистент, катта ўқитувчи ва доцент лавозимларида ишлаган.

1981—1983 ва 1988—1990 йилларда мазкур институт технология факультети деканининг ўкув ишлари бўйича мувовини вазифасида ишлаган.

1988 йили Тошкент кимё-технология институтининг Ихтисослашган илмий кенгашида профессор А.О. Ортиқов раҳбарлигига «Ўсимлик мойи эритмаларини бирламчи дистилляциялаш жараёнларини мукаммаллаштириш» мавзусида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилиб, техника фанлари номзоди илмий даражасини олди.

1993 йилда А. А. Худойбердиев Наманган саноат-технология институтига (ҳозирги НамМПИ) янги ташкил этилган консервалаш технологияси кафедрасига ишга таклиф этилди. Кафедранинг шаклланиши ва моддий-техника базасини мустаҳкамлаш учун самарали меҳнат қилди. Сўнгра экология ва меҳнат муҳофазаси, кимёвий технология ва биотехнология ка-

федераларида доцент лавозимида меҳнат фаолиятини давом эттириди.

1998—2000 йилларда технология факультети деканининг ўқув ишлари бўйича муовини вазифасида ишлади.

2002 йилдан бошлаб технологик жараёнлар, курилмалар ва уларни автоматлаштириш кафедрасини бошқариб келмоқда.

А. А. Худойбердиев 80 дан ортиқ илмий-услубий ишлар, шу жумладан, 3 та муаллифлик гувоҳномаси ва илмий монография муаллифиdir.

Унинг илмий-тадқиқот ишлари натижалари Бухоро ва Когон ёғ-экстракция заводлари «Наманганвино» агроФирмаси ва «Бахт» қандолат корхонасида ишлаб чиқаришга жорий этилган.

Олим айни кунларда «Озиқ-овқат саноати корхоналари чиқитларидан импорт ўрнини босувчи иккиламчи маҳсулотлар ишлаб чиқариш тизимларини моделлаштириш ва оптимал лойиҳалаш» мавзусида илмий изланишлар олиб бормоқда.

ТОҲИРЖОН ЛАТИПОВИЧ ХУДОЙБЕРДИЕВ



Тоҳиржон Латипович Худойбердиев 1960 йил 1 июлда Наманган вилояти Янгиқўрон тумани Янгиқўрон қишлоғида туғилган. 1977 йили тумандаги 11-ўрта мактабни битирган.

Шу йили Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтининг қишлоқ хўжалигини механизациялаш факультетига ўқишига кириб, 1982 йили битирган ва муҳандис-механик мутахассислигини эгаллаган.

1982—1985 йилларда Янгиқўрон тумани «Госкомсельхозтехника» ишлаб чиқариш бирлашмасида муҳандис-нормаловчи лавозимида ишлаган. 1986—1989 йиллари Урта Осиё қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва электрлаштириш илмий-тадқиқот институти аспирантурасида ўқиган. 1989—2000 йилларда шу институтда пахтадан бошқа экинларни етиштириш ва йиғи-

тириб олишни механизациялаш бўлимида кичик, катта ва етакчи илмий ходим бўлиб ишлаган. 2000 йил январда «Актив шамоллатиш усули билан пичан тайёрлаш технологиясини такомиллаштириш ва машиналар мажмуаси ўлчамларини асослаш» мавзусида номзодлик диссертациясини ёқлаган ва техника фанлари номзоди илмий даражасини эгаллаган.

2000 йилдан бошлаб Наманган мұхандислик-педагогика институти зироат мұхандислиги кафедрасида катта ўқытувчи, 2002 йил октябрь ойидан доцент ва 2004 йилдан шу кафедра мудири лавозимларида ишлаб келмоқда.

Т. Худойбердиев 2003 йилдан бошлаб:

— сугориладиган минтақада озуқа тайёрлашни механизациялаштириш ва машиналар мажмуаси ўлчамларини асослаш» мавзусида докторлик диссертацияси устида илмий-тадқиқот ишларини олиб бормоқда;

— «Фан ва технологиялар» илмий маркази билан тузилган «Ғұза қатор ораларига кузги бүгдой экиш технологиясини такомиллаштириш ва экиш агрегати конструкциясини яратиш» мавзусида грант асосида илмий-тадқиқот ишларida фаол қатнашмоқда.

Олим ўзининг илмий-педагогик фаолияти давомида 70 дан ортиқ илмий мақолалар, ўкув-услубий кўрсатмалар яратган. У 16 та ихтириолик гувоҳномаси муаллифидир.

НОРМУҲАММАД ШЕРҚЎЗИЕВИЧ ШАЙДУЛЛАЕВ



Нормуҳаммад Шерқўзиевич Шайдуллаев 1955 йил 17 ноябрда Наманган вилояти Чуст тумани Олмос қишлоғида туғилган. 1973 йил қишлоқдаги 17-ўрта мактабни тутатган.

Шу йили Тошкент давлат университети тарих факультетига ўқишига кириб, 1978 йилда тарих ва жамиятшунослик фани ўқитувчиси мутахассислиги бўйича тутатди. Менжат фаолиятини 1978 йилда Наманган шаҳар ҳалқ таълимига қарашли 7-кечки (сменали) ёшлар мактабида бошлади.

1979 йилдан Тошкент политехника институти Наманган филиалининг (ҳозирги НамМПИ) ижтимоий фанлар кафедрасида асистент лавозимига ишга ўтган.

1987—1989 йилларда КПСС тарихи ва философия кафедрасида катта ўқитувчи лавозимида ишлаган.

1989—1998 йилларда Наманган саноат технология институти (ҳозирги НамМПИ) фалсафа ва сиёsatшунослик кафедрасида катта ўқитувчи лавозимида ишлаган.

1991 йилдан фалсафа фанлари номзоди.

1998—2000 йиллар давомида Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти кафедраси мудири лавозимида фаолият кўрсатди.


2000—2003 йилларда Чуст педагогика билим юртида директор ўринбосари лавозимида ишлади.

2003 йилдан Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти кафедрасида доцент лавозимида ишлади.

2004 йилдан фалсафа кафедраси мудири лавозимида ишлаб келмоқда. У 10 дан ортиқ ўқув-услубий, 6 та илмий-услубий ва 10 дан ортиқ мақолалар муаллифи-дир.

Ҳозирда «Фуқаролик жамияти қурилиши шароитида инсон омилининг роли» мавзусидаги докторлик иши устида илмий изланишлар олиб бормоқда.

ИСРОИЛЖОН ТУРГУНОВИЧ ШАМШИДДИНОВ



Исроилжон Тургунович Шамшиддинов 1961 йил 13 майда Наманган вилояти Учқўргон тумани Қайқи қишлоғида туғилган.

1978 йили қишлоқдаги 9-ўрта мактабни олтин медаль билан тамомлаган.

Ўқувчилик йилларида кимё фани бўйича 3 марта республика олимпиадаси ғолиби бўлган.

1978 йил Тошкент давлат университетининг кимё факультетига ўқишига кириб, 1983 йилда кимёгар-ўқитувчи мутахассислиги бўйича тамомлаган.

Меңнат фаолиятини 1983 йилда Учқўрғон туманидаги 1-ўрта мактабда кимё фани ўқитувчиsı сифатида бошлаган. 1986—1987 йилларда Тошкент политехника институти Наманган филиалининг (ҳозирги НамМПИ) умумий кимё кафедрасида кичик илмий ходим, 1988—1990 йилларда Наманган давлат педагогика институти қошидаги Олисдан кузатиш тармоқ илмий-тадқиқот лабораториясида илмий ходим, 1990—1991 йилларда Тошкент машинасозлик институти Наманган филиалининг (ҳозирги НамМПИ) умумий кимё кафедрасида лаборатория мудири, 1991—1992 йилларда эса катта илмий ходим, 1992—1995 йилларда катта ўқитувчи бўлиб ишлади.

1994 йилда Ўзбекистон Фанлар академиясининг ўғитлар институтининг Ихтисослаштирилган кенгашида «Ноорганик моддалар технологияси» мутахассислиги бўйича номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилган ва техника фанлари номзоди илмий дарражасини олган. 1998 йилда унга доцент илмий унвони берилган.

1995—1998 йилларда кимёвий технология ва биотехнология кафедраси доценти, 1998—2002 йилларда кафедра мудири, 2002 йилдан бошлаб эса доцент лавозимларида ишлаб келмоқда.

Айни пайтда у «Фосфорли ўғитлар ишлаб чиқарышнинг тежамкор ва экологик самарадор технологияларини яратиш» мавзусида илмий-тадқиқот ишларини олиб бормоқда. Унинг изланишлари натижалари асосида Олмалиқ «Аммофос» ишлаб чиқариш бирлашмасида Қоратоғ фосфорити асосида кўшалоқ суперфосфат туридаги янги ўғит — «Супераммофос-К»нинг ишлаб чиқариш технологияси синовдан ўтказилди ва ушбу ўғитнинг 1000 тонна саноат намунаси ишлаб чиқарилди ҳамда агрокимёвий синовдан ўтказилди. Бундан ташқари давлат гранти бўйича «Маҳаллий алюмосиликатлардан самарали фойдаланиш» мавзусида илмий-тадқиқот ишларини олиб бормоқда.

И. Шамшиддинов «Минерал ўғитлар ва тузлар технологияси» номли дарслик муаллифидир.

БОТИРАЛИ РОҲАТАЛИЕВИЧ ШАРИПОВ



Ботирали Роҳаталиевич Шарипов 1955 йил 5 март куни Наманган вилюяти Чуст туманидаги Каркилон қишлоғида хизматчи оиласида туғилган.

1961—1971 йилларда Каркилон қишлоғидаги 19-ўрта мактабда ўқиган. 1971—1973 йилларда ҳарбий хизматни ўтаган.

1973—1975 йилларда Тошкент ҳалқ ҳўжалиги институтида (ҳозирги ТошДИУ) таҳсил олган. Иккинчи босқични аъло баҳолар билан тугатгач, институт раҳбарияти тавсиясига биноан 1975—1978 йиллари В.Г.Плексанов номидаги Москва ҳалқ ҳўжалиги институтида (ҳозирги Плексанов номидаги академия) таҳсил олган ва уни 1978 йилда «Савдода бухгалтерия ҳисоби, назорат ва тафтиш» ихтисослиги бўйича тугатган.

1978—1979 йилларда Тошкент ҳалқ ҳўжалиги институтида, 1979—1982 йилларда Фарғона политехника институтида ассистент лавозимида ишлаган.

1982—1983 йилларда Н.А.Вознесенский номидаги Ленинград молия-иқтисод институтида стажёр-тадқиқотчи бўлган.

1984—1987 йилларда М.В. Ломоносов номидаги Москва давлат университети аспирантурасида (профессор В.В.Панков раҳбарлигига) таҳсил олган ва 1987 йили «Таъминотчи ташкилотларда ЭҲМ қўллаш орқали товорлар ҳаракати ҳисобини юритиш» мавзусида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилиб, иқтисод фанлари номзоди илмий даражасига эга бўлди, 1994 йилда доцент илмий унвонини олди.

1987—1989 йилларда Фарғона политехника институти ассистенти ва иқтисод факультети декани муовини сифатида фаолият кўрсатди.

1989—1991 йилларда «Наманганирстрой» трестида иқтисодий масалалар бўйича бошқарувчи муовини лавозимида ишлаган.

1991—1999 йиллари Наманган мұҳандислик-педагогика институтида иқтисодиётни бошқариш кафедраси мудири лавозимида фаолият кўрсатди.

1999 йилдан буён Наманган мұхандислик-иктисодиёт институти молия факультети декани ва бухгалтерия ҳисоби ва аудит кафедраси мудири бўлиб ишламоқда. Шу билан бирга Б. Р. Шарипов Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерлар ва аудиторлар ассоциациясининг (БАА) кенгаш аъзоси ва Наманган вилоят бўлими президентидир.

Олимнинг шу кунгача 40 дан зиёд илмий ва 30 дан зиёд услубий ишлари чоп этилган. У «Бухгалтерияни мустақил ўрганиш», «Аудит» ва «Бухгалтерия ҳисоби тарихи» ўқув қўлланмаларининг муаллифидир.

АБДУВАЛИ МАҲАММАДАЛИЕВИЧ ШОКИРОВ



Абдували Маҳаммадалиевич Шокиров 1945 йил 9 майда Наманган вилояти Тўрақўрғон тумани Сайрам қишлоғида туғилган. 1962 йилда ўрта мактабни битириб, шу йили Тошкент политехника институтига «Қишлоқ хўжалиги машиналари» мутахассислиги бўйича ўқишига кирган.

1964—1967 йилларда ҳарбий хизматни ўтади. Хизматдан сўнг ўқишини давом эттириб, 1972 йилда тамомлаган.

Институт йўлланмаси билан Тошкент машинасозлик заводига мастер-уста вазифасига ишга кирган.

1974—1978 йилларда Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш мұхандислари институтида лаборатория бошлиғи бўлиб ишлаган.

1978 йил декабрдан 1991 йилгача Ўрта Осиё қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш ва электрлаштириш илмий-тадқиқот институтида аспирант, кичик илмий ходим, катта илмий ходим лавозимларида ишлаган. 1991 йил шу институтнинг махсус илмий кенгашида «Полиз экинларини етиштиришда суориш арифини очувчи восита ўлчамлари ва технологиясини асослаш» маизусида номзодлик диссертациясини ёқлаган. 1978—1991 йиллар давомида 22 та илмий мақола, илмий ҳисобот, тавсиянома, технологик карталар ёзган ва ишлаб чиққан. 1991 йилдан Наманган қишлоқ хўжа-

лигини механизациялаш техникумидаги ўқитувчи бўлиб ишлаган.

1994—1997 йилларда Наманган саноат-технология институтининг (ҳозирги НамМПИ) экология кафедрасида меҳнат муҳофазаси фанидан дарс берган.

1998—2000 йилларда Наманган вилоят коммунал хўжалиги қошидаги ўқув комбинатида директор, 2000—2002 йилларда эса Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги илмий ишлаб чиқариш марказининг Наманган худудий бўлимида механизация бўлими бош мутахассиси вазифасида ишлаган. 2002 ўқув йили бошидан яна Наманган муҳандислик-педагогика институтига ишга келган.

Ҳозир транспорт факультетининг автомобиллар, тракторлар ва ўқитиш методикаси кафедрасида фаолият кўрсатмоқда.

ОЛИМЖОН МАМАТВАЛИЕВИЧ ЭГАМБЕРДИЕВ



Олимжон Маматвалиевич Эгамбердиев 1952 йил 10 апрелда Чортоқ тумани Ойқирон қишлоғида колхозчи оиласида туғилган.

1959 йилда Чортоқдаги 55-ўрта мактабнинг биринчи синфига ўқишига кирди.

1961—1967 йилларда Чортоқ туманида жойлашган мактаб-интернатда таҳсил олди.

1967—1971 йилларда Наманган тўқимачилик техникумининг йигирив мутахассислиги бўлимини тугатди.

1971—1977 йилларда эса Тошкент давлат универсиети математика факультетида таълим олиб, имтиёзли диплом билан тамомлади.

1977—1979 йиллар давомида Наманган давлат педагогика институтида (ҳозирги НамДУ) математик анализ кафедрасида катта лаборант лавозимида фаолият кўрсатди.

1979 йилдан бошлаб Тошкент политехника институтининг Наманган филиалининг (ҳозирги НамМПИ)

физика-математика кафедраси асистенти лавозимида ишлади.

1984 йил Ўзбекистон Фанлар академиясининг В.И. Романовский номидаги Математика институтида стажёр-тадқиқотчи, сўнгра кундузги бўлим аспирантура-сига ўқишга кирди.

1987 йилдан бошлаб ТошПИ Наманган филиали олий математика кафедраси асистенти, 1993—1994 йилларда муҳандислик-педагогика факультети декани ўринбосари лавозимида фаолият кўрсатди.

1993 йил «Дифференциал тенгламалар» мутахассислиги бўйича «Бикаллорик тенгламага қўйилган нокоррект чегаравий масалалар» мавзусида профессор М. Отахўжаев раҳбарлигига номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди.

1994—2001 йилларда Наманган муҳандислик педагогика институти олий математика кафедраси доценти ҳамда иқтисодиёт факультети декани мувонини лавозимида ишлаб келди.

2001 йилдан бўён Чортоқ туманидаги Ойқирон маший хизмат касб-хунар коллежи директори лавозимида ишлаб келмоқда.

О.Эгамбердиев 14 та илмий-услубий мақолалар муаллифиdir.

ЮСУФХОН ЭРГАШЕВ



Юсуфхон Эргашев 1943 йилда Наманган шаҳрида ишчи оиласида туғилган.

1951—1961 йилларда Наманган шаҳридаги 3-ўрта мактабда ўқиган.

1966 йилда Наманган педагогика институтининг (ҳозирги НамДУ) физика-математика факультетини имтиёзли диплом билан тугатган. Шу йилдан бошлаб мазкур институтнинг математика кафедрасида асистент лавозимида ишлаган.

1974—1978 йилларда Ўзбекистон ФАНИНГ В.И.Романовский номидаги Математика институтининг дифференциал тенгламалар бўлими илмий тадқиқотчиси бўлган, сўнгра аспирантурасига қабул қилинган.

1978 йили академик Т.Ж.Жўраев раҳбарлигига «Карорали характеристикага эга бўлган дифференциал тенгламалар учун чегаравий масалалар» мавзусида номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди. Диссертация Москва давлат университетида академик А. Б. Бицадзе раҳбарлигига муҳокама қилиниб, юқори баҳоланди. Ю. Эргашев шу йили Наманган педагогика институтга қайтиб, ўз фаолиятини давом эттириди.

1979 йилдан то ҳозиргача ТошПИнинг Наманган филиалида (ҳозирги НамМПИ) физика-математика кафедрасида катта ўқитувчи бўлиб ишлади. 1980 йилдан олий математика кафедрасини ташкил қилди ва шу кафедра мудири, сўнгра кафедра доценти лавозимларида ишлади. Кафедра мудирлиги даврида ўқитувчиларнинг илмий салоҳиятини кўтаришга катта ҳисса кўшди.

1983 йилда дифференциал тенгламалар бўйича доцент илмий унвонини олган.

Юсуфхон Эргашев марказий ва маҳаллий нашрларда чоп этилган 10 дан ортиқ илмий ва 30 дан ортиқ ўқув-услубий мақолалар муаллифидир.

Ҳозирда нафақада бўлишига қарамай олий математика кафедраси жамоаси билан доимий ҳамкорликда илмий изланишлар олиб бормоқда.

ДОВУДХОН ЭШОНХҮЖАЕВ



Довудхон Эшонхўжаев 1957 йил 2 июлда Наманган вилояти Учкўрғон тумани Янгиер қишлоғида ишчи оиласида туғилган.

1964—1974 йилларда тумандаги 28-ўрта мактабда ўқиган.

1976—1980 йилларда Тошкент халқ хўжалиги институтида (ҳозирги ТДАУ) таҳсил олиб, халқ хўжалигини режалаштириш ихтисослигини эгаллаган.

Меҳнат фаолиятини Тошкент шаҳар «Узоргтехводстрой» идорасида муҳандис сифатида бошлиб, сўнгра катта иқтисодчи бўлиб ишлаган.

1987 йилдан 1989 йилгача Ўрта Осиё қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти институтида кичик илмий ходим, сўнгра катта илмий ходим сифатида фаолият кўрсатган.

1988 йили юқоридаги институтнинг Ихтисослашган илмий кенгашида «Қорамол гўшти ишлаб чиқаришда жонли ва жонсиз меҳнатни иқтисод қилиш» (Наманган вилояти мисолида) мавзусида номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди ва иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини эгаллади.

1989 йилдан 1991 йилгача Тошкент политехника институти Наманган филиалида (ҳозирги НамМПИ) асистент, 1991 йилдан ҳозиргача доцент лавозимида ишламоқда. 1993 йилдан 1994 йилгача технология факультети декан мувонини, 1994 йилдан бошлиб менежмент кафедраси доценти ва иқтисодиёт факультети декани лавозимларида ишлади.

1998 йили Нидерландиянинг IPC LivestockF халқаро фермерлар мактабида, 1999 йили эса республика «Устоз» жамғармаси гранти совриндори бўлиб, АҚШ-нинг Нью-Палц университетида (Нью-Йорк шаҳри) малака ошириб қайтган.

Меҳнат фаолияти давомида 50 дан зиёд илмий мақола, 3 та ўкув қўлланмаси, 10 дан ортиқ илмий-услубий кўрсатмалар чоп эттирган.

2003—2004 ўқув йили охиридан бошлаб Д. Эшонхү-
жаев янги ташкил этилган молия факультети декани
этиб тайинланди.

Олим айни пайтда «Иқтисодиётни эркинлаштириш-
да тижорат ташкилотларида персонални бошқариш ме-
тодикаси» мавзусидаги докторлик диссертацияси юза-
сидан илмий-тадқиқот ишларини олиб бормоқда.

**ИНСОН ХОТИРАСИ
АЗИЗ...**

ТУРГУНБОЙ МАЛЛАБОЕВ



Турғунбой Маллабоев 1933 йил Чортот туманида туғилған. 1955 йил Тошкент қишлоқ хўжалик институтини тамомлаб, меҳнат фаолиятини Чортот туманида агроном вазифасида бошлаган.

1957—1958 йилларда Чортотдаги машина-трактор станциясида бош агроном вазифасида фаолият кўрсатиб, 1958 йил Чортот тумани ижроия қўмитаси раиси муовини, қишлоқ хўжалиги назорати бошлиғи вазифасида ишлади.

1961—1967 йилларда Янгикўргон туманидаги «Заркент» совхозида директор, 1967—1970 йилларда Янгикўргон тумани фирқа қўмитасининг котиби ҳамда туман ижроия қўмитаси раиси лавозимларида сидқидилдан меҳнат қилди.

1970—1972 йилларда Наманган вилоят қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотиш ва тайёрлаш бўйича инспекция бошлиғи вазифасида, 1972—1979 йилларда вилоят ижроия қўмитасида режа бўлими бошлиғи бўлиб ишлади. 1979—1981 йилларда эса Тошкент политехника институтининг Наманган филиалининг (ҳозирги НамМПИ) биринчи директори, 1981—1988 йилларда вилоят қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат саноати бўлим бошлиғи вазифасида хизмат қилди.

1988—1997 йилларда Наманган вилоят табиатни ҳимоя қилиш ташкилотини бошқарди.

Т. Маллабоев ўз меҳнат фаолиятида вилоятимиз ҳалқ хўжалигини ривожлантиришга катта ҳисса қўшган, иқтисод фанлари номзоди ҳамда ҳалқаро муҳандислик академиясининг мухбир аъзоси этиб сайланган эди. У меҳнат фаолияти даврида бир неча бор ҳукуматимиз томонидан тақдирланган, вилоят кенгашининг бир неча чақириқларига депутат этиб сайланган эди.

1997 йилдан нафақада бўлиб, 1999 йил бевақт вафот этди. Унинг порлоқ хотираси институт профессор-үқитувчилари қалбida бир умр сақланиб қолади.

ЗОКИРЖОН ХОЛМИРЗАЕВ



Зокиржон Холмирзаев 1947 йил 15 апрелда Наманган вилояти Наманган тумани Олахамак қишлоғида ишчи оиласида туғилған.

1965 йилда Наманган туманидағы 13-үрта мактабни тамомлаб, шу йили Наманган давлат педагогика институтининг (ҳозирги НамДУ) тарих факультетига ўқишига кирди ва 1970 йилда тамомлаб, тарих ўқытувчisi мутахассислигини эгаллади.

Меҳнат фаолиятини 1966 йилда Наманган туманиндағы 13-үрта мактабда бошланғич синф ўқытувчisi сифатида бошлади.

1975—1977 йилларда Наманган давлат педагогика институтининг фалсафа кафедрасида асистент лавозимида ишлади.

1977—1979 йилларда ТошДУнинг фалсафа кафедраси қошидаги аспирантурада таҳсил олиб, 1979 йили «Қишлоқ турмуш тарзининг ривожланиш масалалари» мавзусида номзодлик диссертациясини муваффақияттли ҳимоя қилди ва фалсафа фанлари номзоди илмий даражасига эришdi.

1981 йилдан бошлаб Тошкент политехника институтининг Наманган филиалига (ҳозирги НамМПИ) ишга ўтди. Даастлаб катта ўқытувчи, кейинчалик доцент, кафедра мудири лавозимларида фаолият күрсатди.

1991 йил ТошДУнинг Ихтисослашған кенгашида «Қишлоқ меҳнаткашларининг бўш вақти ва ундан оқилона фойдаланиш» мавзусида докторлик диссертациясини ҳимоя қилиб, фалсафа фанлари доктори илмий даражасига эришdi. 1992 йил унга профессор унвони берилди.

1995—1999 йилларда ҳозирги Наманган мұхандислик-педагогика институтида маънавият ва маърифат масалалари бўйича 1-проректор лавозимида ишлади.

1999 йил август ойидан 2000 йил январь ойигача Наманган давлат университетида, сүнгра 2000 йил январдан умрининг охиригача Наманган мұхандислик-иктисодиёт институтида 1-проректор лавозимида фаолият кўрсатди.

3. Холмирзаев Ўзбекистон файласуфлари миллий жамиятининг Наманган бўлими бошлиги ва республика «Мулоқот» кенгашининг аъзоси эди.

Масъул лавозимларда ишлаш билан бирга тинимсиз илмий изланишлар олиб борди. У 60 дан зиёд илмий ва ўкув-услубий ишлар муаллифи эди.

2001 йил 6 январда бевақт ҳаётдан кўз юмди. У яхши инсон ва моҳир педагог сифатида вилоят олимлари, ҳамкаслари ва шогирдлари қалбидаги узоқ йиллар сақланиб қолади.

УРОЙИМ БОЙТЎРАЕВ



Уройим Бортуроев 1951 йилда Наманган вилояти Ўйчи тумани Қизилровот қишлоғида дәҳқон оиласида таваллуд топган.

1959—69 йилларда шу қишлоқдаги 8-ўрта мактабда ўқиган.

1969—1971 йилларда Наманган давлат педагогика институтининг (ҳозирги НамДУ) физика-математика факультетида 2-курсни битириб, 1971 йилдан Тошкент давлат университетининг (ҳозирги ЎзМУ) математика факультетида ўқишини давом эттириди ва уни 1975 йилда имтиёзли диплом билан тамомлади.

1975—1979 йилларда ТошДУ математика факультетида илмий тадқиқотчи бўлди, сўнгра аспирантурада ўқиди.

1979—1985 йилларда эса университетнинг алгебра ва сонлар назарияси кафедрасида ассистент, сўнгра катта ўқитувчи бўлиб ишлади.

1983 йилда «Баъзи бир тасодифий миқдорлар синфлари учун локал лимит теоремаларда текис баҳо ва уларни қўшилувчиларнинг сони ўсиб борувчи аддитив масалаларга тадбиқи» мавзусида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди.

1985 йилда доцент илмий даражасини олган.

1985—1988 йилларда Тошкент енгил саноат институти Наманган филиалининг (ҳозирги НМИИ) олий математика кафедрасида доцент лавозимида ишлаган.

1988—1993 йилларда Наманган мұхандислик-педагогика институти олий математика кафедрасыда доцент бўлиб ишлаган.

26 та илмий мақолалари чоп этилган, 12 та услубий ишлари ўқув жараёнига кенг тадбиқ этилган эди.

Бевақт ўлим 1993 йил 18 январда уни орамиздан олиб кетди. Лекин унинг хотираси сафдошлари ва шоғирдлари қалбидай абадий сақланади.

ПЎЛАТЖОН АБДУРАҲМОНОВИЧ АБДУРАҲМОНОВ



Пўлатжон Абдураҳмонович Абдураҳмонов 1931 йилда Марғилон шаҳрида туғилган.

1954 йилда Тошкент ирригация ва қышлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институтини тамомлаб, Учқўргон туманидаги І-МТСда бош мұхандис сифатида иш бошлаган.

1966 йилда Москва шаҳрида номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилган.

1966 йилдан бошлаб Тошкент ирригация ва қышлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институтидаги меҳнат фаолиятини бошлаган. Фаолияти давомида декан мувовини, кафедра мудири ва декан лавозимларида ишлаган.

1991 йил Тошкент политехника институтининг Наманган филиалида (ҳозирги НамМПИ) иш бошлаган. Механика факультетининг автомобиль хўжалиги кафедраси доценти лавозимида ишлаган.

Меҳнат фаолияти давомида кўплаб мақолалар ва методик кўрсатмалар тайёрлаб чоп эттирган.

У 2000 йил 15 июнь куни бевақт вафот этди. Институт жамоаси П. А. Абдураҳмононинг олим ва инсон сифатида амалга оширган ишларини асло унутмайди.

ҲАКИМЖОН АБДУЛҲАПИЗОВ



Ҳакимжон Абдулҳапизов 1951 йил 16 марта Чуст тумани Олмос қишлоғида туғилган.

1967 йилда Наманган шаҳридаги 40-ўрта мактабни олтин медаль билан битирган.

1972 йилда ТошДУнинг (ҳозирги ЎзМУ) механика-математика факультетининг ҳисоблаш математикаси мутахассислигини тугатган.

Меҳнат фаолиятини 1972 йилда Ўзбекистон Республикаси ФА Кибернетика илмий-техшириш институтида илмий ходим вазифасида бошланган.

1984 йилдан Тошкент политехника институтининг Наманган филиалида (ҳозирги НамМПИ) катта ўқитувчи, доцент лавозимларида ишлаб келган.

1984 йилда Тбилиси шаҳридаги Н.И.Мусхелишвили номидаги математика институтида ҳисоблаш математикаси мутахассислиги бўйича номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган ва физика-математика фанлари номзоди илмий даражасига эришган.

1996 йилдан институтнинг ахборотлар технологияси ва дастурлаш кафедраси мудири, 2000 йилдан ҳисоблаш техникаси кафедрасининг мудири лавозимида фаолият кўрсатди.

40 дан ортиқ илмий-услубий мақолалари чоп этилган.

2001 йилда бевақт вафот этди. Заҳматкаш олим Ҳ. Абдулҳапизовнинг хотираси ҳамкаслари ва шогирдлари қалбida, қолаверса яратган ижодий ва илмий ишларида абадий сақланиб қолади.

СОТИВОЛДИ МАҚСУДОВИЧ БОЗОРОВ



Сотиволди Мақсұдович Бозоров 1937 йил 1 мартда Косонсой туманинда дәхқон оиласида туғилған.

1955 йилда Тошкент қишлоқ хұжалиғи ирригацияси ва механизациялаш инженерлари институтига ўқишиң кириб, 1960 йилда тамомлаган.

1960—1989 йилларда Ўрта Осиё механизация ва электрлаштириш институтыда мұҳандис-конструктор бўлиб ишлаган ва илмий фаолият билан шуғулланган.

1963—1965 йилларда аспирантурада таҳсил олган ва 1968 йилда «Ғұза қатор ораларига ишлов берувчи Т-28 Х3 чопиқ тракторининг кинематикаси ва динамикаси ни тадқиқ қилиш» мавзусида диссертация ҳимоя қилиб, техника фанлари номзоди илмий даражасини олган. 1968 йилдан бошлаб юқоридаги институт машина-трактор паркидан фойдаланиш лабораториясининг бошлиғи, 1970 йилдан бошлаб эса машиналар тизимини ишлаб чиқиши, энергетика ва МТПдан фойдаланиш бўлими бошлиғи лавозимида ишлаган.

1984 йилдан эса институт директорининг илмий ишлар бўйича муовини бўлиб ишлади.

1989 йилдан Тошкент политехника институтининг Наманган филиалига (ҳозирги НамМПИ) ўкув ишлари бўйича директор ўринбосари лавозимига ўтказилган.

1989—1992 йилларда доцент, шаҳар автомобиль транспорти кафедраси мудири лавозимларида фаолият олиб борган.

С. М. Бозоров 120 дан зиёд илмий-услубий ишлар ва мақолалар, 3 та муаллифлик гувоҳномаси ҳамда «Транспорт воситаларида ишлатиладиган материаллар» номли ўкув қўлланмаси муаллифидир.

1993 йил октябрь ойида бевақт вафот этди. С. М. Бозоров институтда қисқа давр ишлаган бўлса-да, ўзининг билими, одамийлиги, меҳнатсеварлиги ва бошқа инсоний фазилатлари билан жамоа аъзолари қалбida бир умр сақланиб қолган.

ФАЗЛИДДИН ФАФФОРОВ



Фазлиддин Faффоров 1934 йил 3 марта Наманган шаҳрида хизматчи оиласида таваллуд топган. 1948 йили Наманган ўқитувчилар тайёрлаш институтининг тарих факультетига ўқишга кириб, уни 1954 йилда имтиёзли диплом билан тугатди. 1950—1951 ўкув йилида Наманган туманидаги 23-ўрта мактабда ўқитувчилик фаолиятини бошлаган.

Ф. Faффоров 1954—1959 йилларда Самарқанд давлат университетининг тарих факультетида таҳсил олган. 1960 йилдан бошлаб Наманган давлат педагогика институтидаги (ҳозирги НамДУ) ўқитувчи-ассистент, катта ўқитувчи лавозимларида фаолият кўрсатган.

Ф. Faффоров 1970 йил «XIX асрнинг 60—70 йилларида Россия билан Кўқон хонлиги ўртасидаги иқтисодий ва дипломатик алоқалар» мавзусида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди. 1971—1974 йилларда Наманган давлат педагогика институтининг умумий тарих кафедраси мудири бўлиб ишлади. 1981 йилда доцентлик илмий унвонига эга булди.

1979 йилнинг сентябридан бошлаб Абу Райхон Беруний номли Тошкент политехника институти Наманган филиалининг (ҳозирги НамМПИ) ижтимоий фанлар кафедраси мудири вазифасида ишлай бошлади. Олим вилоят меҳнаткашлари, айниқса, ёшлар орасида милл以习近平-маънавий қадрияtlарни тарғиб этиш борасида кўплаб машгулотлар ва тадбирларни ташкил этган.

Тиришқоқ олимнинг 25 дан ортиқ илмий-услубий мақолалари марказий журналлар, Ўзбекистон энциклопедияси, олимларнинг илмий мақолалар тўпламларида чоп этилган. Шу билан бирга у Кўқон хонлиги, айниқса, вилоятимиз тарихи ва ижтимоий-иқтисодий ривожланиши билан боғлиқ соҳаларни ўрганишда баракали меҳнат қилди. У институтда ижтимоий-гуманистар фанлар кафедрасини шакллантириш, илмий салоҳиятини оширишда ўзининг муносаб ҳиссасини кўшган. Олим ўз тажрибаларини ёшларга ўргатиб, кафедранинг ёш муаллимларига устозлик қилган эди.

Фидоий олим Ф. Faффоров 2001 йилнинг 24 сентябрида бевақт вафот этди. Лекин у жамоа қалбида заҳматкаш олим сифатида сақланиб қолади.

АБДУРАҲМОН ФАНИЕВ



Абдураҳмон Фаниев 1950 йил 1 февралда Наманган тумани Юқори Қиёт қишлоғида туғилган.

1968 йилда Наманган туманидаги 24-ўрта мактабнинг 10-синфини тамомлаб, шу йили ҳарбий хизматга чақирилган.

1972—1977 йиллар давомида Тошкент давлат университетининг математика факультетида ўқиган ва имтиёзли диплом билан тамомлаб, иш фаолиятини Наманган туманидаги қишлоқ хўжалиги билим юртида математика ўқитувчisi сифатида бошлаган.

1981—1999 йиллар давомида Тошкент политехника институтининг Наманган филиалида (ҳозирги НамМПИ) асистент, катта ўқитувчи, тайёрлов курси мудири, факультет декани мувонини лавозимларида фаолият кўрсатган.

1996 йилда «Исследование и разработка моделей устойчивости и стабилизации дискретных технических систем, описываемых уравнениями в частных разностях» мавзусида номзодлик диссертациясини муваффақитли ҳимоя қилган.

А. Фаниев ўз фаолияти давомида 20 дан ортиқ илмий, ўқув-услубий ишлар ва мақолалар, 10 дан ортиқ маъruzалар матнларини чоп эттирган.

1999 йил 6 декабрда бевақт вафот этди. Олимнинг ёрқин хотираси нафақат институт жамоаси, балки у киши билан ҳамсуҳбат бўлган барча инсонлар қалбидан ҳам асло ўчмайди.

АБДУБАННО АБДУЛЛАЕВИЧ ХАТАМОВ



Абдубанно Абдуллаевич Хатамов 1930 йил 15 декабрда Наманган шаҳрида туғилган.

1947—48 йилларда Наманган шаҳар ўқитувчилар институтининг физика-математика факультетида ўқиган.

1948 йилда Тошкентдаги Низомий номли педагогика институтининг физика-математика факультетига ўқишига кириб, 1950 йилда таомлаган. Шу йилдан Москвадаги Ломоносов номли университет аспирантурасида ўқиш билан бирга радиоэлектроника соҳасида илмий изланишлар олиб борди. 1954 йилда номзодлик диссертациясини ҳимоя қилини ва физика-математика фанлари номзоди илмий дарражасига эга бўлган.

1954—1957 йилларда Тошкентдаги Низомий номли педагогика институтида физика фани бўйича илмий ходим ва ўқитувчи бўлиб ишлаган.

1957 йилдан 1960 йилгacha Андижон педагогика институтида физика кафедрасининг мудири вазифасида ишлаган.

1960—1978 йиллар давомида Андижон пахтачилик институтида физика кафедрасининг мудири ва илмий ходим бўлиб ишлаган.

1983 йилдан 1990 йилга қадар Тошкент политехника институти Наманган филиалининг (ҳозирги Нам-МПИ) физика, электротехника кафедраларида катта ўқитувчи лавозимида фаолият кўрсатган.

А. Хатамов Фаргона водийсидан чиқсан биринчи физик олим эди. Илмий доираларда уни «ўзбек Ньютоны», деб аташарди.

Олим 60 дан ортиқ илмий ва ўқув-услубий ишлар муаллифи, кўплаб шогирдларга устоз, маҳоратли педагог, камтарин, заҳматкаш инсон эди.

1992 йилда шафқатсиз ўлим уни орамиздан бевақт олиб кетди.

Лекин ундан бизга бой илмий мерос қолди.

ХОШИМЖОН НУРМУҲАМЕДОВИЧ ҲОШИМОВ

Ҳошимжон Нурмуҳамедович Ҳошимов 1945 йил 16 январда Наманган шаҳрида туғилган. 1962 йили ўрта мактабни тугатгач, Тошкент фармацевтика институтига ўқишига кириб, уни 1967 йил имтиёзли диплом билан тамомлади ва провизор мутахассислигига эга бўлди.

1967 йил ЎзФАнинг ўсимлик моддалари кимёси илмий текшириш институтида илмий ходим лавозимида иш бошлади. 1969—1971 йилларда ҳарбий хизматда бўлди.

1973 йили кимё фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди.

1973—1982 йилларда вилоят шифохонасида дорихона мудири, Наманган минтақавий «Агрокимё» лабораториясида бўлим мудири, «Дори-дармон» ишлаб чиқариш бошқармасида дорихона мудири лавозимларида ишлади.

1982 йилдан бошлаб Тошкент политехника институтининг Наманган филиалида (ҳозирги НамМПИ) умумий кимё кафедрасида доцент лавозимида ишлай бошлади.

1997—2002 йилларда кўп тармоқли «Фармаким-Х» ЛТД илмий ишлаб чиқариш фирмасига раҳбарлик қилди.

2002 йилдан умрининг охирига қадар Наманган мұнандислик-педагогика институтининг «Кимёвий технология» кафедраси доценти лавозимида ишлаган. Илмий-педагогик фаолияти давомида ҳалқаро ва республика миқёсидаги илмий ва илмий-оммабоп журналларда 30 дан ортиқ мақолалар чоп этирган, 3 та муллифлик гувоҳномаси эгаси эди. Унинг «Исириқнинг сирли хусусиятлари» илмий-оммабоп рисоласи кенг омма орасида катта қизиқиш уйғотди. Шунингдек, электрофаоллаштирилган сувнинг пахта ва бошқа ўсимликлар ҳосилдорлигига таъсирини ўрганиш бўйича олиб борган илмий-тадқиқот ишлари алоҳида аҳамиятта моликдир. Бундан ташқари, «Керамик ғишт ишлаб чиқариш учун тупроқ шўрлигини созлаш ва тайёрланадиган тупроқ лойининг қовушқоғлигини ошириш техно-

логиясини ишлаб чиқиш ва тадбиқ этиш» бўйича давлат гранти асосида илмий лойиҳага раҳбарлик қилиб, Наманган вилояти шароитида Қурилиш фиши сифатини яхшилаш бўйича кўплаб тавсиялар ишлаб чиқсан эди.

Х. Ҳошимов 2004 йил 20 июн куни бевақт вафот этди. У ўзининг илмий, педагогик фаолияти давомида институт жамоасининг ҳурмат-эътиборига сазовор бўлишга, улар қалбидан жой олишга улгурган эди. Бундай инсонлар эса ҳеч қачон унтуилмайди.

ЖАМШИД ҲОШИМОВ



Жамшид Ҳошимов 1948 йил 6 апрелда Наманган шаҳрида туғилган.

1955—1966 йилларда Наманган шаҳридаги 7-ўрта мактабда ўқиган. 1967 йилда Тошкент давлат университетининг математика факультетига ўқишга кириб, 1972 йили ҳисоблаш математикаси бўлимини битирган.

1972 йилдан Наманган давлат педагогика институтининг математика факультетида ҳисоблаш математикаси бўйича ўқитувчи бўлиб ишлаган.

1974 йили Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Кибернетика институтига икки йиллик илмий тадқиқотчиликка юборилди.

1976—1982 йилларда аспирантурада таҳсил олган. Ўқиши давомида Тошкент политехника институтининг кечки бўлимида дарс берди. 1982 йили номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди. Шу йиллар давомида ҳисоблаш математикаси бўйича бир қанча қўлланма ва мақолалар чол эттириди.

1983 йили май ойидан Тошкент политехника институти Наманган филиалининг (ҳозирги НамМПИ) олий математика кафедрасида катта ўқитувчи лавозимида ишлай бошлаган эди.

Шу йили 3 декабрь куни бевақт ўлым уни орамиздан олиб кетди. У гарчи институтда жуда қисқа фаолият күрсатган бўлса-да, тиришқоқлиги, меҳнатсеварлиги, одамийлиги билан жамоа ўртасида эътибор топган эди. Ж. Ҳошимовнинг порлоқ хотираси институт профессор-ўқитувчилари ва ходимлари қалбida доимо сақланиб қолган.

МУНДАРИЖА

Мұхандис-педагоглар маскани	3
Институт раҳбарлари	
Тоштурғун Эргашев	8
Фуломқодир Дадамирзаев	10
Эркин Ботиров	11
Турсунпұлат Мирзамаҳмудов	13
Фан докторлари, профессорлар	
Комил Розиқов	16
Қаҳрамон Faфуров	17
Faфуржон Fуломов	18
АҳмаджонСолиев	20
Аҳаджон Валиев	21
Мадамин Жўрабоев	22
Маҳаммадихон Исмоилов	24
Шарофиддин Йўлдошев	25
Набижон Бойбобоев	26
Олимжон Каримов	27
Фахриддин Маткаримов	28
Турсунбой Маъмуроев	29
Валижон Ҳожибоев	31
Шермирза Сайдбоев	32
Муҳаммаджон Жакбаров	33
Фан номзодлари, доцентлар	
Зоҳиджон Абдуқаҳҳоров	36
Муроджон Абдуллаев	37
Султонбой Абдураҳмонов	38
Шерзод Абдураҳмонов	39
Хорисбой Алимов	40
Абдулхай Ақбаров	41
Алишер Алиназаров	43
Бурҳониддин Аҳмадов	44
Раҳмонжон Аҳмедов	45
Нуриддин Баҳриддинов	46
Собиржон Бойледаев	47
Абдулҳамид Болтабоев	48
Аблусаттор Ботиров	49

Раҳима Ботирова	50
Закирё Бузруков	52
Сарвархон Бузрукхонов	53
Акбаржон Бурхонов	54
Илгор Гафаров	56
Муҳаммаджон Дадамирзаев	57
Нурилла Даҳонон	58
Жакбарили Даминов	59
Хурсан Жалолов	60
Неъматилла Зокиров	61
Содикжон Зокиров	62
Мавлуда Иномова	63
Султонбой Ирисқулов	64
Раҳматилло Исматов	65
Равшанжон Исмоилов	66
Боситхон Исохўжаев	68
Қосимжон Ишматов	69
Асқарали Йўлдошев	70
Акбарали Қамбаров	71
Муродилла Қаноатов	72
Саломатхон Каримбоева	73
Пазлиддин Каримов	74
Абдулмалик Қаюмов	76
Шукуржон Кенжабоев	77
Ҳусниддин Қирғизов	78
Олимжон Қодиров	79
Шавкатбек Қодиров	80
Ҳадиҷа Қодирова	82
Ҳасан Мавлонов	83
Комил Мадумаров	84
Усмонали Мамадалиев	86
Латифжон Мамажанов	87
Камолиддин Маткаримов	88
Баҳриддин Маҳмудов	89
Зокиржон Маҳмудов	90
Маҳмуджон Мелибоев	91
Абдурашид Мирзаҳмедов	92
Абдужаббор Муродиллаев	93
Жобирхон Муҳамедов	94
Абдулҳамид Муҳиддинов	95
Шавкат Набиев	96
Мубошер Нажмиддинов	97
Солижон Назимов	99
Нозимжон Нарзуллаев	100

Аҳмаджон Насритдинов	101
Муҳаммад Насриддинов	102
Мирзобаҳром Негматов	103
Муродилла Олимов	104
Ҳалимжон Олимов	105
Абдаз Омирөв	106
Юсуфжон Оппоқов	107
Анвара Отабоева	108
Абдужалил Полвонов	109
Алишер Пўлатов	111
Собиржон Рассоқов	112
Акмалхон Раҳимов	113
Илҳомжон Раҳимов	115
Баҳодир Ризаев	116
Раҳматали Рустамов	117
Аъламхон Сайдмаматов	118
Соттиҳон Сайдов	119
Икромиддин Сироҷиддинов	120
Пўлатжон Султонов	121
Ёдгор Тиллабоев	122
Маҳкамбой Тошмираев	123
Нурматжон Турғунов	124
Собитхон Турғунов	126
Аҳмаджон Тўхтабоев	127
Қодиржон Умарқулов	128
Акрамжон Умурзоқов	129
Ҳошимжон Ўринбоев	130
Ғуломжон Ўришев	131
Нодирахон Усмонова	132
Раҳматжон Ғуломов	133
Абдулбоқи Ҳакимов	134
Анвар Ҳакимов	136
Шукрулло Ҳакимов	137
Шавкат Ҳалилов	138
Адҳамжон Ҳамидов	139
Абдусаттор Ҳолмирзаев	140
Жавлонбек Ҳолмирзаев	141
Ҳакимжон Ҳошимов	143
Собитхон Ҳошимов	144
Абдусалом Ҳудойбердиев	145
Тоҳиржон Ҳудойбердиев	146
Нормуҳаммад Шайдуллаев	147
Исроилжон Шамшиддинов	148
Ботириали Шарипов	150

Абдували Шокиров	151
Олимжон Эгамбердиев	152
Юсуфхон Эргашев	153
Довудхон Эшонхўжаев	155

Инсон хотираси азиз...

Турғунбой Маллабоев	158
Зокиржон Холмирзаев	159
Уройим Бойтўраев	160
Пўлатжон Абдураҳмонов	161
Ҳакимжон Абдулҳапизов	162
Сотиволди Бозоров	163
Фазлидин Faффоров	164
Абдураҳмон Fаниев	165
Абдубанно Ҳатамов	166
Ҳошимжон Ҳошимов	167
Жамшиид Ҳошимов	168

Институт олимлари

«Шарқ» нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси
Бош таҳририяти
Тошкент—2004

Мұхаррир *K.Қаюмов*
Рассом *M.Алламов*
Техник мұхаррир *P.Бобохонова*
Саҳифаловчи *M.Атхамова*

Теришга берилди 9.08.2004 й. Босишига рухсат этилди 6.09.2004 й.
Бичими 84x108¹/₂. Таймс гарнитураси. Осфет босма. Шартли босма
табоги 9,2. Нашриёт ҳисоб табоги 8,7. Адади 1000 нусха. Буюртма
№662. Баҳоси келишилган нархда.

**«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси
босмахонаси. 700083, Тошкент шаҳри, Буюк Турон, 41.**